

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Мойли Фозилович Лафасов
Турғунхўжа Тошпўлатов
Гулжахон Лафасова**

Миллий ғоя ва мафкура фанини ўқитиш методикаси

**Бакалавриат йўналиши: 5141500 – Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва
маънавият асослари**

Кириш

Президентимиз Ислом Каримов миллий ғоя мафкуранинг халқни-халқ, миллатни-миллат этиш борасидаги аҳамиятини таъкидлаб, шундай ёзади: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айнаи вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кунни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан».

Эркин демократик жамият барпо этишни бош мақсад қилиб олган ва тараққиёти ижтимоий ҳамкорликка асосланган давлатлардаги халқларнинг миллий ғояси ва мафкураси одамларни ана шу эзгу мақсад йўлида бирлаштиради.

Ўзбекистон халқининг миллий ғояси ва мафкураси ҳам жамиятимизни янада жипслаштиришга, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини ўйлаб, соғлом эътикод ва дунёқараш билан яшашга даъват этади.

Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Қаерда мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўшаерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин.

Ҳозирги вақтда дунёда турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар кураши тўхтагани йўқ. Бу курашдан кўзланган асосий мақсад – инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилишдир.

Мафкуравий полигон деб, одамларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган ғоя ёки мафкурани ҳам маблағ, ҳам замонавий техникавий воситалар билан кучлантириб, моддий ва маънавий қуролларни ишга солиб, дунёдаги ахборот ва фикр оқимини ўз манфаатлари йўлида бошқариб турган, муайян ниятига етиш учун ишлатиладиган ва бу борада хилма-хил тарзда намоён бўладиган ҳаракатларни амалга оширадиган ғоявий марказга айтилади.

Юртбошимиз айтганидек «бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий сезиб яшамокда».

Эркин ва фаровон ҳаёт асосларини яратиб, янада олға интилаётган илғор мамлакатлар ўз ғоя ва мафкураларини умуминсоний кадриятлар ва демократик тамойиллар негизида ривожлантирмоқда. Чунки бундай мафкура инсоннинг ўз салоҳиятини эркин намоён этиш учун имкон беради.

Ўзбекистоннинг миллий ғоя ва мафкураси мамлакатимизнинг мана шу минтақада, ён-атрофдаги давлатлар орасида ва жаҳон миқёсида ўзига муносиб ўрнини, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, ўзининг имкониятини тўғри ва холисона англаб, шу асосда изчил ҳаракат қилишимиз учун хизмат этиши зарур.

Миллий ғоя ва мафкура воситасида эл-юрт бирлашади, ўз олдида буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш, таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида, муттасил такомиллаштириб бориш вазифаси ҳам янги жамиятни барпо этишда муҳим ўрин тутади.

Чунки таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Бугун халқаро ҳаёт, кишилиқ тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бизнинг сиёсатимизнинг бош йўналишини Ўзбекистон хавфсизлиги ташкил этади. Албатта, ҳозирги турмушимиз биз орзу этган даражада эмас. Ҳали етишмовчиликлар, қийинчиликлар ва йўлимизда тўсиқлар ҳам оз эмас. Аммо шундай мураккаб бир вазиятда одамлар омонлиги, мамлакатимиз тинчлигини таъминлашга эришаётганимиз, бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Бунинг учун миллий истиқлол ғоясини ёшлар қалби ва онгига сингдиришда ва жамиятнинг барча жабҳаларини қамраб олишда, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усулларида фойдаланилмоқда. Бу ҳол таълим тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун олиб борилаётган ҳаракатларда яққол намоён бўлмоқда.

Ахборот технологияларининг охириги йиллардаги тез ривожланиши бизга янги ва ноёб бўлган имкониятни, яъни, ўқув жараёнларида электрон дарсликлар ва мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланиш имкониятларини бермоқда.

Ўқув дастурларида мультимедиадан фойдаланиш компьютерларнинг аналитик имкониятларини ўргатилаётган фан мавзуларининг ҳар томонлама мазмунли ва образли қилиб тасвирлаш имконияти билан тўлдиради.

Маълумки, ўқувчи биринчи марта эшитган ахборотининг фақатгина чорак қисмини ўзлаштиради. Агарда ўқувчининг ўқув жараёнида интерактив мультимедиа технологияси ёрдамида фаол иштироки таъминланса, у ҳолда янги мавзунини ўзлаштириш 75 фоизни ташкил этиши мумкин. Интерактив мультимедиа ўқувчига катта эмоционал – эстетик таъсир кўрсатиши сабабли мультимедиа дастурлари сифатига катта талаблар қўйилиши лозим, чунки эстетик жиҳатдан сўст бўлган мультимедиа маҳсулоти ўқув жараёнининг самарасини камайтиради ва баъзи ҳолларда салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Ижодий ва таъсирчанлик нуқтаи назаридан мультимедиа янги санъат тури деб ҳисоблаш, шунингдек, мультимедиа санъат назарияси ва мультимедиа педагогикасини яратиш лозим.

Дарс бераётган ўқитувчи педагогик технологияни яхши билиши зарур. Чунки педагогик технология – бу ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида

ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва акс таъсир маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларининг жадал шаклланишини кафолатлайдиган жараёндир.

Педагогик технология ўқитиш жараёнларининг ўзаро боғлиқ қисмларини ташкилий жиҳатдан тартибга келтириш босқичларини кўриш, уларни жорий этиш шартларини аниқлаш, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадга эришишни таъминлайди.

Педагогик технология ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган муолажалар йиғиндисидир.

Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъмирини ўтказди ва таълим тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради.

Мақсад эса педагогик тизимининг қолган элементларини ўз навбатида янгилаш зарурлигини келтириб чиқаради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим тарбиянинг мақсадини янги йўналишга бурди. Янги йўналиш эски мафкуравий қараш ва сарқитдан тўла ҳолис этиш, ривожланган, демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш деб белгиланади. Демак, таълим-тарбиянинг мақсади бутунлай янгиланади, унга мос ҳолда мазмуннинг ҳам, педагогик жараённинг ҳам янгиланиши табиийдир.

Педагогик тажрибаларни ўргатишдан мақсад, ўқитувчиларнинг серқиррали ва мураккаб фаолиятидаги янгиликларни аниқлаш билан биргаликда илмий тадқиқот методи сифатида назария ва амалиёт бирлигини таъминлашга қаратилади, йўналтирилади.

Илғор педагогик тажриба шундай амалиётки, у ҳар доим ўзига янгилик элементларини, ижодкорлик намуналарини, новаторлик фаолият қирраларини мужассамлантиради, унинг асосий кўрсаткичи натижавийлик, яъни таълим тарбия соҳасида йиллар давомида эришилган илғор самара ҳисобланади. Педагогик тажрибани ўрганиш сермашаққат меҳнат талаб қилади ва ўзига метод (сўровнома, суҳбат, ҳужжат ўрганиш) ва шаклларга (педагогик ўқиш, педагогик илмий гуруҳ)га эга.

Педагогик технология бугун пайдо бўлган янгилик ёки йўналиш эмас, у ҳар доим ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятида ўз аксини топади. Ўқитиш жараёни маълум босқичлар, амаллар, усуллар, ҳаракатлардан ташкил топган педагогик жараён ҳисобланади.

Шунга мос ҳолда маълум педагогик тизим мавжуд бўлади. Дарс ўтишда белгиланган мақсадни ўқувчи онгига, қалбига сингдиришда ҳар хил методлардан фойдаланиш зарур бўлади. Демак ўқувчиларнинг дарсга, фанга қизиқишини ошириш, хотираларини янада ўткирроқ қилиб чархлаш лозим.

Дарсни фақат аудиторияда ўтиш шарт эмас, балки уни жойларда ҳам ўтиш мумкин. Масалан музейларга, ўлкашунослик музейларига, тарихий жойларга, театр, киноларга бориш, тадбирлар ўтказиш билан ҳам мақсадга эришишимиз мумкин. Давра суҳбатлари, мунозаралар, учрашувлар ташкил

этилиши мумкин. Саволномалар тузиш ва унга жавоб олиш ҳам катта натижа беради.

Бундан ташқари ақлий ҳужум, ажурли арра, мунозара, давра суҳбати, кичик гуруҳларда босма материаллар билан ишлаш, дебат ва бошқа усуллардан имконият даражасида фойдаланиш яхши натижа беради. Бу усуллар ўқувчиларда мустақил фикрлашни, ҳозиржавобликни, ахлоқ-одобни, нутқ маданиятини ривожлантиради.

Ушбу дарсликда юқоридагилар ҳақида имконияти борича маълумотлар берилди. Дарсликни тайёрлашда илғор педагогларимиз тажрибаларидан, шунингдек «Маърифат» газетасининг 2005 йил 13 августида эълон қилинган «Ўқувчи-талабалар онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда таълим-тарбиявий ишларни ўзаро уйғун ҳолда ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар»дан кенг фойдаланилди.

I – Боб. «Миллий ғоя ва мафкура» фанининг таълим-тарбиявий аҳамияти ва таркибий тузилиши

1 - §. «Миллий истиқлол ғояси» фанини ўқитишнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти

Дарсинг режаси:

1. Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси долзарб ижтимоий сиёсий зарурат.
2. «Миллий истиқлол ғояси» фани вазифалари ва уни ўрганишнинг аҳамияти.
3. Миллий ғоя ва миллий мафкуранинг ёшларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялашда тутган ўрни.
4. Ёшларда миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантиришда ижтимоий фанларнинг роли.
5. Ёшларда «Ватан тақдири менинг тақдирим, Ватан келажаги менинг келажгим» принциплари асосида яшаш, турмуш тарзини фаол шакллантиришнинг шакл ва методлари.
6. Хулоса

Мавзуга доир адабиётлар

1. Каримов И.А. «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» Т. «Ўзбекистон». 1998 йил.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. «Ўзбекистон». 1998.
3. Каримов И.А. Ўз келажгимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. «Туркистон» газетаси, 1999 йил 2 февраль.

4. Каримов И.А. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». «Fidokor» газетаси. 2000 йил 8 июн.
5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар.Т. «Ўзбекистон» 2000 йил.

«Миллий истиқлол ғояси» фани ва уни ўрганишнинг аҳамияти

Маълумки, 1990 йилнинг 24 мартада XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтиб, унда Ўзбекистон тарихида биринчи марта президентлик лавозими таъсис этилиши тўғрисида тарихий қарор қабул қилинди. Сессияда Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон ССРнинг Президенти этиб сайлаш тўғрисида бир оғиздан Қарор қабул қилинди. 1990 йил шароитида Ўзбекистонда Президентлик лавозимининг таъсис этилиши унинг яқин келажакда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан том маънодаги мустақиллигини амалга оширишдаги катта ютуқ, тарихий ҳодиса эди. Гап шундаки, халқимиз бундан бир юзу ўттиз йил муқаддам ўз миллий мустақиллигини ва тарихий давлатлигини йўқотиб, мустамлака асоратига тушиб қолганлиги жоиз, гарчи Буюк Сталин Конституцияси деб аталмиш Конституциянинг «СССР ижтимоий тузуми ва сиёсатининг асослари» деб аталмиш I бўлимнинг «Сиёсий система» бобидан жой олган 1-моддада: «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мамлакат ишчилари, деҳқонлари ва зиёлиларининг, барча миллатлари ва элатлари меҳнаткашларининг ирода ва манфаатларини ифодаловчи социалистик умумхалқ давлатидир» деб ёзилган бўлсада, ёинки яна шу Конституциянинг «Давлат ва шахс» деб аталмиш II бўлимнинг «СССР гражданлиги, гражданларнинг тенг ҳуқуқлиги» деб аталмиш бобнинг 34 моддасида баён этилган «СССР гражданлари ўзларининг насл-насабидан,... ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва характери, яшаш жойи ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар Қонун олдида тенгдирлар.

Иқтисодий, сиёсий социал ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида СССР гражданларининг тенг ҳуқуқлиги таъминланади», шунингдек 36-моддада: «Турли ирқ ва миллатларга мансуб СССР гражданлари тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши СССРдаги барча миллатлар ва элатларни ҳар томонлама камол топтириш ва яқинлаштириш сиёсати билан, гражданларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш билан, она тилидан ва СССРдаги бошқа халқларнинг тилларидан фойдаланишга имкон берилиши билан таъминланади...», шунингдек 50-моддада СССР гражданларига сўз, матбуот, йиғилишлар, митинглар, кўчаларда намоёишлар қилиб юриш эркинликлари, 51-моддада кўрсатилган сиёсий ҳуқуқлар, 52-моддада қайд этилган «СССР гражданларининг виждон эркинлиги, яъни ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки биронта динга ҳам эътиқод қилмаслик, диний маросимларни бажариш

хукуқи гарантияланади» деб кўрсатилганлигига қарамасдан, Президентимиз Ислом Каримов алоҳида қайд этиб ўтганларидек собиқ шўролар даврида фуқаролар қонун асосида яшашга даъват этилса, коммунистлар партия устави асосида яшар эдилар.

Бир сўз билан айтганда миллий республикаларда фуқароларнинг Конституцион ҳуқуқлари амалда ҳаётга қониқарсиз ҳолда тадбиқ этилар эди. Булардан ташқари 1990 йил шароитига келганда йиғилиб қолган кўплаб миллий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, айниқса маънавий ривожланиш муаммолари ниҳоятда кескин тус олган эди. Республикамиз олдидаги мана шундай долзарб муаммоларни ҳал этишда Президентлик лавозими кенг имкониятларни очиб бериши мумкин эди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов мазкур сессияда сўзлаган нутқида Президент вазифаси ва унинг масъулияти хусусида тўхтаб: «Ўзбекистон Президенти сифатида ўзимнинг асосий вазифаларимни нимадан иборат деб биламан? Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ва ҳаётий мазмун билан бойитиш, шунингдек, «Президент бошқаруви»нинг муҳим вазифаларидан бири республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини-ўзи идора қилишга ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтишини таъминлашдир. Айни чоғда меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлаар билан ривожлантириш – республика давлат ҳокимияти органларидан, шахсан мендан, Ўзбекистон ССР Президентидан доимий эътибор талаб қиладиган вазифадир».

Бу сўзлари билан Ислом Каримов Президент сифатида шўроларнинг тоталитар тузуми даврида қатор муаммоларга дуч келган халқимиз олдида бутун масъулиятлар комплексини ойдин - очиқ ўз зиммасига олганлигини билдирди.

1990 йил 20 июнь куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг XII чақириқ иккинчи сессияси яна бир тарихий ҳужжат - «Мустақиллик Декларацияси» ни қабул қилди.

Декларациянинг кириш қисмида бу тарихий ҳужжатнинг мақсад ва вазифалари шундай ифодалаб берилган: «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи, Ўзбекистоннинг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилади».

Декларациянинг биринчи моддаси Ўзбекистон Республикасининг том маънодаги мустақиллигини шундай ифода этди: «Ўзбекистон Республикасининг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларни белгилашда ва барча ташқи муносабатларда танҳо ҳокимлигидир». Маълумки, 1991 йилнинг 19-21 августида Москвада Г.Янаев бошлиқ бир гуруҳ фитначиларнинг

давлат тўнтариши қилишга уринишлари ва СССР Президенти Михаил Горбачевни зўровонлик билан ўз вазифасидан четлаштириш ҳаракати бўлиб, мамлакатда Фавқулодда ҳолат давлат комитети тузилди. Бу комитетнинг эълон қилган хабарларида Президент М.Горбачев ваколатлари эндиликда вице-президенти Г.Янаев томонидан бажарилиши кўрсатилган эди.

Фитначиларнинг асл мақсадлари иттифоқ ҳудудида яшовчи барча халқларнинг ўз миллий мустақилликларини қўлга киритишларига, ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишларига мутлақ йўл қўймасликдан иборат эди.

19 августда Ҳиндистон сафаридан қайтиб келган юртбошимиз 20 август куни оммавий ахборот воситалари орқали республика аҳолисига мурожаат билан чиқиб, «биз ўзимиз танлаган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадимиздан қайтганимизча йўқ. Бу йўл бизнинг халқимиз тарихига, урф-одатларига, табиатимиз шарт-шароитларига мос йўлдир» деди.

Президент Ислом Каримов ўз мурожаатида юртдошларимизнинг марказдан туриб жозибали ҳаракат қилаётган Фавқулодда ҳолат давлат Комитети чақириқлари туфайли вужудга келган экстремал шароитда оғир-вазмин ва сабр-тоқатли ва тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун жипслаштиришга чақирди.

1991 йил 21 август куни Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Фавқулодда ҳолат давлат Комитетининг қарорлари Мустақил Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид ва ноқонуний эканлиги эълон қилинди. Президент Ислом Каримов ана шу баёнотида бундан баён КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси таркибини тарк этишини ҳам билдирди.

Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 25 августдаги Фармонида биноан Республика ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон қонунлари асосида Ўзбекистон тасарруфига олинди. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган СССР ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсундирилди. 1991 йил 28 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комитетининг қўшма Пленуми бўлиб ўтди ва унда ЎзКПнинг КПССнинг барча ташкилотларидан чиқишига, унинг Марказий органларидаги ўз вакилларини чақириб олишга қарор қилди. Ана шундай тарихий шароитда, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Олий Кенгаши XII чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессияси иш бошлади. Сессияда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги масалалар кун тартибига қўйилди. Сессияда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги маърузаси тингланди. Президент Ислом Каримов маданийлашган мустақил давлатлар мақоми тўғрисида гапирар экан:

«Бўлажак мустақил давлатлар... эркин, мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлиб қолишлари, ўзларининг миллий давлат тузиш, ташқи бозорга чиқиш, ўзи маъқул топган барча мамлакатлар билан халқаро муносабат ўрнатиш,

дипломатик ва консуллик алоқалари масалаларини мустақил ҳал этишлари керак. Бу ҳеч кимнинг буйруғисиз ва аралашувисиз мустақил амалга оширилиши керак. Мана шу шароитга, сабабларга асосланиб, халқимиз хоши-иродасини бажо келтириб, Олий Кенгаш диққатига фақат бир масалани қўймоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги Қонунни муҳокама этиш ва уни қабул қилишни таклиф этаман. Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоши-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоши-иродаси биз учун муқаддасдир».

Сессияда Ўзбекистон ССРнинг номи Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти» қабул қилинди. Баёнотда халқаро ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб, Республика халқларининг тақдири учун бутун масъулиятни англаб Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлиги тантанали равишда эълон қилинди.

Мазкур сессияда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида» Қарор қабул қилди. Бу қонун Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ҳолатини тубдан ўзгартирди.

17 моддадан иборат ушбу қонун вақтинча Республикада Конституция ролини ҳам ўйнаб, унинг моддаларида суверен Ўзбекистон Республикасининг асосий белгиларини ўзида ифодалагандир.

Шундай қилиб 1991 йил 31 августига келиб жафокаш ўзбек халқининг миллий мустақиллик хусусидаги азалий орзуси амалга ошди. Ўзбек халқи «буюк оғалар»нинг иқтисодий ва сиёсий мутелигидан кутилиб, мустақил ички ва ташқи сиёсат юргизиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятларига эга бўлди. Мустақиллик давлат рамзларига эга бўлди. Қатор хориж давлатлар мустақил Ўзбекистон Республикасини давлат сифатида тан олдилар. Энди янги, суверен давлатни комплекс ривожлантиришнинг «Ўзбек модели» бунёд этилди. Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари ана шундай моделини ўзида атрафлича мужассамлаштирди. Миллий мустақилликни қўлга киритишимиз муносабати билан мамлакатимизда сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларини вужудга келиши ва фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, 1998 йил 28 апрелида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида», 1996 йил декабрида «Сиёсий партиялар тўғрисида», 1991 йил 15 феввалида «Жамоат ташкилотлари тўғрисида» Қонунлар қабул қилинди.

Мамлакатимизнинг эркин, демократик жамият қуриш сари тутган йўлини синчиклаб кузатар эканмиз, мамлакатимиздаги соф виждонли, иймон-эътиқодли фуқароларимизнинг ҳаётимизнинг турли жабҳаларида миллий истиқлолимиз берган неъматларига шукроналар қилиб, унинг буюк келажаги йўлида юртбошимиз раҳбарлигида ҳормай-толмай камарбанд

бўлиб ҳаракат қилаётганликлари, фаровон ҳаёт йўлида тинмай ижодий изланишда бўлаётган бир пайтимизда яратганга шукроналар қилиш ўрнига «Ёв қочди, ботир кўпайди» қабилада йўл тутиб, жамиятимизда Конституцион ҳокимиятни куч ишлатиш йўли билан ағдаришга бўлган террористик ҳаракатларнинг ҳам гувоҳи бўлиб турибмиз. Гап шундаки, истиқлолигимизнинг дастлабки даврида биз тоталитар тузумдан кутилганимизга маҳлиё бўлиб, маълум даврда жамиятимизга номақбул бўлган ғояларни кириб келиши ва фаоллик кўрсатишларига ўзимиз сезмаган ҳолда имкон яратиб бердик. Бошқача айтганда мафкура майдонида бўшлиқ коридорини вужудга келишига ўзимиз имконият яратиб бердик.

Бир лахза ютуқларимиз олдида эсанкираб огоҳликни унутиб қўйдик. Натижа нима бўлди? Мамлакатимизга «Рисолаи Нур» асарининг муаллифи Нурсий номи билан юритиладиган, ташқи кўринишда фақат турк биродарларимизнинг маърифий фаолиятлари билангина йўғирилгандек кўринадиган «Нурчи»лардан тортиб, «Фатҳуллочилар»гача, ваҳҳобийлардан тортиб «Ўзбекистон ислом ҳаракати» номини олган экстремистик ҳаракат, «Ҳизбуллоҳ» (Аллоҳ партияси), «Ҳизб ат- таҳрир ал исломий» (Ислом озодлик партияси), «Ислом уйғониш партияси» таъсиригача кириб келди. Улар ўз фаолиятларида Ўзбекистондаги сиёсий ўзгаришлар тизимининг тадбиркорлиги, ошкорлиги ва воқеъликка бойлиги, кундан-кунга умуминсоний, умуммиллий тотувлик ва бирдамликка эришиб борилаётганлигини кўраолмасдан Тошкентда 1999 16 февраль фожеасини келтириб чиқардилар. Яратганга ҳамду-санолар бўлсинки, 16 февраль воқеалари ташкилотчиларининг ёвуз ниятлари амалга ошмади. Юртбошимиз ва давлатимизнинг бошқа раҳбарлари Аллоҳ иродаси билан соғ-омон қолдилар. Бироқ, бу террорлик ҳаракати оқибатида 16 нафар бегуноҳ инсон шаҳид кетди, 128 нафар киши турли даражада тан жароҳати олди. 2000 йил давомида қардош Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудларда, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани, Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳри ва Бўстонлиқ ноҳиясидаги жангарилар ҳуружи бизнинг истиқлолимиз берган неъматларини нафақат қурол кучи билан балки халқимизнинг айниқса келажагимиз соҳиблари бўлган ёш авлодни миллий истиқлол ғояси ва мафкураси билан ҳар томонлама қуроллантиришни тақозо этмоқда.

2. «Миллий истиқлол ғояси» фанининг жорий этилиши ва уни ўрганишнинг вазифаси хусусида гап борадиган бўлса, бу албатта давр талаби, истиқлолимиз туфайли қўлга киритилган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳалардаги ғалабаларимиз моҳиятини ёшларимиз онгига системали равишда сингдириб бориш билан уларнинг шахсий эътиқод-ғояларига ўсиб ўтиши ва кундалик амалий фаолиятларида ҳаракат дастури даражасига кўтарилишини тақозо этади. Агарда бу жавобни янада қисқароқ ва аниқроқ баён этиб: «булар нимага хизмат қилиши керак?» деб муаммоли савол қўядиган бўлсак жавоб битта - халқ фаровонлиги, тинчлиги ва миллий мустақиллиги хавфсизлигини таъминлашдир!

3. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, ҳар бир фанда бўлганидек республикамиз таълим тизимларида махсус фан сифатида ўқитиладиган «Миллий истиқлол ғояси» фани ҳам ўз предметиға эгадир. Юртбошимиз Ислон Каримов асарлари, оммавий ахборот воситаларига берган интервьюлари, нутқ ва кўрсатмалари мазкур фаннинг предметиғи ташкил этади.

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида ҳар бир педагог ўқув юртининг специфик хусусиятларини ҳисобға олган ҳолда педагогик фаолиятини талабалар жамоасининг умумий тайёргарликларига индивидуал ва дифференциал ёндошган ҳолда ташкил этмоғи ва амалға ошириб бормоғи лозим. Ёшларимизда миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчаларини фаол шакллантириб бориш шубҳасиз уларнинг ғоявий-сиёсий камолотларида алоҳида аҳамият касб этади.

4. Давр Республикамиз халқ таълими ходимлари олдига ёшларимизда истиқлол ғояси ва мафкурасини долзарб муаммо сифатида кўяр экан, бу кардинал масалани ҳал этиш ва ҳаётға тадбиқ этишда тарих фанининг алоҳида аҳамият касб этишини ҳисобға олмоқ даркор. Зеро, юртбошимиз алоҳида қайд этиб ўтганларидек, «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ислоот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур. Чуқур таҳлил, мантиққа асосланмаган бирёклама фикр юритувчан одамларни, энг аввало, тарих ўқитувчиларини чалғитади. Улар эшитганларини ҳақиқат шу экан, деб ўқувчиларға ҳам етказишади. Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизға тўғри йўл кўрсатиши мумкин».

Президент Ислон Каримовнинг бу фикрларини чуқур таҳлил қиладиган бўлсак унда ёшларимизда миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини изчиллик билан шакллантириш методологиясини, балки тарих ўқитишни илмий-методик жиҳатдан самарали ташкил этишда илғор ўқитувчилар томонидан қўлланадиган муаммоли таълим методини қўллаш йўли билан талабаларимизда тарихий фактларға нисбатан таҳлилий тафаккур қобилиятларини давримиз талаби даражасида ривожлантириб боришға бўлган илмий даъват ифодасини ҳам яққол кўраимиз.

Президент Ислон Каримов асарларида комил инсон тарбияси, унинг умуминсоний фазилатлар соҳиби бўлиши хусусидаги кўплаб илмий-назарий концепсияларини кўраимиз. «Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, - деб ёзади Президент Ислон Каримов, - ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди». Шундай экан, ёшларимизда миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантиришда тарих курсларининг, қолаверса ижтимоий фанларнинг имкониятлари бекиёс каттадир. Эндиги вазифа ана шу имкониятлардан фойдаланиб Ўзбекистон тарихини ўрганиш жараёнида жаҳон халқлари тарихига интеграцион ёндошиб талабаларимизда «миллий ғоя», «миллий мафкура» тушунчаларини илмий асосда шакллантириб бориш ва бу борада

уларнинг олган билимларини шахсий эътиқодларига ўсиб ўтиши ва кундалик амалий фаолиятларида оғишмай тадбиқ этишларига эришмоқдадир.

6. Янги фан - «Миллий истиқлол ғояси» фанининг дастурида «Ватан тақдири менинг тақдирим, Ватан келажаги – менинг келажагим» деб яшаш тарзини қарор топтириш вазифаларини, мустақилликни мустаҳкамлаш учун қандай ҳисса қўшдим! деган тушунчаларни пайдо қилишга интилиш деган тўғри талаб қўйилган. Бироқ, бизнинг фикримизча «Миллий истиқлол ғояси» каби назарий фанни ўрганишга киришар эканмиз «Ватан» тушунчасининг ўзига атрофлича тўхтаб ўтишимиз ва бу тушунчага турли ёндошишлар, концепсиялар бўлганлиги, бугунги кунимизда ҳам ана шу тушунчалар айрим экстремистик ташкилотлар, гуруҳлар, сиёсий партиялар томонидан турлича талқин этилаётганлигини кўрсатиш лозим. Масалан, шўролар даврида ягона давлат мафкурасининг «илмий-назарий асоси»ни ташкил этган марксизм-ленинизм фанида К.Маркснинг «Ишчилар синфининг ватани йўқ». Шу жоиз умумжаҳон миқёсида йўқсилларнинг зўравонликка (диктатурага) асосланган давлатларини қуриш учун «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган қирғин-баротга асосланган даъват – совет ватанпарварлигининг ҳаракатга келтирувчи дарғаси бўлиб келган эди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўплаб ўзбек жангчилари самолётдан фронт орқасига парашютда сакраганларида, ёки душман билан қуролли тўқнашувда қарши ҳужумга ўтишларида: «Сталин учун!», «Ватан учун!», деб шаҳид бўлганларида ўзларининг жанговор ватанпарварлар деб ҳис этар эдилар. Ҳолбуки, ўзбек ўғлони учун ўша жаҳон уруши шароитида «Ватан» тушунчаси қандайдир унга ёт бўлган Калининград, Прага, Варшава ёки Берлинда эмас, авлодлари, ота-онаси, ўзи туғилиб ўсган маълум қишлоқ, овул, ноҳия, шаҳар ёки давлатда эканлиги номаълум бир асбтракт нарсасидек туюлар эди. Ҳолбуки, ватанпарварлик ҳар бир халқнинг тарихий ўтмиши билан чамбарчас боғланган бўлиб, алоҳида олинган халқнинг ватанпарварлик анъаналари, ўз ватанларига бўлган садоқатлари, унинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида асрлар давомида олиб борган қаҳрамонона курашлари, айниқса бугунги мафкуравий кураш авж олиб бораётган бир тарихий даврда унинг фаровонлиги, тинчлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги фидойилиги билан ифодаланмоғи керак.

Ёшларимизда Ватанга садоқатлик миллий ғоясини изчил шакллантириб бориш учун бизда миллий, ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан ишлаб чиқилган концепсиялар Президент Ислам Каримовнинг кундалик фаолиятида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Масалан, юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясидаги маърузасини ўрганар эканмиз, унда ватанпарварлик борасида баён этилган қуйидаги фикрларни англаб оламиз: «Мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи мана

шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ».

Биз талаба ёшларимизга «Ватан», «ватанпарварлик» хусусида таълим берар эканмиз, бугунги кунда ҳар бир инсон ҳаётида ниҳоят катта ўрин тутадиган бу тушунчаларни шарҳлашда экстремистик кучлар ўзларининг ғайритабиий ғайриилмий концепсияларини ниҳоят катта фаоллик билан тарғиб этаётганликлари хусусида ҳам аниқ назарий ва амалий билим беришга эришмоғимиз, бу борадаги ўз фикр мулоҳазаларимизни аниқ фактлар билан боғлаб олиб бормоғимиз лозим. Масалан, камина 1999 йил муқаддас Ҳаж сафарида бўлган давримда Жидда шаҳрида шундай воқеанинг шохиди бўлдим. Икки араб йигити аэропортда ўтирган ҳожиларга ваҳҳобизмни кенг тарғиб қилувчи «Ислом Низоми» деб номланган ўта реакцион дастурда ўзларининг гўё «чин ва соф исломий» қарашларини тарғиб этишга бел боғлаб, бу реакцион дастурни айрим ҳожиларимизга бепул эҳсон қилишга шошилдилар. Натижада, айрим ҳожиларимиз бундай «беғараз» эҳсоннинг туб моҳиятидан мутлоқ беҳабар ҳолда: «Қаранг, юртдошларимиз Арабистонда ҳам ўзбек тилида ёзилган китоб - «Ислом Низоми»ни нашр эттириб, эҳсон қилаётган эканлар» деб севинмоққа тушдилар. Ҳатто асл мазмун-моҳияти ҳокимият учун курашмоқчи бўлиб, биз билан сизнинг бола-чақаларимиз тинчлигини бузиб, ўзларининг мараз мақсадларини амалга оширмоқчи бўлганлар ҳақида дуолар ҳам ўқидилар. Камина, албатта бу ишга кузатувчи бўлиб қолмадим.

Жидда аэропортида тарқатилган бу манфур Низомнинг мазмуни илгаридан менга маълум эди. Бу Низомда «Ислом мафкураси», «Исломда ахлоқ» деган бобларга жуда катта ўрин ажратилган.

Унда «Ватан» ва «ватанпарварлик» тушунчалари (робиталари) куйидагича ифодаланган: «Фикр саёзланиб борган сари одамлар ўртасида Ватан тушунчаси пайдо бўла бошлайди. Бунинг боиси шундаки, одамлар бир жойда яшаб у ерга мустаҳкам ўрнашиб қолгач, яшаш учун курашиш туйғуси ўзини муҳофаа қилишга ва ўз навбатида улар яшаб турган шаҳарларни ҳам, оёқлари остидаги ерни ҳам ҳимоя қилишга ундайди. Мана шундай ватандошлик алоқалари пайдо бўлади, бу эса энг кучсиз ва тубан алоқадир».

«Ислом Низоми»даги бундай сўзларни ўқиган ҳар бир инсон Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг диний экстремистлар тўғрисида гапирганларида уларнинг ватанлари, миллатлари ва ҳудудлари йўқ манқуртлар бўлиб, дунё халқлари ХХІ аср бўсағасида турган бир пайтда Ўрта аср давридаги халифаликни тиклашни орзу қилаётганликлари хусусидаги баҳоси айна ҳақиқат ва жуда тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Зеро, ватанфурушларнинг назаридаги «Ватан» тушунчаси бундан ортиқ бўлишини кутиш ҳам сўқир одамдан карвонбошиликни талаб этиш билан тенг бир нарсга бўлур эди!

Муборак Ҳаж зиёрати даврида хориждаги диний экстремистларнинг тарқатган адабиётларида муқаддас динимиздаги ахлоқ масалалари ҳам бузиб

кўрсатилмоқда. Масалан, юкорида қайд этилган Низомда ёзилишича «Ахлоқ жамият қурилишига ҳаргиз таъсир кўрсата олмайди, чунки жамият ҳаёт қонунлари асосига қурилиб, асосан унга туйғулар ва фикрлар таъсир кўрсатади. Шунга биноан жамиятда ахлоққа даъват этишни ёйиш жоиз эмас». Фикримизча, исломий ахлоқни инкор этувчи бундай манқуртликни шархлашга ҳожат бўлмаса керак.

Президент Ислом Каримов Москвада нашр этиладиган «Время МН» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида алоҳида қайд этиб ўтганларидек, «Дунёга буюк ислом файласуф ва мутафаккирларини берган ҳудудда Ўрта Осиё, Ўзбекистонда бизларга динни ўргатишга на ҳожат.

Ҳа, ислом Саудия Арабистонида вужудга келган, лекин ким унинг динимизни бутун дунёга бундай жозибали кўрсатган, буюк фанга айлантирган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ)нинг ҳадиси шарифларини тўплаган буюк Имом ал-Бухорийни олинг. Ал-Бухорийни чўққига кўтарган ким, бутун ислом дунёсида неча ўн минглаб кишилар зиёрат қилиб кетадиган буюк мажмуани у ерда ким бунёд этди? Нақшбандий мақбарасини, Ат-Термизий мақбарасини ким ободонлаштирди? Жавоб, албатта ҳолисона ва битта – ўзбек халқининг азалий орзуси бўлган миллий мустақиллик ва унинг маҳсули - Мустақил Ўзбекистон Республикаси».

2 - §. Давлат таълим стандартлари, ўқув режа, ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг таркибий тузилишлари

Узоқ йиллар давомида ота-боболаримиз орзу қилган мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб миллий истиқлол ғоясини ва мафкурасини шакллантириш халқимиз учун жуда муҳим эҳтиёжга айланди. Чунки буюк келажакни барпо этиш учун миллатни бир жону бир тан қилиб бирлаштириш керак.

Президентимиз Ислом Каримов ўз асарларида миллий истиқлол ғоясини ва мафкурасини асослаб, уни ҳаётга тадбиқ этиш йўл-йўриқларини белгилаб бердилар. Бу масала ўта долзарб, муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Чунки ҳеч бир халқ мафкурасиз ўз мақсадларига эриша олмайди. Мафкура моҳияти, мақсади ва ҳаракат йўналишлари билан жамиятнинг миллий ғояларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади, унинг ҳаётбахш қудратини ишга туширади.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси жамият ривожланишидаги етакчи ғояларни ўзида мужассам этиб, халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, руҳиятига, кадриятларига асосланиб, келажакка бўлган ишонч туйғуларини тарбиялайди. Бу ғоялар билан қуролланган инсонлар ўз орзу-интилишлари йўлида бирлашадилар.

Шунинг учун ҳам Президентимиз миллий истиқлол ғояси ва мафкураси – халқни ягона мақсад сари бирлаштирувчи байроқ дея таъкидладилар. Дарҳақиқат, миллий истиқлол ғояси ва мафкураси миллатни

жипслаштирувчи ғоялар тизими бўлиб, жамиятнинг ҳар томонлама, бекаму-кўст барқарор ривожланишини назарий ва амалий жиҳатидан таъминлайди. Шу сабабли тараққиёт сари етакловчи улуғвор миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг асосий тушунча ва тамойилларини ўқитиш, ўрганиш, уларнинг кундалик хатти-ҳаракатларида намоён бўлишига эришиш – давр талабидир. Ёшлар қалбида ва тафаккурида “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” руҳини камолга етказиш муҳим масала ва долзарб вазифа. Ана шу руҳ қалбида барқ урган ёшлар элим деб, юртим деб ёниб яшайди, меҳнат қилади, миллат манфаатини ўз манфаати деб билиш даражасига кўтарила олади.

Мана шундай баркамол авлодни вояга етказиш, мамлакатимиз келажагини таъминлаш учун Ўзбекистонда таълим тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири шахс манфаати ва таълим устуворлиги деб белгиланди. Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилди.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан бу моделни амалга ошириш туфайли ҳаётимиз жабҳаларида рўй берадиган “портлаш эффекти” натижалари рўй рост кўрсатиб берилди.

Яъни, бу нарсa ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳитни бутунлай ўзгартиради. Инсоннинг ҳаётидан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Фуқаролик жамияти қуришни таъминлайди, модел воситасида дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришилади.

Жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини тарбия асослари билан инсон ва шахс қилиб вояга етказиш жараёнини янги педагогик “қурол” ва воситалар билан таъминлаш давр тақозосидир. Педагогик технология, таълим стандартлари ёрдамида учинчи минг йилликда давлатимиз таълим соҳасида туб бурилишлар юз беради, ўқитувчи фаолияти янгиланади, талаба ёшларда хурфиқрлилик, билимга чанқоқлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари тизимли равишда шакллантирилади.

2005 йил 13 августида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Республика маънавият ва маърифат марказининг «Ўқувчи-талабалар онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда таълим-тарбиявий ишларни ўзаро уйғун ҳолда ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар» эълон қилинди. Ушбу услубий тавсиялар такомиллашган Давлат таълим стандартларини яратишда асос бўлиб хизмат қилди. Давлат таълим стандартларида асосан ўқувчи-талабаларга бериладиган билимларнинг даражаси аниқланади ва фан мазмунига қатор талаблар қўйилади. Чунки берилаётган билим маълум бир ҳажмда чегараланади.

Миллий истиқлол ғояси фани мазмунига қўйиладиган талаблар.

Ёшларга миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини сингдиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим:

1. Ҳар бир гуруҳда ўқувчи-талабаларга миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг мазмун ва моҳиятини, ёш ва интеллектуал хусусиятларини ҳисобга олиб ёндашиш.

2. Ўқувчи-талабаларга эзгулик билан ижтимоий фаолликни узвий равишда мужассамлаштирилган ҳолда сингдириш.

3. Миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг йўналишлари ва босқичларини белгилаш.

4. Миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг метод ва шакллари ҳамда воситалар механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.

5. Ўқувчи-талабаларнинг онги ва шуурига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда ижтимоий тарбиянинг барча омиллари ҳамкорлигидаги ишларни амалга ошириш.

6. Дарсдан ташқари машғулотларда миллий истиқлол ғоясини сингдиришга доир илғор педагогик технологиялар ҳамда энг мақбул амалий усулларни қўллаш.

7. Ўқувчи-талабаларнинг маънавий-ахлоқий сифатлари ҳамда дунёқарашини бойитиб бориш билан бирга миллий мафқуранинг моҳияти, ижтимоий тараққиёт ва шахс камолотини таъминлашдаги ўрни, аҳамияти, миллий истиқлол ғоясини ўрганиш заруратини доимий равишда, мақсадга мувофиқ ёритиб бориш.

8. Миллий истиқлол ғояси асосида талаба-ўқувчилар маънавиятини шакллантиришни аниқ мақсадга йўналтирилган педагогик фаолият негизида ташкил этиш.

9. Фанни ўқитиш ва тарбиявий ишларнинг узвийлиги-узлуксизлигини таъминлаш.

10. Ўқитиш жараёнида берилаётган билимлар ва келтирилаётган фактларнинг аниқлигига риоя қилиш.

11. Назарий билимлар ва ҳаётий мисолларнинг ўзаро мослиги, уларнинг бир-бирини тўлдиришига эътибор бериш.

12. Фанлараро алоқа тамойилига риоя қилиш, тушунчаларни содда, аниқ бериш, уларни ўрганувчиларнинг ёши, дунёқараши, руҳиятига мослигини таъминлаш.

13. Ўқув дастури, қўлланма ва дарсликларнинг бир-бирига мос бўлишини таъминлаш.

14. Дастурда белгиланган мавзулар ва уларга ажратилган соатларнинг ўқув қўлланмалари ва дарсликларга мос келиши ҳамда тўла ёритилишини таъминлаш.

15. Ўқитувчининг дастурда белгиланган мавзулар бўйича қўшимча илмий-методик материалларга эга бўлиши, ўз устида мунтазам ишлашини таъминлаш.

16. Дастур вазифаларини тўлиқ амалга ошириш учун зарур бўлган методик тавсия, амалий машғулотлар, рефератлар, мустақил ишлар учун мавзулар, саволлар, таянч иборалар луғати, қўшимча адабиётлар ва ёрдамчи манбаларни такомиллаштириш.

Миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг методологик асоси учун йўланма:

1. Президент Ислом Каримовнинг миллий мафкурани шакллантиришга доир нутқлари ва асарларини ўрганиш ва улардан таълим-тарбия жараёнида кенг фойдаланиш.

2. Миллий истиқлол ғоясини сингдириш жараёнида тарихий бой маънавий меросимизга доир билимлар беришга эътибор қаратиш.

3. Халқ педагогикаси ва буюк алломаларимизнинг фалсафий қарашлари ва мулоҳазаларини ўрганиш.

4. Мустақилликка эришгандан кейинги ўтган давр мобайнида барча соҳаларда (ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий) амалга оширилган улкан ўзгаришлар ҳақида тушунчалар бериш.

Узлуксиз таълим тизимида миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим:

1. Ватанпарварлик туйғусини таркиб топтириш.

2. Миллий урф-одатлар, анъаналарга ҳурмат ҳиссини шакллантириш.

3. Ҳар бир ёшнинг маърифатли ва маданиятли шахс этиб тарбиялашга индивидуал ёндошиш.

4. Миллат руҳи, ғурури ҳамда Ватанга садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурматни шакллантириш.

5. Таълим тизимида Шарқ ва Ғарб давлатларининг таълим-тарбияда эришган ютуқлари билан танишиш ва уларни амалиётга жорий қилиш.

6. Ислом дини таълимоти ва ундаги маънавий-маърифий тушунчаларни ўқувчи-талабаларнинг ёш хусусиятига қараб, дастур ва дарсликларга киритиш.

7. Ҳар бир ўқувчи-талабанинг мустақил фикрлашига ва ижодий изланишига йўл очиб бериш.

8. Ўқувчи-талабаларда интизомлилик ҳамда қатъиятлилик руҳини барқарорлаштириш.

Узлуксиз таълим тизимида миллий истиқлол ғоясини сингдириш қуйидаги босқичларда амалга оширилишини ҳисобга олиш зарур:

1-босқич. Мактабгача таълим ёшидаги болаларга миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

2-босқич. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

3-босқич: Ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимида ёшларга миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

4-босқич. Олий таълим тизимида талаба-ёшларда миллий истиқлол ғоясини шакллантириш;

5-босқич. Миллий истиқлол ҳояси бўйича педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни тизимли асосда йўлга қўйиш.

Миллий истиқлол ғоясини ўқувчилар онгига сингдиришда ўқув жараёнини узвийлик-узлуксизлик асосида самарали ташкил этиш йўллари

- фан бўйича билимларни бериш ва тегишли кўникмаларни ҳосил қилишда замонавий педагогика фани ютуқларини самарали қўллаш;
- дастурда кўрсатилган мавзулар бўйича дарс ишланмаларини яратиш;
- дарсларни ўқитишда, тарбиявий ишларда янги педагогик технологиялар, инновацион усуллардан унумли фойдаланиш ;
- ўқувчи-талабаларни аниқ, улар бажара оладиган вазифалар бериш, ижросини назорат қилиш, таъминлаш ҳамда рағбатлантириш;
- фанга нисбатан ўқувчи-талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- жорий, оралик ва якуний назоратни амалга ошириш учун мавзулар, бўлимлар, боблар бўйича назорат турларини аниқлаш ва улар учун материалларни тайёрлаш;
- билимларни баҳолашда ўқувчи-талабанинг мустақил фикрлаши, ҳаётий мисоллар келтира олиши ёки ўз ҳатти-ҳаракатлари мисолида тушунтира олишига кўпроқ эътибор бериш;
- ўқувчи-талабанинг фан асосида Ватан, миллат ва унинг келажагига бўлган муносабатини унинг ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлишига эришиш;
- фанга оид алоҳида аудитория хоналарининг миллий истиқлол ғоясини ўқитиш талабларига мувофиқ жиҳозланишини таъминлаш;
- ҳар бир мавзунинг ёритишда камида битта интерфаол услубни қўллаш ва кўргазмали қуролларга эга бўлиш;
- профессор-ўқитувчиларнинг малака даражаларини муттасил ошира бориш;
- маънавий-маърифий тадбирларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг барча жабҳаларини қамраб олиши;
- ўқувчи-талабаларнинг ҳаётни тўла англашга, бугунги кунни қадрлашга, жамиятнинг етук аъзоси бўлиб етишишга интилишларига кўмаклашиш;
- ўқувчи-талабалар билимларини баҳолашнинг ҳаққонийлигини таъминлаш ва рағбатлантириш.

Миллий истиқлол ғоясини ўқитишнинг тамойиллари

Мазкур фаннинг замон талаблари даражасида ўқитилишини таъминлаш вазифаси профессор-ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Энг аввало, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанидан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг ўзлари бу фаннинг аҳамиятини чуқур идрок этишлари, унинг мақсад ва моҳиятини муфассал билиб олишлари зарур. Иккинчидан, фанни ўқитишда ўқувчи ва талабаларнинг ёши, психологик хусусиятлари, идрок этиш имкониятлари, билим ва ҳаётий тажрибасини ҳисобга олиш лозим. Учинчидан, мазкур фан

бўйича дарс бераётган ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати, ватанпарварлиги, миллатпарварлиги, уларнинг талаба-ёшлар билан ҳамкор ва ҳамфикрлиги ниҳоятда муҳим.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитишда қуйидаги педагогик масалалар муҳим аҳамият касб этади:

1. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитишга ижодий ёндашиш зарур. Хусусан, мамлакатимиз тараққиётига хос далиллар, халқимизнинг тарихи, миллий-маънавий ва умуминсоний кадриятларга асосланиш, оддий ҳаётдан олинган мисолларни қўллаш ижобий натижа беради.

2. Фанни ўқитишда асосий манба сифатида Президент Ислон Каримов асарларига таяниш ва халқимизнинг оғзаки ижодиёти намуналари, Ватанимизнинг бой тарихий меросига мурожаат қилиш орқали миллий ғоянинг негизларини тушунтириш зарур. Талаба ва ўқувчиларда миллий кадриятларни ўрганиш, уларни асраб-авайлаш, миллий қаҳрамонларимиз, улуғ аجدодларимиз ҳаётига қизиқиш уйғотиш, улардан ўрнак олишга эҳтиёж уйғотиш лозим. Ўқувчи-ёшларда узоқ ва яқин ўтмиш тўғрисида бир томонлама, ўта содда, нотўғри тасаввур ҳосил бўлишидан сақланиш жуда муҳимдир.

3. Фанни ўқитишга ўта илмий ёндашиш ёки уни меъёрдан ортиқ соддалаштиришга, “насиҳатгўйликка”, мавсумийликка берилиб кетишдан сақланиш керак. Ютуқ ва муаммоларни чуқур таҳлил этиш, ёшларнинг ўзини уларга жавоб топишга қизиқтириш, муҳокамаларда эркин иштирок этиши таъминлаш керак. Профессор-ўқитувчининг шахсий ибрати, таълим ва тарбия бирлигига амал қилиши ўта муҳимдир.

4. Миллий истиқлол ғоясига расмийлик билан ёндашмаслик, уни бир андозага солиб қўймаслик керак.

5. Миллий истиқлол ғояси моҳиятини ўргатишда фикрлар хилма-хиллиги демократик ҳаёт тарзининг таркибий қисми эканини ўқувчиларга етказишга алоҳида эътибор бериш зарур.

6. Мафкуралар ўртасидаги кураш кескинлашган тарихнинг ҳозирги палласида вайронкор ғоялар, информацион хуружлар таъсирининг кучайиши барча давлатларда ҳам ҳалокатли оқибатларга, бунёдкор ғояларнинг тантанаси эса жамиятни тараққиётга олиб боришини тарихий мисоллар билан исботлаш зарур.

7. Талаба-қўувчилар бугунги ўтиш даврига хос қийинчиликларнинг илдизларини, эски тузумга хос боқимандалик кайфиятидан қутулишнинг осон кечмаётганини англаши, бундан халос бўлиш учун эса одамлардаги онг ва тафаккур ўзгаришига, уларда ўз имкониятларига таяниш, ташаббускорлик, фидойилик туйғуси шаклланиши зарурлигини чуқур идрок этишлари лозим.

8. Талаба ва ўқувчиларнинг диққатини миллий истиқлол ғоясининг ҳаётбахш жиҳатларига қаратиш, унинг келажакка йўналтирилган, халқимизни пировард мақсадлар йўлида бирлаштирадиган мақсадлар билан

суғорилган назария эканини уларнинг онгига сингдириш лозим. Мақсад ёш авлоднинг бугунги таҳликали дунёда оқ билан қорани фарқлайдиган кишилар бўлиб етишишига қаратилган бўлиши зарур. Бу борадаги ишларда узилиш бўлмаслиги, тасодифийликка, мавсумийликка йўл қўйилмаслиги, ҳўжақўрсинга иш қилинмаслиги, бундай салбий ҳолатлар рўй берганда зудлик билан уларнинг олдини олиш лозим.

9. Дарс бериш жараёнида, маънавий-маърифий тадбирларда ҳаётдан, замондошларимизнинг кундалик фаолиятидан, турли соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлардан мисоллар келтириш билан ёшларнинг фанга қизиқишини ҳосил этишга эришиш мумкин. Бунда оммавий ахборот воситалари хабарлари, жойлардаги уруш ва меҳнат фахрийлари, замонамиз қаҳрамонлари, ижодкор ёшлар билан учрашувлар, ўқитишнинг янги технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Улуғ педагоглар таълим натижасида фақат билимлар ҳажми ҳамда кўникма ва малакалар кенгайиб қолмасдан, балки шахсий сифатлар ҳам шаклланишини айтганлар. Жумладан, таълимнинг вазифаси ўқувчиларга маълумот беришдагина эмас, балки уларда адолатпарварлик, ишонч, эътиқодлилик, мардлик, тиришқоқлик, фойдали ишга, ўрнатилган ҳуқ-атвор қоидаларини бажаришга ўргатишда ҳам, деб билинган. Зеро, таълимнинг тарбияловчи функциясини билмаслик – оғир юкни енгил кўтарувчи ричагни кўлдан чиқаришга ўхшайди. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани ёшларни бунёдкор ишларга ғоявий тайёрлайди, уларнинг миллий дунёқарашини, соғлом эътиқодини, мустақил фикрларини шакллантиради. Фаннинг ҳар бир мавзуси миллий мафкуранинг у ёки бу таркибий қисмини ўргатади. Ўрганилган, ўзлаштирилган асосий тушунча ва тамойилларнинг эртага ҳаётда қўлланилиши (ишга тушиши) озод ва обод Ўзбекистонни ривожлантиришда ҳар бир ёш ўзбекистонликка руҳ, ишонч беради. Шунинг учун ҳам ўқувчи-талабанинг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани дарсликларида ёзилган матнни қайта ҳикоя қилиб бера олиши бизнинг пировард мақсадимиз эмас. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ўқувчи онгида қайта ишланиши, ўқувчи-талаба бу ғоялар ҳақида ўйлаши керак. Ана шундагина миллий ғоялар ҳар бир ўзбекистонлик йигит-қиз дунёқарашининг марказига, ҳатти-ҳаракатларининг рағбатига айланади. Буюк келажакка мустаҳкам ишончни пайдо қилади. Чунки, эътиқод фаол ижодий ёндашувда синалиб, тобланади. Шунинг учун ҳам нафақат билим, балки ғоявий кўникма ва малакани шакллантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Ана шунда миллий ғоя ўқувчи-ёшлар орзусини Ўзбекистон халқи орзулари билан бирлаштиради, бунёдкор ишларга чорлайди.

Талаба-ёшларни миллий ғояси йўналишида мустақил тадқиқот методлари – кузатиш, эксперимент ўтказиш, адабий манбалар билан ишлаш, муаммоларни мустақил аниқлаб, кўтариб чиқиш, муаммоли вазиятларни ечишга ўргатиб бориш зарур. Зеро илм – инсон тафаккурига тартиб, тизимлилик бахш этади. Бу эса пировард натижада ёшларда илмий

дунёқарашнинг шаклланишига замин яратиб, уларнинг қалбига диний ақидапарастлик, “дунё фуқаролари”, “рангли инқилоб” мафкуралари қарашларининг кириб боришига тўсик қўяди.

Миллий истиқлол ғояси фанини ўйтишда унга ижодий ёндашиш зарур. Хусусан, мамлакатимиз тараққиётига хос далиллар келтириш, халқимиз тарихи, миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларга асосланиш, ўқувчи-талабанинг кўз ўнгига юз берган ва юз бераётган оддий воқеа-ҳодисаларни мисол сифатида қўллаш ижобий натижа беради.

Ўқувчи-талабаларга миллий истиқлол ғоясини сингдиришда профессор-ўқитувчилар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари

1. “Миллий истиқлол ҳояси: асосий тушунча ва тамойиллар” туркумига кирувчи фанларни ўқитишда эришилган тажрибаларни ўрганиш ва уни оммалаштиришни йўлга қўйиш.

2. Ушбу фан ўқитувчиси биринчи навбатда мутахассис, ўз фанини яхши биладиган, фидойи, замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланадиган, уларнинг янги усулларини кашф эта оладиган, ижодкор педагог бўлиши лозим.

3. Таълим беришда ўқитувчи ҳар қандай вазиятда оддий усулларда ҳам мукамал билим бериш йўлларини излаб топмоғи ва уларни моҳирона қўлламоғи керак.

4. Фан бўйича тайёрланаётган педагог кадрларнинг сифатига эътибор бериш ва уларнинг мутахассисликлари бўйича ишлашини таъминлаш зарур.

5. Профессор-ўқитувчиларни замонавий педагогик технологиялар билан қуроллантириш бўйича уларнинг малакасини оширишнинг мукамал тизимини яратиш.

6. Ўтказиладиган машғулотларга соҳа олимларини таклиф этиш орқали баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар ўтказиш.

7. Профессор-ўқитувчиларнинг ғоявий тарғиботни ташкил этиш учун етарли тайёргарлик ва билимларга эга бўлишини таъминлаш.

Миллий истиқлол ғоясини ўқувчи-талабалар онгига сингдиришда фанлараро боғлиқлик ва узвийликни таъминлаш

Бу борада умумтаълим фанлари миллий истиқлол ғояси бўйича ўқувчиларнинг билимини бойитишда муайян имкониятларга эга.

Умумтаълим фанлари, жумладан, ижтимоий-гуманитар фанлар ҳамда Ўзбекистон Конституцияси ва Ўзбекистон Президенти асарларини ўрганиш жараёнида миллий истиқлол ғоясини ўқувчи-талабалар онгига сингдириб бориш ишларини такомиллаштиришни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу фанлар ва махсус курсларнинг мазмунига миллий истиқлол ғоясини уларнинг ҳажмига зарар етказмаган ҳолда моҳирлик билан сингдиришга эришиш ва уйғунлаштириш керак. Шарчи турли касбий ва фан йўналишига қараганда миллий истиқлол ғояси соат ҳажмига кўра бир

оз фарқ билан ўтилса-да, ўқувчи-талабаларнинг миллий истиқлол ғоясини ўзлаштиришлари ва амалда ҳаётга тадбиқ эта олишларига эришишда ижобий самарасини берсин.

Узвийлик ва узлуксизлик ҳақида гап кетар экан, теваарак оламда, ҳамма нарсада бир-бирига узвий ва чамбарчас боғлиқлик бўлгани каби, таълимда ҳам ҳамма нарса бир-бири билан вобаста эканини ёдда тутиш лозим. Дарҳақиқат, узвийлик талабалар олаётган билимнинг аниқ тартибга солинишини таъминлайди.

Узвийлик ва узлуксизлик дарсликлар ва дарснинг тузилишида ҳам намоён бўлиши керак. Яъни мавзунини тушунтириш, такрорлаш, мустаҳкамлаш, ўрганилган материални идентификатор мақсадлар қўйиб текшириш талаб қилинади. Токи ўқувчилар тизимли асосда ишлаш малакасига эга бўлсинлар.

Фанлараро алоқалар масаласига алоҳида эътибор м қаратиш лозим. Чунки, ҳар бир предметнинг ички тузилишида бошқа бир қатор предметларга доир материаллар мавжуд бўлади. Масалан, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанида фалсафа, тарих, педагогика, психология, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт ва бошқа фанларга доир билимлар талаб қилинади.

“Миллий истиқлол ҳояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанида, умуман ижтимоий-гуманитар фанларда фанлараро алоқалар таъминланса, бу бир-бирини такрорлашнинг олдини олади.

Узлуксизлик – “Миллий истиқлол ғояси” фани мавзулари, бўлимлари, босқичларининг оддийдан мураккабга қараб ўзаро боғланганлиги, бардавомлиги демакдир.

“Миллий истиқлол ғояси” фанидан ўқув дастурлари таълим турлари бўйича тузилган бўлиб 1-4 синфларда бу фаннинг алифбоси, яъни, энг содда шаклдаги маъно ва мазмунини «Одобнома» дарсларига сингдирилган. Ҳар бир синфда 6-8 соат дарс берилган бўлиб ўқувчиларнинг билим даражалари ва ёш хусусиятларига мослаштирилган.

5-6 синфга мўлжалланган ўқув дастурида ҳар бир синфга 34 соатдан дарс ажратилган ва 40 та мавзу берилган. Уларда миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг энг муҳим мавзулари берилган. Қуйида биз бунини кўриб чиқамиз.

5 синф учун Ватан туйғуси ўқув фанидан йиллик режалаштириш

Т/р	Мавзулар	Соат
1	I боб. Ватанни севмоқ иймондандир.	1
2-3	«Ватан туйғуси» фани нимани ўргатади?	2
4	Ватан нима?	1
5-6	Амалий машғулоти: «Ватан – муқаддас макон»	2
	Ватан туйғуси нима?	1

7	Муҳаммад Юсуфнинг «Улуғимсан, Ватаним» шеъри	1
8	1-MSNI. Эркин мавзудаги иншо	1
9	Оила – Ватан тимсоли	1
10	Амалий машғулот: А.Ориповнинг «Она деган ном» шеъри	2
11-12	Ватанни нега севамиз	1
13	Амалий машғулот: «Ватанпарвар аجدодларимиз»	
14	Такрорлаш	1
15	2-MSNI. Тест	
	II боб. Бизнинг ватанимиз – Ўзбекистон	
16-17	Ўзбекистон – ватаним маним	2
18	Амалий машғулот: А.Ориповнинг «Ўзбекистон – ватаним маним» шеъри	1
19-20	Ўзбекистон халқи	2
21	Амалий машғулот: Муҳаммад Юсуфнинг «Халқим» шеъри	1
22-23	Ўзбекистон давлати ва Президенти	2
24	Амалий машғулот: «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат»	1
25	3-MSNI. Тест	1
26	Истиқлол нима?	1
27	Амалий машғулот: «Истиқлол олинур, берилмас»	1
28-29	Ватанимиз тимсоллари	2
30-31	Амалий машғулот: Ўзбекистон байроғи, давлат м адҳияси ва герби ҳақида суҳбат	2
32	4-MSNI. Эркин мавзудаги иншо	1
33-34	Такрорлаш	2
	Ж а м и	34

6 синф Ватан туйғуси ўқув фанидан йиллик режалаштириш

Т/р	Мавзулар	Соат
1-2	1. Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз? Ватанни англаш	2
3	Амалий машғулот: «Ватан равнақи» мавзуси асосида суҳбат	1
4-5	Биз ўзбек халқимиз	2
6	Амалий машғулот: Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси бўйича баҳс	1
7	Биз – буюк тарих эгасимиз	1
8	1-MSNI. Эркин мавзудаги иншо	1
9	Амалий машғулот: Тарих ўқитувчиси иштирокида тарих хонасида ёки тарих музейида суҳбат	1
10-11	Биз буюк мамлакат эгасимиз	2
12	Амалий машғулот: «Китоб – маънавият манбаи» мавзусида кутубхона ёки маънавият хонасида суҳбат	1

13-14	Миллий давлатчилигимиз	2
15	2-MSNI. Тест	1
16	Амалий машғулот: «Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлати асосчиси» мавзусида суҳбат	1
17	Миллий қадриятларимиз	1
18	Амалий машғулот: «Миллий қадриятларимиз ўзлигимиз тимсоли» мавзусида суҳбат	1
19-20	Биз – Ўзбекистон фуқаросимиз	2
21	Амалий машғулот: «Озод ватан фуқароси бўлиш бахт» мавзусида суҳбат	1
22	Такрорлаш II. Ватан ягонадир, Ватан биттадир	1
23-24	Соғломлик ва комиллик	2
25	3-MSNI. Тест	1
26	Амалий машғулот: «Комил инсон» ҳақида суҳбат	1
27-28	Ватанпарварлик	2
29	Амалий машғулот: «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» мавзусида суҳбат	1
30-31	Ёшлар – ватан келажаги	2
32	Амалий машғулот: «Ватанни шарафлаш – фарзандлик бурчи» мавзусида истеъдодлар билан суҳбат	1
33	4-MSNI. Эркин мавзудаги иншо	1
34	Такрорлаш	1
	Ж а м и	34

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида «Миллий истиқлол ғояси» фанининг мавзулар бўйича дарс соатлари режалаштирилиши

Т/р	Мавзулар	Назарий машғулот	Амалий машғулот
	Кириш. «Миллий истиқлол ғояси» фани ва уни ўрганишнинг аҳамияти	1	
I. Ғоя ва мафкуралар, уларнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи			
1.	Ғоя ва мафкура тушунчаларининг моҳияти, уларнинг ўзаро алоқадорлиги	1	
2.	Мафкураларнинг тарихий шакллари	1	2
3.	Миллий ғоя ва миллий мафкуранинг фалсафий-тарихий манбалари	1	2
II. XXI аср бошида инсон онги ва қалби учун кураш			
1.	Тараққиёт ва ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси	2	
2.	Мафкуравий курашнинг умумбашарий ва		

	минтақавий кўринишлари	2	
III. Ўзбекистон истиқлол, ривожланиш ва буюк келажак йўлида			
1.	Мустақиллик ва Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият	2	2
2.	Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли ва мафкуравий муаммолар	2	
3.	Ёт ва зарарли мафкуравий таҳдидларга қарши огоҳлик ва хушёрлик	2	2
IV. Миллий истиқлол мафкураси, унинг тамойиллари ва истиқболлари			
1.	Миллий истиқлол мафкурасининг моҳияти ва мазмуни	2	
2.	Миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари	2	2
3.	Истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари миллатнинг ўзлигини англаш манбаи	2	2
4.	Миллий истиқлол мафкурасининг мақсад ва вазифалари	2	2
V. Ғоявий тарбия ва мафкуравий иммунитет			
1.	Мафкуравий тарбия, ёшларнинг ғоявий дунёқараши ва маънавий фазилатлари	1	2
2.	Комил инсонни вояга етказишда мафкуравий тарбия омилларининг аҳамияти	1	
	Ж а м и :	24 соат	16 соат

Ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун қуйидаги ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратилган:

1. А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жўраев қаламига мансуб «Ватан туйғуси» қўлланмаси (Т., «Ўзбекистон», 1996) 5-6 синфлар учун мўлжалланган бўлиб уч қисмдан, 10 бобдан иборат. 5-6 синфлар учун барча маълумотлар етарли.

2. С.Нишонава, О.Мусурмонова, М.Қаршибоев муаллифлигидаги 7-синфлар учун «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув қўлланмаси (Т., «Маънавият», 2002) 16 фаслдан иборат. Миллий ғояга 8 та мавзу берилган.

3. М.Қаршибоев, С.Нишонава, О.Мусурмонова томонидан тайёрланган 8-синфлар учун «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув қўлланмаси (Т., «Маънавият», 2002) XVI фаслдан иборат. Миллий ғояга 9 та мавзу ажратилган.

4. О.Мусурмонова, М.Қаршибоев муаллифлигида яратилган 9-синфлар учун «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув қўлланмаси (Т., «Маънавият», 2003) 19 фаслдан иборат. Миллий ғояга 8 та мавзу берилган.

5. Х.Султонов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ томонидан X-XI синфлар учун мўлжалланган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» ўқув қўлланмаси (Т., «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2004) уч қисм ва 28 мавзудан иборат.

6. Х.Султонов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ томонидан ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун яратилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» ўқув қўлланмаси (Т., «Янги аср авлоди», 2001) 12 та назарий ва 12 та амалий машғулотдан иборат бўлиб миллий истиқлол ғояси бўйича асосий масалаларни қамраб олган.

7. Х.Султонов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ томонидан ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун тайёрланган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» дарслиги (Т., «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти», 2003) уч қисм 13 та назарий, 12 та амалий, 2 та қўшимча ва ихтиёрий мавзулар ҳамда асосий тушунча ва атамаларнинг қисқача луғатидан иборат. Ҳозир ушбу дарслик амалда қўлланилмоқда.

Ўқитувчи дарс ўтиш жараёнида, амалий машғулотларда ҳар бир ўқув қўлланмани талабалардан таҳлил этишни талаб қилади. Талабалар ҳар бир ўқув қўлланма ва дарсликда мавзулар қандай ёритилганлигини, уларда нималар етишмаслигини, нималарни, қандай янгиликларни қиритиш лозимлигини ва шу фандан муваффақиятли дарс ўтиши мумкинлигини билиши керак.

3 - §. Миллий ғоя ва мафкура фанининг ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўрганилиши

Мустақиллик қўлга киритилгач мустақилликнинг аҳамияти ва моҳиятини ғоявий – мафкуравий воситалар орқали халқнинг онгига етказиш, уларни истиқлолни мустаҳкамлаш учун фидойилик билан меҳнат қилишга сафарбар қилиш ҳаётий эҳтиёжга айланди. Ана шундай шароитда Ўзбекистон мустақиллигининг ташаббускори И.А.Каримов биринчилардан бўлиб жамиятда маънавий покланишни амалга ошириш, эски ақидалардан холи бўлиш зарурлигини, шу асосда миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини яратиш лозимлигини пайқади ва куннинг долзарб вазифаси қилиб қўйди. Бу масалада Президентимиз 1992 йил 2 июлда Олий Кенгаш X сессиясида қилган маърузасида алоҳида уқтириб ўтди.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг биринчи назарий асоси Президентимизнинг 1992 йили нашр этилган «Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари ҳисобланади. Шунингдек Президент Конституциямизнинг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида (1993 йил 7 декабр) нутқ сўзлаб, миллий ғоя ва мафкурани миллий эҳтиёж даражасига кўтариш зарурлигини таъкидлади. Барчанинг диққат-эътиборини ана шу муҳим масаланинг ҳал этилишига қаратди ва «Мафкуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалга тадбиқ этмасдан туриб, Конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, ўз олдимиздаги қўйилган талабларга жавоб

бериш мушкул бўлади. Миллий мафкурани онгимизга сингдирувчи амалий дастурни йўлга қўймоқ керак» деган фикрни илгари сурди.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва истиқлол ютуқларини мустаҳкамлаш ҳақидаги сиёсий, илмий, назарий, тарихий, фалсафий ва диний қарашлар мажмуи, халқни келажакка ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи назарий ва амалий қурол, барча тоифа кишиларини шу мақсад йўлида бирлаштирувчи ғоят қудратли маънавий омил ҳисобланади.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат:

- халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, руҳиятига, тилига, динига мос қарашлар асосида одамлар онгига келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини сингдириш;

- миллий истиқлол ғояси ва мафкураси орқали халқимизда ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятида, илғор давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ва муносиб ўрин эгаллашга интилиш ҳиссини тарбиялаш;

- соғлом, маънавий бой, комил авлодни шакллантириш.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси негизини ватанпарварлик, эркинлик, миллий ифтихор, инсонпарварлик, байналминаллик ва шу каби бошқа хусусиятлар ташкил этади.

Демак, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини ўз моҳияти ва негизларига кўра мустақилликни мустаҳкамлашга, барча имкониятларимизни буюк мақсад сари йўналтиришга қаратилган.

Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодаладиган, унинг ўтмиши ва келажagini бир-бири билан боғлайдиган асрий орзу-истакларни амалга оширадиган ғоялар тизимидир.

Миллий истиқлол мафкураси кенг халқ оммасининг манфаатларини, мақсад ва идеалларини ифода этади. «Миллий истиқлол мафкураси, ўз мазмун-моҳиятига кўра Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг – бутун халқимизнинг умумий манфаатларини ифодалайди».

Мафкура – миллий ўзликни англатувчи кучдир. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий таянч нуқтаси ҳам ана шунда. Миллий ўз-ўзини англаш деганда ҳар бир миллат (элат)нинг ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи эканлигини, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишга айтилади.

Ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурч ва маъсулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон ҳам миллий истиқлол мафкурамизнинг мазмунини ташкил этади.

«Янги мафкуранинг асл маъноси – деб ёзади Президентимиз, эскича акидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатдир. Бусиз жамиятни демократик тараққиёт йўлига олиб чиқиб бўлмайди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта мафкуранинг якка ҳокимлигидан қутилдик. Маънавиятни, мафкурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик. Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишонч ортиб боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса онг ва шуур тазйикдан, қулликдан қутилмаса инсон тўла озод бўла олмайди».

Шу сабабли ушбу фанни узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида ўқитиш йўлга қўйилган.

Узлуксиз таълим тизимида миллий истиқлол ғоясини ўқувчи-талабалар онгига сингдиришда фан мазмунига қўйиладиган талаблар

Кишилиқ жамиятининг ривожланиши энг аввало, келажак авлоднинг ким бўлиб етишиши, уларнинг билим савияси, маданияти ва саломатлигига боғлиқдир. Шунингдек, уларнинг онги ва шуурига истиқлолимиз, эришган ютуқларимиз, миллатимиз ҳақида кенг тушунчаларни ҳосил қилиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ҳар бир ўқувчи ўз ягона ватани Ўзбекистон экани, у билан фахрланиши, миллий ғурурли бўлиб вояга етиши, Ватанни асраш миллий бурч экани, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун ҳалол меҳнат қилиши, яхши ўқиши, ҳунар ўрганиши орқали ҳар бир шахс ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириши, халқимиз нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиши мумкинлигини тушуниб етмоғи зарур.

Бунинг учун узлуксиз таълим тизими босқичларида ўқувчи-талабаларга миллий истиқлол ғоясини сингдиришда фан мазмунини қуйидаги тарзда ёритиб бориш мақсадга мувофиқ:

Мактабгача таълим

Мактабгача таълим муассасаларида

Болаларда Ватан, унинг рамзлари ҳақида тасаввурлар ҳосил қилиш. Миллий истиқлол ғоясини кўргазмали воситалар билан сингдириш.

- ўйин машғулотлар орқали;
- эртак ва ривоятлар ҳикоя қилиш;
- суҳбат;
- саҳналаштириш, ролли ўйинлар;
- сайр ва саёҳатлар давомида Ватан туйғусини кучайтириш.

Мактабгача ёшдаги болаларда миллий истиқлол ғоясига доир кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг амалий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

- мустақил фикрлаш;
- фикрини равшан ифодалай олиш;
- виждонлилик, ростгўйлик;
- меҳнатсеварлик;

- бурчни ҳис ва идрок қилиш;
- ўз-ўзини англаш;
- масъулиятлилик;
- жамоавийлик.

Кичкинтойларни мактаб таълимига тайёрлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

- ўқиш, ўрганишга ҳавас уйғотиш;
- табиатни асраб-авайлашга ўргатиш;
- китобхонликка қизиқтириш;
- озодалиқ ва саломатлик одоби;
- одоб кўникмаларини пайдо қилиш;
- ўз ҳатти-ҳаракати учун масъулиятни тарбиялаш.

Шунингдек, болаларга миллий истиқлол ғоясини сингдиришда қуйидаги масалаларга алоҳида аҳамият бериш керак:

1. Миллатимизга хос урф-одат, анъаналар, инсоний фазилатларни эгаллашга кўмаклашиш.
2. «Ўзбекистон – менинг Ватаним» мавзуида турли тadbирлар ўтказиш, унда Ватан – вилоятлар, туманлар, шаҳар ва маҳаллалар бирлиги эканлигини англашти.
3. Она тилимизга эътиборни оширишга доир суҳбатлар, мушоира ва баҳслар ўтказиш.
4. Ватан табиати ва ундаги барча нарсаларни севиш, ардоқлишни ўргатиш.
5. Атроф-муҳитга онгли, огоҳ ва зийрак муносабатда бўлиш маданиятини таркиб топтириш.
6. Гўзалликни ҳис этиш, ундан завқланишни тарбиялаш.
7. Она-ватан ҳақидаги шеър ва кўшиқларни ёд олиш, қуйлашга ўргатиш.
8. Халқ оғзаки ижодида Ватан ҳақидаги мавзуларни ўқиш ва ўрганиш.

Умумий ўрта таълим “Одобнома” (1-4-синф)

- мактабгача ёшда ўрганган билим ва малакаларни такомиллаштириш;
- миллат ва элатлар, уларнинг бой урф-одатлари, анъаналарини ўрганиш, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- дин ҳақидаги дастлабки тушунчаларни шакллантириш;
- мулоқот маданиятини тарбиялаш;
- тўғрилиқ, меҳнатсеварлик малакаларини ўзлаштириш;
- инсоний фазилатлар: виждон, ҳалоллик, исроф, увол, ватанпарварлик, ботирлик, ростгўйлик , меҳнатсеварлик, савоб сўзларининг луғавий маъносини билиш ва уларга амал қилиш;
- миллий ғоя ва тушунчаларни сингдиришда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш;

- одоб ва ахлоққа доир кўникмаларни сингдиришда педагогик технология тамойилларига таяниш;
- нима яхши-ю, нима ёмон эканини фарқлашга, эзгу ишлар қилишга ўргатиш;
- тарихимиз ва бой маданиятимизга оид лавҳаларни намойиш этиш;
- юрт тинчлиги, ободлиги, халқ осойишталиги ҳақида суҳбатлар ва бу жараёнларда ҳар бир ўқувчининг бурчлари ҳақида тушунчалар бериш;
- ҳақгўй ва адолатли бўлишга интилишни кучайтириш;
- оила ва унинг шаънини сақлаш учун қайғуриш туйғусини тарбиялаш;
- билим, китобни кадрлашга ўргатиш;
- кўни-қўшни, қариндош-уруғларга, устоз-мураббийларга ҳурмат ва илтифот кўрсатишга ўргатиш;
- Миллий байрамлар, улуғ аждодларимиз таваллуд кунларини нишонлаш тадбирларида фаол иштирок этишни ташкил этиш.

“Ватан туйғуси” (5-6 -синф)

Ўқувчиларнинг миллий ғоя бўйича “Одобнома” фани доирасида ўзлаштирган тушунчалари 5-6-синфларда ўқитиладиган “Ватан туйғуси” фанини ўқиш жараёнида ривожлантирилади.

“Ватан туйғуси” фани “Одобнома” фани мазмунини такрорламасдан, ундаги назарий ва амалий билимлар мажмуини реал ҳаётдаги мисоллар билан бойитиб, чуқурроқ ўргатишга қаратилмоғи зарур.

“Ватан туйғуси” ўқувчилар онгида “Ватан”, “Ўзбекистон - ягона Ватан” каби тушунчаларни шакллантириш билан бошланади. Ўзбекистон халқи, Ўзбекистон халқининг миллий таркиби, Давлат рамзлари каби тушунчалар мантиқий кетма-кетликда, узвийликда баён этилади. “Биз буюк тарих эгасимиз”, “Биз буюк маънавият эгасимиз” мавзуларини баён этишни “Ватан тарихидан ҳикоялар”, “Адабиёт” каби фанлар билан мувофиқлаштириш зарур.

Ватанга муҳаббатни шакллантиришга доир мавзуларни ўтишда ўқувчиларнинг ёш, физиологик-психологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларда аждодлар меросидан ғурурланиш, фахрланиш ҳиссиётини уйғотадиган усул, воситалардан, анимацияли электрон дарслик, қўлланмалар, миллий кадриятларимиз акс эттирилган фильмлар, бадий асарлардан фойдаланиш керак.

Фан мазмунини баён этишда мавзулараро узвийлик, фанлараро интеграция, мантиқий кетма-кетлик тамойилларига риоя этиш лозим.

Ўқувчиларга бериладиган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш оддийдан мураккабга тамойилига асосланади.

Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда “Ватан туйғуси” фани мазмуни орқали ўқувчилар қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар.

5-синфда:

- туғилиб ўсган макон – маҳалла, қишлоқ, Ватан моҳиятини англаш;

- халқ оғзаки ижоди акс этган асарлар, ривоят, афсона ва ҳикматлар асосида аجدодларимизнинг ватанпарварлик хислатларини англаб етиш ва уларга ҳурмат туйғусини шакллантириш;
- миллий ва умумбашарий кадриятлар тушунчаларининг асосий мазмун ва маъносини билиши;
- ёзма маънавий-маърифий меросимиз ҳақида илк тушунчаларга эғалик;
- хорижий мамлакатлар тараққиёти тажрибасидан хабардор бўлиши;
- “Темурийлар давлати” – миллий давлатчилигимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларидан бири эканини билиши;
- маърифатпарвар жадидлар ҳақида тушунчага эга бўлиши, уларнинг асосий мақсад ва вазифаларини таҳлил эта билиш;
- тарихни билиш – ўзликни англаш гарови эканини англаши;
- миллат ва халқнинг шаклланишида Ватан туйғуси асосий омил эканини шарҳлай олиши.

6-синфда:

- Ватан, маҳалла, қишлоқ, диёр, юрт, ўлка, мамлакат, республика сўзларининг маъносини шарҳлай билиши;
- ўзи туғилиб ўсган шаҳар ёки қишлоқ ҳақидаги маълумотларни билиши;
- Ватаннинг улуғлиги, уни эъзозлаш кераклигини англаб етиши;
- Ватанга хиёнат қилиш энг катта гуноҳ ҳисобланишини билиши;
- Ватан, она-юрт ҳақидаги ҳикматли сўзлар, нақл-мақолларни ишлатиш ва шарҳлай олиши;
- Ватан туйғуси, миллий ғурур, миллий ифтихор тушунчалари мазмун ва моҳиятини англаб етиши;
- Мустақиллик, давлат ҳақида тушунчага эга бўлиши;
- Ватан ва оила олдидаги фарзандлик бурчини билиши;
- давлат рамзи ва тимсолларининг мазмун-моҳиятини тушуниши;
- ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиши.

“Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”

(7-9-синфлар)

Ўқувчи-ёшларнинг миллий ғояга доир “Одобнома”, “Ватан туйғуси” фанларидан олган билимлари 7-9-синфларда ўқитиладиган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанини ўқитиш жараёнида бойитиб борилади.

“Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанининг вазифалари жумласига ижтимоий ҳаётда юз бераётган турли хил диний экстремистик, халқаро терроризм, информацион ҳуружлар, тажовузорлик ҳаракатларига қарши ўқувчиларни ғоявий тарбиялаш, воқеа-ҳодисалар моҳиятини тўғри талқин эта олиш, соғлом эътиқод ва дунёқарашларини таркиб топтириш, зарарли ғояларга қарши курашиш кўникма ва малакасини, мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳам киради.

Мазкур фаннинг “Миллий истиқлол ғояси” бўлими бўйича ўқувчилар онгига сингдириладиган миллий ғоя, мафкура, ғояларнинг турлари, диний экстремизм, ақидапарастлик, ўзбек модели, жамиятни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари каби масалалар ўқувчиларга тушунарли тилда содда, тарихий ва ҳаётий мисоллар орқали мавзулараро узвийликка риоя қилинган ҳолда изчил етказилиши лозим.

“Маънавият асослари” бўлими маънавий-маданий, одоб-ахлоқ меъёрлари, инсонийлик фазилатлари, жамоанинг тарбиявий таъсири, ёшларнинг ўз кучи, билим салоҳияти ва келажагига ишонч ҳисларини шакллантиришга хизмат қилади.

7-синфда “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани истиқлолнинг миллатимиз келажагини таъминлашдаги аҳамияти, миллий ва умуминсоний қадриятлар, фикр, ғояларнинг турлари, мафкура, тараққиёт, мустақиллик, Конституция, маданият, санъат, инсоний фазилатлар ҳақида билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришни назарда тутади.

8-синфда ўқувчилар томонидан эгалланган юқоридаги билим, кўникма ва малакалар янада мукамалроқ тушунчалар билан бойитилиб, бунда халқимизнинг кучи ва қудрати бирдамликда ва ҳамжиҳатликда эканини ўқувчилар онгига сингдириш назарда тутилади. Стратегик мақсадлар, мафкуравий иммунитет, миллий истиқлол мафкураси, бош ғоя ва асосий ғоялар, инсонийлик, соғлом турмуш турзи сингари тушунчалар ижтимоий ҳаётимиз билан қиёслаш орқали ўрганилади.

9-синфда эса дунёнинг мафкуравий манзараси, геосиёсат, диний экстремизм, терроризм, цивилизация, тараққиётга йўналтирилган ўзбек модели ҳақидаги тушунчаларни ўқувчилар онгига сингдириш орқали уларни мустақилликни қадрлайдиган, бурч ва масъулиятни сезадиган, юрт келажаги учун жавобгарликни намоён қиладиган фазилатларни тарбиялаш асосий вазифа ҳисобланади.

Миллий истиқлол ғоясининг инсон дунёқараши, эътиқоди, тафаккури, характер сифатларини шакллантиришдаги мураккаблиги, тарих, иқтисод, сиёсат, маънавият ва бошқа фанлар ҳақидаги билимлар билан боғлиқлиги фанлараро интеграцияни амалга оширишни, таълим таълим жараёнини ташкил этишга, турли методлардан фойдаланган ҳолда ёндашишни тақозо этади. Бир-бирига яқин бўлган “Ғоя нима?”, “Ғоянинг ўзига хос хусусиятлари ва турлари”, “Мафкура нима?”, “Тараққиёт ва мафкура” масалаларини олиб қарайдиган бўлсак, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда “Давра суҳбати”, “Эркин минбар”, “Гуруҳлараро баҳс” сингари ўқувчиларни фаолликка ундовчи методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Муайян масала юзасидан ўқувчиларнинг қизиқиши, фаоллигини оширадиган, изланувчанликка асосланган “Эвристик мулоқот”, “Алоҳида ҳолатлар таҳлили”, “Муаммоли вазият”, “Ақлий хужум” методларидан ижодий фойдаланиш зарур.

“Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари” фани мазмунининг узвийлик ва узлуксизлик тамойилига риоя этилган ҳолда ўқувчиларда қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш кўзда тутилади.

7-синфда:

- ғоя билан фикрни бир-биридан фарқлай олиш;
- ғоянинг турларини ажрата билиш;
- мафкура моҳиятини тушунтириб бера олиш;
- тараққиёт жараёнида мафкуранинг ролини англай билиш;
- бунёдкор ва бузғунчи ғояларга нисбатан ўз муносабатини билдира олиш;
- маънавий, мустақиллик тушунчаларининг мазмунини билиш;
- ватанпарварлик ҳиссининг камол топтириши;
- миллат тушунчасининг мазмун ва моҳиятини англаш;
- миллий ифтихор туйғусини ҳис қилиш;
- билимдонлик – маънавий баркамоллик мезони эканини англаш, саводхонлик;
- ўзида ҳуқуқий маданият асосларини намоён қилиш;
- инсоннинг табиатга муносабати, экологик маданият – олийжаноблик белгиси эканини англаш;
- санъатни гўзаллик тимсоли сифатида ҳис эта олиш;
- инсонпарварлик – олий фазилат белгиси эканини билиш;
- инхр-мурувват – юксак фазилат эканини англаш;
- дўстлик, ўртоқлик, камтарликка ижобий, манманликка ўз салбий муносабатини билдира олиш;
- миллий ғурурлилик кўникмаларини намоён қилиш.

8-синфда:

- Ўзбекистоннинг стратегик мақсади ва ўз тараққиёт йўлини ёшига мос равишда тушуниш;
- ғоявий бўшлиқ тушунчасини шарҳлай олиш;
- мафкуравий полигоннинг ядровий полигондан нима учун хавфлилигини англаб етиш;
- мафкуравий иммунитет тушунчасини шарҳлай олиш;
- миллий истиқлол мафкураси моҳияти, вазифаларини англаш;
- “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш” ғоясининг мазмунини тўлақонли тушуниши;
- миллий истиқлол мафкураси ғояларининг мазмуни ва моҳиятини тушуниб етиш ва асослай олиш;
- миллий истиқлол мафкурасининг бош в асосий ғояларини шарҳлай олиши;
- инсонийлик хислатлари ҳақида мустақил фикрлай олиши;
- Наврўз, Ҳайит, Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда бошқа умумхалқ байрамлари моҳият-мазмунини англаши;

- ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандликнинг келиб чиқиш сабаблари ва зарарли оқибатларини билиши.

9-синфда:

- “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласини ўрганиш;

- “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанининг мақсад-моҳиятини билиш;

- “Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!” шиори мазмун-моҳиятини билиш ва тушунтириб бериш;

- дунёнинг мафкуравий манзараси, кўп қутбли дунё ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- айрим давлатларнинг ғаразли геосиёсати ва унинг ортида ётган мақсадларини тушуниш;

- диний экстремизм, унинг кўринишлари ва зарарли оқибатлари ҳақида маълумотга эга бўлиши;

- халқаро терроризм: унинг турлари, намояндалари ва зарарли оқибатларини билиш;

- антик, ўрта асрлар ва замонавий тараққиёт ҳақида тушунчаларга эга бўлиш;

- тараққиётнинг ўзбек модели, жамиятни ислоҳ этишнинг беш тамойилини англаб етиш;

- маънавият, мустақиллик маънавияти ҳақида тушунчаларга эга бўлиш;

- маънавий баркамол инсон тушунчаси ва шахс маънавияти мезонларини билиш;

- Ватан, миллат олдидаги бурч, масъулият ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- она тилининг роли ва аҳамиятини англаш;

- меҳнатсеварлик, касб-ҳунар комиллик нишонаси эканини тушуниш;

- уй тутиш қоидаларини билиш, рўзғор юритишда тежамкорлик маданиятини шакллантириш;

- урф-одат, анъана, тўй ва маросимлар орқали меҳр-оқибат туйғуларини уйғотиш;

- маҳалла – жамоавийликнинг ноёб, анъанавий миллий усули, тарбия маскани экани ҳақида билимлар мажмуасига эга бўлиш, унинг мазмун-моҳиятини англаш.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани мазмунида:

Ўқувчиларнинг 7-9-синфларда «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанидан эгаллаган тушунча, кўникма ва малакалари 10,11-синфларда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»

фанидан ғоя ва мафкуралар тарихи, ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш мафкуравий муаммолар ва мафкуравий иммунитетга доир мавзуларни ўтиш жараёнида ривожлантирилади.

Мақсад ўқувчиларни миллий истиқлол ғояси бўйича назарий ва амалий билимлар билан қуроллантириш, уларда мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантиришни давом эттириш ҳамда ғоявий тарбияни амалга оширишдан иборат.

Мазкур фан бўйича ўқитиладиган мавзуларни 7-9-синфларда ўтилган мавзулар билан боғлаб, узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш ўқувчилар томонидан ушбу фанни мукамал ўрганиш имкониятини яратади.

Ўқувчиларни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялашда илғор педагогик технологиялар ва масофадан ўқитиш каби усуллардан ўз ўрнида фойдаланиш зарур.

Ўқувчиларнинг миллий истиқлол ғоясига доир мустақил илмий изланишини ташкил этишда илмий маърузалар билан чиқиш, семинар-конференция усулларида фойдаланиш мумкин.

Уларни янги ғоя ечимини яратиш, шахсий тажрибага ёки вазиятга боғлаш, баҳсли ғояларни муҳокама қилишга ўргатиш учун гуруҳли баҳслар, маълум бир вазиятлар таҳлили, савол-жавоб, сўровномалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларда ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғусини тарбиялаш, ахлоқий хислатларни миллий қадриятлар асосида таркиб топтириш, ривожланишнинг маънавий-ахлоқий негизлари, комил инсон тарбияси ҳақидаги маърузалар, кизгин суҳбатлар ва мунозараларда амалга оширилиши мумкин.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг мазмуни қуйидагилар билан асосланади:

Ғоя ва мафкура тушунчаларининг мазмун-моҳияти. Бунёдкор ғоя ва соғлом мафкуранинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти. Вайронкор ғоя ва мафкуралар. Миллий ғоя ва мафкураларнинг тарихий илдизлари. Буюк алломаларнинг жамият тараққиёти тўғрисидаги ғоялари ва маънавий мероси, ундан фахрланиш туйғуси. Миллий истиқлол ғоясининг умуминсоний қирралари. Ҳозирги дунёнинг ғоявий-мафкуравий манзараси. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви. Ҳозирги давр: геосиёсат ва мафкуравий полигонлар. Мафкуравий жараёнларнинг умумбашарий ва минтақавий муаммолари. Истиқлол ва миллий мафкуранинг шаклланиши зарурати. Янгиланиш ва ривожланишнинг маънавий-ахлоқий негизлари. Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли ва мафкуравий муамолар. Тараққиётнинг ўзбек модели. Миллий ғоя ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши. Зарарли ғоялар ва мафкуравий таҳдидларга қарши огоҳлик ва ҳушёрлик. Халқаро терроризм. Мафкуравий таҳдидларнинг шакллари ва турлари. Мафкуравий таҳдидларга қарши огоҳлик ва ҳушёрлик зарурати. Мафкуравий иммунитет ҳақида Президент Ислам Каримов фикрлари ёритилади.

Миллий истиқлол мафкурасининг мазмун-моҳияти. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари. Истиқлол мафкураси озикланадиган умумбашарий қадриятлар. Истиқлол мафкурасининг бош ғояси ва асосий ғоялари. Миллий истиқлол мафкурасининг мақсад ва вазифалари. Миллий истиқлол мафкурасининг ўзига хос хусусиятлари. Ёшларнинг ғоявий дунёқараши ва маънавий фазилатлари. Мафкуравий тарбия тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти. Ёшларни ғоявий-мафкуравий ва маънавий тарбиялаш. Комил инсонни вояга етказишда мафкуранинг аҳамияти. Комил инсон тушунчаси. Мафкуравий тарбиянинг услуб ва воситалари. Миллий ғурур каби масалалар очиб берилади.

Ғоя ва мафкуранинг тарихий шакллари. Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш. Марказий Осиё: геосиёсат ва мафкуравий жараёнлар. Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз. Тараққиётнинг ўзбек модели. Миллий истиқлол мафкураси моҳияти ва мазмуни. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойиллари. Миллий истиқлол мафкураси мақсад ва вазифалари. Бунёдкор ғоялар. Истиқлол ва ғоявий тарбия. Комил инсон – миллий истиқлол ғоясининг, мақсади ва шу каби масалалар ёритилади.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида фақат учинчи якунловчи босқичларда ўқитилади. Шунга кўра, 9-синфни тамомлаб келган ўқувчи учун бу фанни ўрганишда 2-2,5 йил узилиш бўлади. Мана шу оралик масофада ўқувчиларнинг миллий истиқлол ғоясини ўрганиб бориши учун таълим жараёнида узвийликни таъминлаш зарурати туғилади. Бу вазифани амалга оширишда мазкур таълим тизимида ўқитиладиган умумтаълим фанлари қўл келади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани ўзининг аниқ мақсад ва вазифаларига эга. Таълим олаётган ёшларга «ғоя» ва «мафкура» тушунчалари моҳияти ва мазмуни тушунтирилади. Мафкуралар ўртасида кураш кескинлашган тарихнинг ҳозирги бурилиш палласида бунёдкор ғояларнинг инсонпарварлик, адолатпарварлик билан суғорилган тамойилларига таяниш ўқувчи-ёшлар онгига сингдирилади. Вайронкор ғоялар эса ҳамма даврларда ҳалокатли оқибатларга олиб келишини тарихий мисоллар ҳамда замонамизда юз бераётган воқеалар асосида тушунтирилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчиларга ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари, ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш, Марказий Осиё: геосиёсат ва мафкуравий жараёнлар, биз қандай жамият барпо этмоқдамиз, тараққиётнинг ўзбек модели, миллий истиқлол мафкурасининг моҳияти ва мазмуни, миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойиллари, миллий истиқлол мафкурасининг мақсад ва вазифалари, бунёдкор ғоялар, истиқлол ва ғоявий тарбия, комил инсон каби мавзулар асосида ўқувчиларга билимлар берилади.

Назарий тушунчалар амалий машғулот жараёнида мустаҳкамланиб, бўлажак касб-ҳунар соҳалари билан боғлаб, зарур кўникма ҳамда малакалар ҳосил қилиниб борилади.

II Боб. Миллий ғоя ва мафкура фанининг мазмуни, уни ўқитиш ва дарсдан ташқари машғулот ўтказиш методикаси

4 - §. Миллий ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари ва уни ўқитиш методикаси

1. Ғоя ва мафкуранинг тарихий шакллари ва кўринишлари.
2. Инсоният тарихи, тараққиёти ва таназзулида ғоя ва мафкуранинг тутган ўрни.
3. IX – XII асрларда Шарқ Ренессанси – Уйғониш даври ғоялари, мафкураси, уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Чор истилоси ва шўролар истибдоди даврида ғоявий ва мафкуравий жараённинг бориши.
5. Яккахокимчиликка интилувчи ғоя ва мафкуранинг халқимиз бошига келтирган фожеалари.
6. Хулоса.

Мавзуга доир адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» Т. «Ўзбекистон» 1996 йил.
2. Каримов И.А. «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз». Т. «Ўзбекистон» 1999 йил.
3. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» Т. «Ўзбекистон» 1999 йил.

Кишилиқ жамияти тарихига назар ташлар эканмиз, унинг ҳар бир саҳифасига, ҳар бир даврда турли ижобий ва салбий ғоя ва мафкуралар излари-ю қолдиқларини гувоҳи бўламиз. Улар кўпинча эзгулик ва ёвузликда, озодлик ва истибдодда, айниқса маърифат ва жаҳолатда мафкура шаклида намоён бўлади. Уларнинг афсона ва ривоятлар воситасида ифода этилган мифологик, илоҳий қадриятлар мажмуаси бўлган диний оламга илмий ёндашув асосида вужудга келган дунёвий кўринишлари мавжуд бўлиб, улар ибтидоий жамоа давридаги мифологияга асосланган, диний ахлоқий дунёқарашлардан келиб чиққан:

тотемизм, анемизм ва фотишизм каби ғоявий тизимлар мажмуини ташкил этиб, ўша давр мафкурасига яқин дунёқарашни келтириб чиқарган.

Кишилиқ жамиятининг ўсиб, ривожланиб бориши билан миллий мафкура жараёнлари ҳам мазмун-моҳияти жиҳатидан янги жамият, янги мазмун касб этиб борди. Жумладан миллий асосдаги ҳиндуизм, иудаизм, конфуцийлик сингари диний мафкуралар шаклланиб борди.

Рим империяси шаклланган дастлабки даврда христианлик дини аста-секин унинг империя мафкурасига айланиб борди ва бугунги кунда ҳам дунё христианларининг ғоявий маркази сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Инсоният яратилибдики, одамнинг вужудга келиши, унинг асосини нима ташкил этади деган масала ҳам турлича тасаввур ва талқинларни келтириб чиқарган ва бу масала файласуфлар талқинида монизм, дуализм, иудаизм, конфуцийлик, ҳиндуизм, плюрализм, идеализм ва ниҳоят материализм каби «измлар» системасини келтириб чиқарди. Ана шу «изм» лар муайян тарихий давр ичида муайян ҳудудларда миллий асосдаги мафкуралар бўлиб, мутлоқ давлат мафкураси даражасига кўтарилган. Масалан, шўролар даврида даҳрийликка асосланган «материалистик» деб аталмиш дунёқараш худди ана шундай тоталитар тузумнинг ягона давлат мафкураси эди. Бу борада собиқ шўролар Конституциясининг 6-моддасида: «Совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи, совет жамияти сиёсий системасининг, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир. КПСС халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади.

Марксча – ленинча таълимот билан қуролланган коммунистик партия жамиятни ривожлантиришнинг бош истиқболини, СССРнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаб беради... » дейилган.

СССРнинг сўнгги Конституциясидаги мазкур модданинг Коммунистик мафкуранинг дарҳақиқат тоталитар тузумнинг Давлат мафкурасига таянч нуқта бўлиб хизмат қилганлиги ҳеч қандай шарҳ талаб этмаса керак.

Ғоя ва мафкуранинг шакллари тўғрисида гап борганда идеализм билан материализм ғоялари хусусида албатта тўхтаб ўтиш лозим. Чунки, бу икки ғоя ўртасидаги кураш ниҳоят узоқ тарихга эга. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, советлар даврида ҳукмрон мафкурага сал қовушмайдиган оддий бир гап учун халқнинг асл фарзандлари қатағон қилинганлиги жоиз аксарият одамлар иккиюзламачи, *тил*-ёғламалик орқали кун кечирганлари ҳаётимизнинг қонунига айланган эди.

Гап шундаки, фикримиз ёшларимизда миллий ғоя ва миллий мафкурани жадал шакллантириб борар экан, бунда ҳаргиз ғоялар тарихида учратмаганимиздек, дуализмга асло ва асло ўхшамаслиги, бугун ариқнинг бир бетида бўлсак, эртанги куни ғоя жиҳатидан ўзга қирғоғига ўтмаслигимиз даркор.

3. Юқоридаги шўролар давридаги тоталитар тузумга дарғачи бўлиб хизмат қилган коммунистик ғоя ва коммунистик мафкуранинг тутган ўрни ва ролини кўрдик. Мазкур ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, халқ мақолларида айтилганидек «зўрлаган ит овга ярамас» экан. Зўрбазўрлик билан «сингдирилган» ғоя, мафкура вақт-соати келиши билан халқ манфаатини ўзида ифода этаолмагандан кейин дорилбақога юз тутди. Бу хусусда коммунистик ғоя ёки мафкура ягона эмас. Масалан Францияда ҳокимият Наполеон Бонапарт қўлига ўтгандан кейин, унинг Францияни Европадаги ягона империяга айлантириш орзуси пайдо бўлди. Шу мақсадда у қўшни давлатларга ва ҳатто узоқ Мисрга нисбатан қатор босқинчилик урушлари ҳам олиб борди ва кутилмаганда сезиларли ҳарбий ғалабаларга эришди. Ҳатто унинг шахси илоҳийлаштирила бошланди. Бу борада унинг Тулон ҳарбий мактабида ўқиган маслакдош дўсти, офицер Шовеннинг роли катта бўлди. Шовен ғоясининг асосини Наполеон шахсини илоҳийлаштиришга даъват этувчи ташкил этганлиги жоиз кейинчалик бориб муайян шахс ёки миллатни бошқалардан устун қўядиган, уни абадийлаштирадиган мафкурага айланди.

Худди ўшандай жараён 1933 йилда Германияда Адольф Гитлернинг ҳокимият тепасига келгандан кейинги расизм сиёсати, «яъни немис ирқини дунёдаги энг олий ирқ, жаҳоннинг ҳамма халқлари, биринчи галда славянлар ана шу «Олий ирқ» немисларга бўйсунилари керак деган ғояни келтириб чиқарган эди. Бу ҳаёлпарастлик немис халқини қандай фалокатларга олиб келганлиги албатта ҳеч қандай шарҳ талаб этмайди.

Ёинки, чор Россияси генерали Черняев Тошкент шахрини босиб олгандан кейин шаҳарнинг энг кўркем ҳудудларидан бўлган бугунги Бобур боғи ўрнида ўзи ва босқинчи оқсуяклар учун ҳордиқ чиқарадиган гўша ташкил этди. Боққа кириш жойида маҳаллий халқни бу жаннатмакон ҳудудга киришни қатъиян ман этадиган каттакон транспарант осиб қўйилиб, унга рус тилида «Сартам – собакам проходить по данной территории категорически запрещается» (Сартларга – яъни итларга ушбу ҳудуддан ўтиш қатъиян ман этилади) деган ўзбек миллати учун ҳақоратли сўзлар ёзиб қўйилган эди. Буюк рус шовинизми билан йўғрилган бундай дўқ-давралар албатта тарихда ўзининг ифлос изларини қолдирмасдан қўймади. Шўролар даврида ҳам рус тилини билмайдиган мутахассис кадрлар қадамда таъқиб этилиб келинди.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон файласуфлар миллий жамиятининг Ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги ўқув муассасалари учун янги фан - «Миллий истиклол ғояси»дан (2000 йил декабр) тавсия этган ўқув дастурида 1 соатлик дарс «Мафкураларнинг тарихий шакллари» мавзусини ўрганишда «Қадимги давр маънавияти ва мафкураси. IX – XII асрларда Шарқ Ренессанси (уйғониш) даври. Темур ва темурийлар даври мафкураси. Даврлар алмашинуви ва мафкуралар баён этиш талаб этилади. Талабаларимизда миллий истиклолимиз ғоясини

чинор илдизидек мустаҳкам, - IX-XII-XIII асрларга бориб тақаладиган ҒОЯВИЙ ИЛДИЗЛАРИМИЗга эга эканлигимизни батафсил баён этишимиз биз учун ҳам қарз ҳам фарз. Чунки, биринчидан биз Республикамиздаги академик лицейлар, касб-ҳунар билим юртлари, коллежларида таҳсил олаётган талабаларимизнинг тўққиз йиллик умумтаълим мактабларидан тарих фанидан қандай билимлар билан келганликларини, очиқ тан олиш керакки аниқ билмаймиз. Бу ўқув юртларида ўргатиладиган тарихий давр эса асосан энг янги тарих даври – 1917 – 1918 йиллардан бошланиб бугунги кунимизга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Шундай экан, биз янги фан - «Миллий истиқлол ғояси»ни ўқитишга киришар эканмиз унга ижодий ёндошиб, унинг дастурига қатор жиддий тузатишлар ҳам киритишимизга тўғри келмоқда. Масалан, дастурда юқорида кўрсатилган мавзу (тан олиш керак илмий-назарий ва методик жиҳатдан ниҳоятда кенг қамровли мавзу) ни ўрганиш учун 1 соат (45 минут) маъруза, 2 соат амалий машғулот ўтказиш тавсия этилган. Фикримизча, бу тавсия амалий ҳаётдан анча йироқ. Бу мавзуга камида 2 соатлик малакали маъруза берилиб, шунда ҳам маърузамиз кўпроқ тарихий экскурсия характерида бўлади, бу табиий ҳол. Кейин талабаларга IX-XII-XIII асрлар маънавияти ва мафкураси хусусида элементар тушунчаларни берганлигимизга иймон – эътиқод билан қаноат ҳосил қилганимиздан кейингина шу мавзуда ўтказадиган амалий машғулотимиз – семинарнинг муаммоли саволларини ва бир вақтда талабаларда ўрганилаётган, аниқроғи таҳлил этилаётган «Шарқ Ренессанси» даврида миллий ҒОЯ қандай ўрин тутганлигини диққат марказларида тутишларига йўналтирмоғимиз лозим.

Фикримизча, мазкур мавзу бўйича баён этилаётган маъруза матнимизнинг режасида қайд этилган пунктлар ана шу талабаларни амалга оширишда асқотиши мумкин. Энди Ватанимизнинг IX-XII-XIII асрлардаги маънавияти ва мафкураси масалаларига ўтсак.

Дарҳақиқат, жаҳон цивилизацияси тарихида «Шарқ Ренессанси даври» деб тан олинган халқимизнинг IX-XII-XIII асрлар тарихи мазмун-маъноси жиҳатидан шу улуғ номга лойиқдир. Жаҳон цивилизациясида муносиб ўрин олган кўпгина машҳур юртдошларимизнинг илмий-амалий фаолиятлари худди мана шу даврга тўғри келган. Мана улар:

Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850)

Имом ал-Бухорий (810 йил 13 май – Бухоро – 870 йил 1 сентябр Хартанг қишлоғи)

Фарғоналик астроном ал-Фарғоний (IX аср)

Абу Исо ат-Термизий (825 йилда туғилган – 892 йилда вафот этган)

Ахмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвези (870 йилда Марв шаҳрида вафот этган)

Абу Абдулло Жаъфар Рудаки (941 йилда, бошқа маълумотларга кўра 952 йилда Панжруд қишлоғида, яъни ўз Ватанида вафот этган)

Абул Ҳасан Шаҳид Балхи (Рудакининг яқин шогирди бўлган)

Абу Шакур Балхи (915 йилда туғилган)
 Абу Мансур Муҳаммад ибн Ахмад Дақиқий (977 йилда вафот этган)
 Абул Қосим Фирдавсий (934 ёки 941 йилда туғилган)
 «Китоб ал-маариф» (Билимлар китоби) асарининг муаллифи Ибн –
 Қутайба (828-889)
 Муҳаммад Балхи (876 - 886)?
 Абу Бакир Наршахи (959 йилда вафот этган, «Тарихи Бухоро»
 асарининг муаллифи)
 Махмуд Қошғарий («Девону луғотит турк»)
 Абу Наср Фороби (870 - 950)
 Абу Али ибн Сино (980 - 1037)
 Абу Райхон Беруний (973 - 1051)
 Абу Саид Гардизи (XI аср) тарихчи «Зейн ал - ахбор»
 («Маълумотлар гўзаллиги » асари муаллифи)
 Абул Файз Бейхаки (955 - 1077) Ғазнавийлар давлатида девонбоши
 котиби мансабида ишлаб, Султон Маъсуднинг подшолик даврини баён
 этган «Тарихи Маъсуди» асарини яратган.
 Мажиддин Муҳаммад ибн Адион (XI аср) «Тарихи мулки
 Туркистон» асарининг муаллифи
 Амак Бухори (1149 йилда вафот этган)
 Сузаки Самарқанди (1173 йилда вафот этган)
 Рашиди Самарқанди
 Асади Туси (1170 йилда)
 Носири Хусрав (1004 - 1080)
 Масуд Саад Салмон (1046 - 1121)
 Адиб Собир Термизи (1140 йилда вафот этган)
 Аухаддин Анвари (1126 - 1190)
 Султон Санжар даврида Ҳамидиддин Балхи (XI аср) (Низом ал –
 Мулк - «Сиёсатнома» асарининг муаллифи)
 Имом Фахриддин Муҳаммад ибн Умар Рози (1148 - 1210)
 Абул Қосим Махмуд Замахшари Хоразмий (1074 - 1143)
 Абу Бакр Журжоний (1108 йилда вафот этган)
 Зайниддин Исмоил Журжоний (1135 йилда вафот этган) - «Захираи
 Хоразмшоҳ» асарининг муаллифи.
 Муҳаммад Ғазолий (1058 - 1112) – файласуф
 Юсуф Ҳамадоний,
 Хўжа Абдуҳолик Ғиждувоний,
 Қул Хўжа Ахмад Яссавий (1103 – 1166)
 Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғуний («Қутадғу билик» асарининг
 муаллифи)
 Ахмад Югнаки («Ҳибат ал - Ҳақойиқ» - «Ҳақиқат совғаси»
 асарининг муаллифи)
 Баҳоуддин Нақшбанд (1316 - 1389) ва кўплаб бошқа олиму
 фузалолар.

Табиийки, мазкур курс ҳали фан сифатида узил-кесил шаклланмаганлиги жоиз, бу курсдан маъруза ёки амалий машғулотлар олиб боровчи педагоглар олдида қатор қийинчиликлардан бири ўқитувчи кўлида мавзуга доир синхронологик асосда битилган фактик ахборот ва илмий – методик материалларнинг йўқлигидир. Ана шу муаммони маълум даражада енгиллаштириш мақсадида ушбу мавзу матнига кўшимча равишда юқорида келтирилган олиму фузалолардан айримлари хусусидаги фактик материални илова қиламиз. Ўйлаймизки, яқин келажакда бундай материаллар кўлами кенгайиб бораверади.

4. Биз ўқув дастури талабига ижодий ёндошиб ушбу мавзу режасида «Чор истилоси ва шўролар истибдоди даврида ғоявий ва мафкуравий жараённинг бориши» масаласини алоҳида кўриб чиқишни лозим топдик. Бу масала гарчи бир қарашда умумий обзор шаклидаги жавоблар мажмуини талаб этгудай кўринсада, аслида бирмунча мураккаб жараёнларни қамраб олишни талаб этади. Гап шундаки, мазкур курсни ўқитишдан мақсад талабаларда ғоя ва мафкуранинг тарихий шакллари хусусида аниқ илмий тушунчаларни шакллантиришдан иборат. Шундай экан диёримизда 130 йилдан зиёд мустамлакачилик зулмини ўтказиб келган чоризм ва шўролар истибдоди, ўша даврда шаклланган ғоялар системаси ва мафкуралар тарихий ҳақиқатлар асосида тушунтириб берилмоғи даркор. Мазкур ўринда ҳурматли файласуфларимиз хоҳлайдиларми – йўқми бу муаммони асосан ўзбек халқи миллий озодлик ҳаракатлари тарихи билан чамбарчас боғланган ҳолдагина самарали амалга ошириш мумкин. Бироқ, мазкур ўринда яна бир муаммо келиб чиқади. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи чорагида ўзбек хонликлари тарихи хусусида гап борадиган бўлса Ҳамид Зияев масъул редакторлик қилган «Ўзбек хонликларининг Россияга қўшиб олиниши» (Т.1968 «Фан») китобидан фойдаланиш лозимми, ёки Ҳамид Зияевнинг «Рус босқини» хусусида эълон қилинаётган бугунги асарлари асосидами? Ёки шу давр маънавияти хусусида гапириладиган бўлса, чор истилоси маҳаллий маънавиятимизга путур етказдими ёки айрим тарихчи юртдошларимиз тарғиб этиб келаётганларидек, «руслар бизга маънавият ва маърифат олиб келдиларми?» деган масалаларда ҳам огоҳ бўлмоқ жоиздир.

5 - §. Ёшларнинг ғоявий дунёқараши ва маънавий фазилатлари

Дарснинг жиҳозлари

А) Мафкура тушунчаси тўғрисида Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган тамойил ёзилган дидактик материал:

«Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва минталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажagini кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кунини ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан»

Ислом Каримов

Б) Миллий ғоя тушунчаси хусусидаги тамойил ёзилган дидактик материали:

«Ғоя – инсон тафаккури маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир. Миллий ғоя – инсон ва жамият ҳаётига маъно – мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир»

В) Миллий ғояга тааллуқли тарқатиладиган ёзма дидактик материаллар

Г) Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. «Ўзбекистон» нашриёти, 2000 йил, дарснинг мотивацияси: «Миллий истиқлол ғояси». Президент Ислом Каримов сўзбошисидан олинди. 5 – 7 бетлар.

Дарснинг мақсади

А) **Дарснинг мотивацияси:** Мазкур мавзуда ўтказиладиган дарснинг мотивацияси, яъни бу мавзу нима учун, қандай мақсадда керак, уни ўрганишдан кузатиш мақсади нималардан иборат деган аниқ саволга Президент Ислом Каримов «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида ёзилган «Сўз боши»даги қуйидаги сатрларда ўзининг қуйидагича яққол ифодасини топган:

«Миллий ғоя ва истиқлол мафкураси ҳақида гап борар экан, биз ниҳоят кенг қамровли, мураккаб, серқирра, инсоният тарихида аниқ ва мукамал ифодаси, тугал намунаси ҳали хануз яратилган тушунчаларини ўзимизга тасаввур қилишимиз керак».

«Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириши, мамлакатимизда ишлайдиган ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан учун, бахт-саодат учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларга давъат қилиш, шу муқаддас замин учун фидоийликни ҳаёт мезонига айлантириш – миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир»

Б) Дарснинг таълимий мақсади:

Мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир.

Дарс жараёнида ўрганилаётган мавзунинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, Президент Ислом Каримов асарлари, маъруза ва нутқлари, чиқишларидаги «Миллий ғоя», «Миллий мафкура», шунингдек маънавий – маърифий мавзуларда билдирилган фикрлари асосида талаба ёшларга «Миллий ғоя», «Миллий мафкура», «Дунёқараш», «Комил инсонни камол топтириш», «Ижтимоий-сиёсий фаоллик», «Фуқаролик масъулияти» каби тушунчалар мажмуи хусусида мустаҳкам билим бериш ва билимларнинг талабалар билан юқоридаги тушунчалар мажмуи устида олиб борилган баҳс ва мунозаралар давомида уларнинг шахсий эътиқодига ўсиб ўтиш ва кундалик амалий фаолиятларида тезкор равишда фойдаланишларига эришмоқдан иборат.

В) Дарснинг тарбиявий мақсади:

Дарс жараёнида ўқитувчининг мазкур мавзу юзасидан олиб борадиган таълимий, илмий-назарий ва амалий фаолияти мажмуи натижасида талабалар тарбиясига комплекс ёндошган ҳолда уларда Президент Ислом Каримовнинг тарбия бобида алоҳида қайд этиб ўтган куйидаги кўрсатмалари ўз ечимини топишини тақозо этади:

«Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, - деб кўрсатди Президент Ислом Каримов, - эски мафкуравий асоратлардан батамом ҳалос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружида ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этмоқда»¹

Г) Дарсда ривожлантириб бориладиган таълим:

Мазкур дарсда ўрганилаётган мавзу «Миллий истиқлол ғояси» фанининг яқунловчи бўлими (V бўлим) «Ғоявий тарбия ва мафкуравий иммунитет» бўлганлиги жоиз талабаларда курснинг таянч ва бошқарув ғоялари ҳисобланган тушунчалардан: «ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси», «минтақавий кўринишлари, »бугунги мустақил Ўзбекистонимизнинг мафкуравий муаммолари, «мафкуранинг мақсад ва

¹Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. «Ўзбекистон».2000 йил. 5-бет.

вазифалари», «огоҳликка даъват» каби масалалардан қанчалик воқиф эканликларини яна бир бор мустаҳкамлаш мақсадида машғулот давомида уларнинг фаолликларини ривожлантириб бориш ва таълимда интеграция усулидан самарали фойдаланиш мақсадида ўрганилаётган мавзу давомида талабалардан мазкур курснинг юқорида қайд этилган асосий таянч ва бошқарув ғояларидан олган билимларни эслатиб, такомиллаштириб ва зарур жойларида тузатишлар киритиб боришни тақозо этади.

Мавзуни баён этиш режаси

1. Мафкура нима? Унинг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти.
2. Президент Ислам Каримов ёшларнинг ғоявий дунёқараши ва маънавий ғазилатларининг камол топтириш ҳақида.
3. Фидоий, мустақил тафаккур эта оладиган, ҳар томонлама билимли, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол инсонни тарбиялаш – мафкуравий тарбиянинг асосидир.
4. Фуқароларда умуммаданий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий дунёқарашларини фаол шакллантириб бориш ва жамиятда соғлом муҳитни барпо этишда жавобгарлик масъулиятларини шакллантиришнинг шакл ва методлари.

Хулоса

Дарсинг тури: Муаммоли таълим элементларини ўз ичига олган ноанъанавий дарс.

Дарсинг блок чизмалари

А) Ўқитувчи ўқув жараёнининг ҳар қандай тизимида ҳам 1-2 дақиқа вақтни ташкилий масалага ажратиши табиий бир ҳол. Ана шу ташкилий дақиқаларда мавзуга оид кўргазмалар, қуроллар, тарқатувчи дидактик материаллар ва дарсда қўлланиладиган таълимнинг техника воситалари фойдаланиш ҳолатига келтириб, янги мавзу ва унинг режаси ёзилган оқ қалин қоғоздаги «кўчма доска» гуруҳ доскаси ёнига осиб қўйилади.

Б) Дарс блоки чизмасидан «уй ишини текшириш» деб номланиб келаётган масалага келсак, бу ўринда ўқитувчи талабаларнинг курс юзасидан олган билимларидан юқорида қайд этилган «Таянч ғоялар», «Бошқарувчи ғоялар»дан иборат тушунчалар системасидан бир нечтасини муаммоли савол сифатида ўртага ташлайди. Синфнинг фаоллашувини ташкил этгач, масалан, «Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоялари нималардан иборат?» ёки «Тараққиётнинг ўзбек модели деганда нимани тушунаси?» деган саволни ўртага ташлаб унга талабалар диққат-

эътиборлари «кўчма доска»да баён этилган бугунги ўрганиладиган мавзунинг номи ва режасига жалб этилади.

В) Дарс блокадаги эндиги босқич – янги мавзуни тушунтириш ёки дарснинг боришидир.

1. Ўқитувчи мавзуни баён этишга киришар экан, биринчи галда талабаларга «Миллий истиқлол мафкураси қандай хусусиятларга эга бўлиши ва қандай талабларга жавоб бериши керак» деган саволларга муфассал жавоб бермоғи лозим. Мазкур ўринда Президент Ислом Каримовнинг «Fidokor» газетаси мухбирига берган интервьюсидаги куйидаги фикрларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Юртбошимиз бу саволларга жавоб берар эканлар, бунда жамиятни маънавий жиҳатдан янгилаш, яъни «юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш комил инсонни тарбиялаш» лозимлигига, «бунинг учун биринчи галда, тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши – жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожига ҳақида махсус дарсликлар, қўлланмалар, оммабоп адабиётлар яратиш зарур» лигини алоҳида қайд этиб ўтдилар.

Юртбошимизнинг истиқлол мафкураси хусусида баён этган юқоридаги фикрларида ёшларимизда истиқлол мафкурасини тарбиялаб шакллантиришда «Ватан равнақи», «халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш», «комил инсонни тарбиялаш» тушунчалари марказий ўринни эгаллаб тургани ўқитувчига дарс давомида талабалар диққат-эътиборини ана шу тушунчаларнинг атрофлича изоҳларини тақозо этади. Лекин ўқитувчи талабаларнинг мазкур тушунчалар хусусидаги мустақил фикрларни баён этишга жалб этишдан олдин уларнинг эътиборларини «Ватан» тушунчасига кенг жалб этади. Гап шундаки, Ватанни севмоқ ундан шунчаки қувонмоқ, ғурурланмоққина эмас. Уни дил-дилдан англамоқ, у билан нафас олмақ, у билан яшамокдир. Уни яшнатмоқ, обод этмоқ, унинг истиқболи учун тинмай кураш олиб бормокдир. Афсуски, XIX асрнинг 60-йилларида рус босқинчилари биздан Ватанимиз билан бирга Ватанимизга бўлган муҳаббатимизни ҳам тортиб олган эди, кейинги 70 йил давомида ана шундай муқаддас муҳаббат ҳис-туйғуларимиз пойма-пома сўндириб келинди. Миллат, Ватан тушунчалари коммунистик мафкурага мослаб чиқилди. «Биз – совет халқимиз», «СССР – бизнинг ватанимиз» деган тушунча онгларга сингдирилди. Бутун социализм йиқилиб, у билан боғлиқ тушунчалар тумандек тарқала бошлагач, яна ҳамма нарса асл ҳолида намоён бўла бошлади.

Бизнинг ватанимиз кўп минг йиллик тарихга эга бўлган, жаҳон маданиятининг чорраҳасида келган, ўнлаб илм-фан даҳолари билан башарият тафаккурини ёритган, жаҳонгир саркардалари билан олам харитасига неча бор туб ўзгартиришлар киритган табаррук Туркистон – Ўзбекистон эканлигини бугун бутун жаҳон ҳамжамиятлиги тан олмоқда.

Она Туркистонимиз тарихини варақлар эканмиз, миллат тушунчаси ҳамиша Ватан билан ёнма-ён, мисоли жисму-жон эканлигига яна бор

қаноат ҳосил қиласиз. Дарҳақиқат бу икки олий тушунчани бирини бирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу жоиз тарихимизнинг миллий уйғониш даври деб аталган 1865-1929 йилларда Ватан ва миллатни англаш миллий мустақиллик учун курашиш энг муҳим масалалардан бўлиб турган эди. Худди ана шу даврда жаидлар номи билан тарихга кирган фидойи оталаримиз бу борада катта шижоат кўрсатдилар.

«Ватан – у менинг жону таним, саждагоҳимиздур.
У менинг тўлин ойим, тинч – омонлигим, иззатим,
Шарафим, Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдур»

Абдурауф Фитрат

Биз талабаларда истиқлол мафкурасини изчиллик билан шакллантиришда Ватан омилининг роли хусусида фикр юритар эканмиз, бугунги кундаги геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг, яъни муайян давлатнинг ўз мавқеи ва таъсирини ўзга ҳудуд ва минтақаларда кучайтиришга қаратилган сиёсатларида «Ватан» омилидан ўзларининг разил мақсадларини амалга оширишда фойдаланиш йўлидан ҳатти-ҳаракатларидан ҳам ёшларимизга зарур илмий билим асосларини беришимиз лозимлиги ва уларнинг онгларига юртбошимизнинг «Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар раҳнаmolари, олиму зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир»² деган огоҳликка даъватларини ҳам асло унутмаслигимиз даркор.

2. Шу нарса сир эмаски, сўнгги йилларда исломни ислоҳ қилиб, ваҳҳобизмни кенг тарғиб қилувчи кучлар фаолияти бетиним авж олмоқда. Улар айниқса «Ислом Низоми» деб номланган ўша реакцион дастурда ўзларининг гўё «Чин ва соф исломий» қарашларини тарғиб қилишга зўр бериб уринмоқдалар. Уларнинг жавабалари шу даражага етиб бордики, ҳатто Арабистоннинг Жидда шаҳрида айрим ҳожиларимизга «Ислом Низоми»ни бепул эҳсон қилишга ҳам шошилмоқдалар. Натижада бундай «беғараз» эҳсоннинг туб моҳиятидан мутлоқ беҳабар айрим ҳожиларимиз: «Қаранг, юртдошларимиз Арабистонда ҳам ўзбек тилида ёзилган китоб - «Ислом Низоми»ни нашр эттириб, эҳсон қилаётган эканлар» деб севинмоққа тушдилар. Ҳатто асл мазмун моҳияти ҳокимият учун курашмоқчи бўлиб, юртдошлари, бола-чақалари тинчлигини бузиб, ўзларининг мараз мақсадларини амалга оширмоқчи бўлаётганлар ҳақида дуолар ҳам ўқидилар.

² И.А.Каримов, Истиқлол ва маънавият.Т., «Ўзбекистон», 1994 йил, 119-бет.

Бу Низомда «Ислом мафкураси» ва «Ватанпарварлик», «Исломда ахлоқ» деган бобларга жуда катта ўрин ажратилган. Унда «Ватан» ва «Ватанпарварлик» тушунчалари (робиталари) қуйидагича ифодаланган: «Фикр саёзланиб борган сари одамлар ўртасида Ватан тушунчаси пайдо бўла бошлади. Бунинг боиси шундаки, одамлар бир жойда яшаб у ерга мустаҳкам ўрнашиб қолгач, яшаш учун курашиш туйғуси ўзини муҳофаза қилишга ва ўз навбатида улар яшаб турган шаҳарни ҳам, оёқлари остидаги ерни ҳам ҳимоя қилишга ундайди. Мана шундан ватандошлик алоқалари пайдо бўлади, бу эса энг кучсиз тубан алоқадир».

«Ислом Низоми»да ватандошлик хусусида яна қуйидагиларни ўқиймиз: «Ватандошлик» робитаси нотўғри эканлигининг учта сабаби бор:

- **биринчидан**, ватандошлик робитаси тубан робита бўлиб, уйғониш йўлига қадам қўйган чоғда инсонларни бир-бирига боғлаб туришда ҳеч қандай фойда бермайди;

- **иккинчидан**, бу робита ҳиссиётга тааллуқли бўлиб, ўз жонини ҳимоя қилиш йўлида «яшаш учун курашиш» туйғусидан келиб чиқади;

- **учинчидан**, ватандошлик робитаси муҳофааланиш ҳолатидагина вужудга келадиган муваққат алоқа воситасидир, аммо инсон ҳаётининг аслий ҳолати бўлган тинчлик ва барқарорлик ҳолатларида эса унча зарурат йўқ. Шунинг учун ҳам бундай робита инсон фарзандларини ўзаро боғлайдиган робита бўлишга ярамайди.

«Ислом Низоми» ўзининг асл мақсад – моҳиятини қуйидаги сатрларда баён этади:

«Биз «Ислом Низоми»ни олиб, бу низомнинг асоси бўлган Ислом ақидасини тарқ қилишимиз ҳам жоиз эмас. Чунки, бу ҳолда биз руҳи йўқ ўлиқ низомни олган бўламиз. Биз исломни олар эканмиз, уни ақидаси ва тузуми билан биргаликда, бир бутун ҳолда олиб, унинг даъватини майдонга олиб чиққанда мафкурасини ҳам ёйишимиз ҳам лозимдир.

Демак уйғониш учун ягона йўлимиз мавжуд. У ҳам бўлса ислом ҳаётини қайта бошламоқ. Ислом давлатисиз эса, ислом ҳаётини қайтадан бошлашга йўл йўқ!!».

«Ислом Низоми»даги бундай сўзларни ўқиган ҳар бир инсон Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг диний экстремистлар тўғрисида гапирганларида уларнинг ватанлари, миллатлари ва ҳудудлари йўқ манқуртлар бўлиб, дунё халқлари XXI асрга ўтган бир пайтда илк ўрта аср давридаги ҳалифаликни тиклашни орзу қилаётганликлари хусусидаги баҳоси айни ҳақиқат ва жуда тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Зеро, ватанпурушларнинг назаридаги «Ватан» тушунчаси бундан ортиқ бўлишини кутиш ҳам сўқир одамдан карвонбошиликни талаб этиш билан тенг бир нарса бўлур эди! Бу манқуртларга «Ватан ва аҳли диёр»ни кадри мусофиротда маълум бўлур. Ҳақиқатан Ватан муқаддасдур, қадрини билмоқ керак. Сотмасга ва

ўлгунча айрилмасга керакдур (Махмудхўжа Бехбудий) деган даъватлар батамом бегонадур.

Истиқлол мафкурасини одамлар қалби ва онгига сингдиришда жамият ҳаётининг барча соҳаларини имкон қадар камраб олишда таълим тизимининг роли ва ўрни, айниқса имкониятлари беқиёс катта эканлигини ҳисобга олиб, айниқса, ижтимоий фан ўқитувчилари бу борада ҳар бир ўқув юртининг йўналишини ҳисобга олган ҳолда миллий истиқлол ҳояси ва мафкурасининг асл мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириб боришга эришмоқлари даркор. Бу борада мазкур курс юзасидан олиб бориладиган амалий машғулотлар давомида талабаларнинг ёшлари ва билим даражаларига нисбатан индивидуал ва дифференциал равишда ёндашув алоҳида аҳамият касб этади.

Хўш, алоҳида олинган гуруҳда «Миллий истиқлол ғояси» ўрганилаётган мавзу ягона бўлиб, аудиториядаги талаба (тингловчи)ларнинг билим даражалари турлича бўлган бир реал шароитда шу гуруҳда миллий истиқлол ғоясини сингдириб боришда уларда мавжуд бўлган таълим-тарбиялари даражаларига ёндошиш жараёни қандай амалга оширилиши мумкин.

Биз мазкур муаммо ҳусусида ўз тажрибамизда Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети қошидаги Чилонзор Академик Лицеи шароитида қуйидаги методлардан фойдаландик:

Аввало талабалар сонига мўлжаллаб қуйидаги муаммоли саволлардан иборат тарқатувчи дидактик материаллар (саволлар) тайёрланади ва уларнинг ҳар бирини кадаскоп аппарати ёрдами билан доскада кўрсатиб (кадаскоп бўлмаган шароитда оддий доскадан фойдаланиб), талабаларнинг оғзаки жавоб-баҳслари тингланади ва кенг муҳокама қилинади. Улар қуйидагилардан иборат эди:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида мафкура ҳусусида гап боради ва унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

2. Мафкуравий иммунитет деганда нимани тушунаси?

3. «Ислом Низоми» нима вва унинг мақсад-моҳияти нималардан иборат?

4. Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган - «Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш» тамойилини қандай тушунаси?

5. Ғоя ва мафкуранинг қандай тарихий шакллари биласиз. Уларнинг мазмун ва моҳияти ҳусусида нималар дея оласиз?

6. Мафкуравий жараёни глобаллашуви деганда нималарни тушунаси?

7. Президент Ислом Каримовнинг «Эски мафкурадан воз кечиш натижасида пайдо бўлган бўшликни янги – миллий ғоя, истиқлол мафкураси билан тўлдиришнинг зарурати барчамизга аён бўлиши зарур» деган кўрсатмаларини шарҳлаб беринг?

8. «Шовинизм» ғояси қачон, қаерда вужудга келган, унинг моҳияти нимадан иборат?

9. Мафкуравий таҳдид нима?

10. Адабиёт ва санъатнинг у ёки бу мафкурани шакллантиришдаги ўрни ва роли ҳусусида нималар дея оласиз? ва ҳ.к.

Иккинчидан, дарс жараёнида мавзу юзасидан мунозара – баҳс учун тайёрланган барча муаммоли саволларга тегишли жавобларни эшитишга улгураолмаслик эҳтимоли борлиги боис, уларга уй вазифаси тариқасида тўла жавоб ёзиб келишлари топширилди ва кейинги дарсда муфассал таҳлил этилди.

Ўқитувчи юқорида кўрсатилган саволларга талабалар томонидан берилган жавобларни умумлаштирар экан, фуқароларда умуминсоний, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий дунёқарашларини шакллантириб борилиши ва жамиятда соғлом муҳитни барпо этишда фаол иштирок этиш Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси учун муқаддас бурч эканлиги ва бунинг учун улар масъул эканликларини уқтириб ўтади.

Ўқитувчи талабаларни ғоявий-мафкуравий ва маънавий тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг роли ҳусусида фикр юритиш учун албатта ўз тингловчиларининг оилавий шароитлари, уларни ўраб турган ижтимоий муҳит аниқ маълумотларга эга бўлиши дарс самарадорлигини ошириб бориши ва унинг таъсирчанлигини кўтаришда муҳим рол ўйнайди. Бу борада ҳам биз ўзимизнинг шахсий педагогик фаолиятимизда бирмунча ижобий натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Жумладан, гуруҳ раҳбарларининг тарбиявий иш режалари билан танишар эканмиз, унда гуруҳ талабаларига берилган тавсияномалар, гуруҳда мавжуд бўлган ютуқ ва муаммолар, уларнинг сабаб ва моҳиятларидан миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришни янада такомиллаштириб бориш йўлида кенг фойдаланилади. Бундай методнинг қўлланилиши ўз навбатида таълим-тарбияга индивидуал ва дифференциал муносабатда бўлиш муаммосини ҳам самарали ечишга имкон берди.

Мавзунинг баён этиш жараёнида қўйидаги фикрлардан фойдаланинг:

«Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди».

Ислом Каримов

«Жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад – муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутаяди.

Мақсад дегани – халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ».

Ислом Каримов

«Миллий ғоя, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишлаб, руҳимизни баланд, белимизни бақувват қилишига ишонаман».

Ислом Каримов

«Ҳар бир фуқаронинг мустақил давлат билан мағрурланиши унинг ўз давлатининг мустаҳкамланиши ва гуллаб-яшнаши учун шахсий ҳисса қўшишга тайёрлигидандир. Фақат мана шундагина фуқаро давлатнинг ишончли таянчига айланади».

Ислом Каримов

«Агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг кадрига етмасак, ўз хушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай-сезмай қолишимиз мумкин».

Ислом Каримов

6 - §. Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш – давлат сиёсатининг бош йўналишидир

Синф тахтасига қуйидаги ёзув ёзиб қўйилади:

«Биз ўзимизнинг шароитимизда кўп болали оилаларга, қарияларга, бечора ҳолларга мадад бермасак ҳамма нарса портлаб кетади, ҳеч қандай бозор ёки ишбилармончилик бўлмайди. Шу сабабли мен, Президент сифатида камбағалларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлини қатъий ва жуда қаттиққўллик билан ўтказмоқдаман»

Ислом Каримов

Миллий истиқлолимиз туфайли жамиятимизнинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиши, шўролар давридаги давлат ҳукмрон мафкураси бўлган андозалардан мустасно бўлиш, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини том маъносида демократиялаш жараёнини ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларига фаоллик билан сингдириб бормоқда. Президент ислом Каримов алоҳида қайд этиб ўтганидек, «Эндиги долзарб вазифамиз – бу жараённинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги

кирраларини мукаммал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб беришдан ва уларни жамият курилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборатдир».

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида энг долзарб бўлган бундай вазифаларни амалга ошириш, талабаларда миллий истиқлол ғояларини жадаллик билан шакллантириб боришда ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг, биринчи галда миллий истиқлол ғояси фани ўқитувчиларининг масъулиятлари бениҳоят каттадир. Яна шуни эътиборга олиш керакки, сўнгги йилларда республикаимиз таълим тизимида ривожланган мамлакатлар педагоглар дунёси билан ўрнатилган узвий алоқаларимиз туфайли республика даврий маъбуотида «янги педагогик технология», «таълимнинг фаол усуллари», «дебрифинг», «перцептив», «мияга ҳужум» - (брейнстроминг), «пинборд» ва ҳоказо антиқа иболар ва дарс усуллари - «Ақлий ҳужум», «интерактив усул», «дефрифинг» каби иборалар пайдо бўлди. Шу жоиз, биз қуйида «Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш – давлат сиёсатининг бош йўналишидир» мавзусида ўтказилган ноанъанавий дарс структураси ва унинг баёни хусусидаги дарс вариантини кўриб чиқамиз. Мазкур мавзудаги дарс вариантларидан фақатгина «ноанъанавий» усулнигина тавсия этиб шу борадагина эмас, балки «мазкур мавзунини янада самарали ўтказишда талабалар яна қандай варинатларни тавсия этган бўлур эдилар!» деган муаммоли саволни ҳам ўртага ташламоқчимиз. Лозим топсангиз қуйидаги дебрифинг яъни икки томонлама саволларга эътибор берсангиз:

1. Сиз ушбу мавзунини илмий-методик ва дидактик жиҳатдан кенг қамровли ишлаб чиқишда яна нималарга эътибор беришингизни тавсия этасиз? Ёки ушбу мавзунинг мотивацияси яна нималарни тақозо этади?

2. Ушбу мавзунини ўрганишда сизда педагогик амалиёт давомида қандай муаммолар пайдо бўлиши мумкин? Сиз шу муаммоларни қандай бартараф этишингиз ёки тўғрилашингиз мумкин?

3. Сиз ушбу мавзуда дарс самарадорлигини ошириш учун яна қандай ўзгаришлар киритишингиз мумкин?

4. Таклиф этилган вариантларингиз илмий-методик ва дидактик жиҳатдан қандай амалга оширилади?

5. Мазкур дарсда эришган муваффақиятларингизни яна бир бор яник системалаштириб кўринг. Сиз мазкур дарсда кузатган мақсадингизга эришганлигингизни аниқ исботлар билан кўрсатиб беришга ҳаракат қилинг.

6. Ниҳоят, дарс хусусида қандай хулосага келдингиз.

Энди муаммоли таълим элементларини ўзида мужассамлаштирилган ноанъанавий дарснинг ишланмасига ўтамиз.

Мавзу: «Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш – давлат сиёсатининг бош йўналишидир».

Ўрганиладиган мавзунинг мотивацияси: мавзунини ўрганиш жараёнида инсоният тарихида архиактуал масала ҳисобланган «аҳолини кучли

ижтимоий ҳимоялаш» масаласини муқаддас Ислом дини тамойилларидан бошлаб, жаҳон давлатчилигига ва давлат раҳбарларининг фаолиятлари мисолларига интеграцион ёндошган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Академик Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва мустақил Ўзбекистон Республикасининг кундалик амалий фаолиятига бевосита тадбиқ этиб келинаётган «Ўзбек модели» асосида «аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш – давлат сиёсатининг бош йўналиши эканлигини талабаларга атрофлича тушунтириб беришдан иборатдир».

Мавзу олдиндан кўчма доскага ёзиб қўйилган қуйидаги режа асосида баён этилади:

Кириш

1. Жаҳон давлатчилиги тарихида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласининг қўйилиши.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (IX – X боблар) аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашнинг қонун билан кафолатланганлиги.

3. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги даврида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш борасида қўлга киритилган ютуқлар.

4. Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил 25 январидagi «Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш тўғрисидаги Фармони» ва «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор» ини шархлаш.

Дарснинг тури: муаммоли таълим элементларининг ўзида мужассамлаштирган ноанъанавий дарс тури.

Дарснинг жиҳозланиши:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Миллий истиқлол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар» дарслиги. Тошкент-2005 йил.

- Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол тараққиёт йўли» асари. «Ўзбекистон» Тошкент-1992 йил.

- Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузаси, «Алодат – қонун устуворлигидадир», «Ўзбекистон овози» газетаси, 30 август 2001 йил.

- «Баркамол авлод орзуси» - «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. Тошкент-1999 йил.

М.Лафасов, Т.Тошпўлатов, З.Каримов – «Мустақиллик дарсларини ўқитиш бўйича методик қўлланма» Тошкент-2001 йил.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кучли ижтимоий муҳофазасига қаратилган илмий-назарий концепсиялари ва шу борада аниқ ахборотлар баён этилган тарқатувчи дидактик материаллар. (Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан айрим тоифадаги фуқаролар ва оилалар учун белгиланган айрим имтиёз, кафолат ва қўшимчалар рўйхатини илова этиш).

Дарснинг мақсадлари:

а) Дарснинг таълимий мақсади.

Дарс жараёнида талабаларга мамлакатимизда кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохатлар амалиётида «Ўзбекистон модели» деб ном олган жамият тараққиётининг янги модели пайдо бўлганлиги ва бу жараёнда юртбошимизнинг давлат арбоби сифатида тутган ўрни хусусида батафсил маълумот бериш. Шунингдек, ўқитувчи томонидан бу масалага интеграцион ёндошган ҳолда тараққиётимизнинг «Ўзбек модели» илмий асосланган, тарихий тараққиёт тажрибаларига таянган, миллий ва умуминсоний кадриятлар билан суғорилган, инсон манфаатлари устувор йўналиши сифатида тан олинган, ривожланиш, янгиланиш ва юксалиш йўллари эканлиги конкрет фактлар истиқлолимизнинг ўтган даври мобайнида ўзининг самарали йўл эканлигини ҳар томонлама исботланганлиги ва халқаро миқёсида эътироф этилганлиги кўрсатиб берилади.

в) Дарснинг тарбиявий мақсади:

Дарс жараёнида талабаларда ҳукуматимиз томонидан аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш бобида олиб борилаётган кундалик амалий тадбир-чораларидан келиб чиқиб, бу тадбирлар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов бошчилигида олиб борилаётган тинчликсевар ички ва ташқи сиёсатининг маҳсули эканлигини, ёшларимиз ота-боболаримизнинг амалий орзулари бўлган – миллий мустақилликни қўлга киритганимиз боис Ўзбекистон шарафини бутун дунёга таратаётганлиги, эндиликда ёшларимиз олдида турган вазифалар шу мустақилликнинг ҳар томонлама мустаҳкамланиб, она Ватанни ҳар қандай офат – маломатлардан кўз қорачиғидек сақлаб, унинг моддий ва маънавий бойликларини мустаҳкамлашда ҳар бир ёш ўз улушини қўшмоғи ва она Ватан тинчлиги – мустақиллигини сақлаш-мустаҳкамлашда ҳамиша Огоҳ бўлишларига даъват этишдан иборатдир.

г) Дарсда ривожлантириб бориладиган таълим: Дарс жараёнида ўқитувчи талабаларни «Миллий истиқлол ғояси», «Маънавият асослари», Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Инсон ҳуқуқлари, «Шахс ва жамият» курси, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш, Президент Ислом Каримов асарларидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларида сўзлаган нутқлари, оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларини ўрганишга бағишланган махсус курслардан олган билимларига интеграцион ёндошган ҳолда имконияти борича миллий истиқлолимиз даврида мамлакатимизда ижтимоий-маънавий соҳада амалга ошириб келинаётган қуйидаги йўналишлар бўйича олган билимларини савол-жавоблар йўли билан янада ривожлантириб боришга ҳаракат қилади:

- инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва бошқа манфаатларини олий кадрият сифатида устуворлигини таъминлаш;
- маънавиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш;
- виждон ва эътиқод эркинлигини қарор топтириш;
- ижтимоий адолатни қарор топтириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш;

- сифатли тиббий хизматни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш;
- таълим-тарбияни тубдан ислоҳ қилиш орқали замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш;
- одамларнинг ўз истеъдодини намоён этишлари учун зарур ўрт-шароитларни яратиш.

Дарснинг баён этилиши:

а) Жаҳон давлатчилиги тарихида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласининг қўйилиши.

Мазкур ўринда ўқитувчи талабалар диққат-этиборларини чор ҳукуматининг Туркистонни забт этганларидан кейинги давр маҳаллий аҳолига нисбатан ижтимоий ёрдам бериш борасидаги қуйидаги ғайриинсоний сиёсатларини аниқ рақамлар ва исбот-далиллар асосида шарҳлаб беришга ўтади.

Маълумки, чор Россияси Ўрта осийни босиб олганидан кейин Туркистон халқларининг ижтимоий жихатдан ҳимоясига ҳеч қандай аҳамият бермади. 1877 йилда таъсис этилган Тошкент шаҳар Думаси фаолияти эса ҳар томонлама чегараланган бўлиб, унинг у ёки бу масаладаги қарори фақат генерал губернатор тасдиғидан ўтгандагина кучга кириши мумкин эди. Туркистон ўлкасида нафақа бериш қуйидагича эди. Императорнинг 1882 йил 9 августидagi буйруғига асосан Худоёрхоннинг иккинчи хотини Мунис пошша, унинг ўғли Сайд Умарбекка ва Худоёрхоннинг учинчи хотини Моҳбегимга ўша пайтдаги пул ҳисобида 350 сўмдан умрбод нафақа тайинланган эди.

1899 йил 29 мартда рус императори мустамлакачилар армияси сафида уларнинг ўлкадаги босқинчилик сиёсатларини жон-дил билан адо этиб келган ўзбек – полковник Бобобековнинг вафотидан сўнг унинг оила аъзоларига йилига 2000 сўмдан нафақа белгиланган.

Чор ҳокимияти даврида – 1882 йилдан 1909 йилгача Сирдарё қиёти бўйича 14 кишига нафақа белгиланган. Шу 14 кишидан 4 таси Қўқон хонининг хотинлари ва ўғиллари бўлиб хоннинг қариндоши Носирхон Сўфихонов, юзбоши, волость бошлиқлари ва маҳаллий ҳарбий хизматчилар бўлган.

Рес императори 1882 йил 9 августдаги фармони билан қуйи табақалари маҳаллий халқдан 1875-76 йилларда рус аскарлари сафида Қўқон хони билан бўлган жангда ҳалок бўлган Муқим Танабоев учун унинг онаси Жуманга 42 сўм 90 тийин, Қўмитбой Буксаевнинг онаси Олтинойга 21 сўм 45 тийин ва Таноқбой Суюнчибоевнинг хотини Масиқойим Суюнчибоевага 42 сўм 20 тийиндан нафақа белгилади.

Шу фармон билан Фарғона вилоятида яшовчи 9 кишига ҳам пенсия тайинлади. Бундай фармон билан Чоризм маҳаллий халқни ўз манфаатига хизмат қилдиришга ундаш эди. Дарҳақиқат, нафақа олувчиларнинг ҳаммаси хоннинг қариндошлари, волость бошлиқлари ва императорнинг ҳомийлари эди.

Архив ҳужжатларида қайд этилишича 1882 йилдан 1909 йилга қадар Самарқанд вилояти бўйича фақат икки кишига нафақа тайинланган. Бу нафақа ҳам маҳаллий аҳолидан олинадиган солиқлар эвазига берилган. Чор ҳукумати ўлкада йиғиб олган солиқларнинг умумий миқдоридан 0,8 фоизнигина нафақа учун берар эди холос.

Келтирилган бу жонли далиллар Туркистон меҳнаткашларининг рус мустамлакачилари томонидан нақадар шафқатсизларча эксплуатация қилиб келганликларининг яққол ифодасидир. Мустамлакачилик йилларида чор ҳукумати айниқса халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ишларига деярли ҳеч қандай эътибор бермади.

1910- 1912 йилларда бутун Туркистон халқ маорифи учун 266.014 сўм маблағ ажратилган бўлса, шундан Сирдарё вилоятига 186.710 сўм, Фарғона вилоятига 40.489 сўм белгиланган.

1910-1912 йилларда мустамлакачилар Туркистон ўлкаси бўйича руҳий касалликларга чалинган фуқароларга ва уларни даволаш харажатларига 33.525 сўм маблағ ажратган холос. Самарқанд вилоятига тиббий асбоб-ускуналарни харид қилиш учун эса, кўп эмас, оз эмас 50 сўм ажратилган!!!

1917 йил октябридаги Петрограддаги қонли давлат тўнтарилиши Туркистондек собиқ чор мустамлакасини ҳам четлаб ўтмади. Бу ерда ҳам ҳокимият шўролар қўлига ўтди. Шўроларнинг Туркистон ўлкасидаги аҳолини ижтимоий муҳофазаси масалалари дастлаб янги шаклланган мустамлакачиларнинг қўйидаги ҳужжатларида ўз ифодасини топди (қўйидаги ҳужжат кадоскоп орқали экранда кўрсатилади).

Туркистон ўлка халқ Комиссариатининг ўлка халқ Комиссариати бўйича Буйруғи

13 май, 1918 йил № 9.241, Тошкент ш.

«Бошпанасизлар ва боқимсизлар Халқ комиссариати» деган номни социалистик ижтимоий таъминот муҳтожларга фақатгина ҳайр-эҳсон ва садақа этишга асосланиб келганлиги жоиз, Туркистон Халқ Комиссариати қарор қилади:

«Давлат бошпанасизлар ва боқимсизлар Халқ Комиссариати бўлими» эндиликда «Халқ ижтимоий таъминот бўлими» деб қайта номлансин.

Бошпанасизлар ва боқимсизларга тегишли ҳамма жорий ишлар соғлиқни сақлаш Комиссариати ва фуқаролик маъмурий муассасаларидан олиниб, Меҳнат Комиссариатига ўтказилсин. Туркистон злка халқ комиссарлари Кенгаши Раиси Феодор Колесов.

Соғлиқни сақлаш Комиссари Турсунхўжаев.

Кенгаш котиби Петренко

(Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви: Фонд 25, опись 1, дела 35, лист 278.

Мазкур тарихий ҳужжат изохланиб бўлгач, ўқитувчи талабалар диққат-эътиборларини муқаддас ислом динининг беш устунидан тўртинчиси – ҳар бир инсоннинг моли (бойлиги) ҳисобга етгач иқтисодий жиҳатдан муҳтож бўлган бева-бечораларга моддий ёрдам беришига даъвати бугунги дунёдаги ҳар қандай экстремистик ғоялар, мақсадлардан фарқли ўлароқ умуминсоний кадрият бўлиб келганлигини ва ўтмишда ота-боболаримиз ана шундай талабларга оғишмай амал қилиб келганликларига жалб этилади. Шундан кейин талабалар (тингловчилар) диққат – эътиборлари аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашда Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда бутун дунё давлатчилиги назарияси ва амалиётида катта ижобий баҳоланаётган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилайдиган «Ўзбекистон модели» кодоскоп орқали беш бандига жалб этилиб, улардан айниқса тўртинчи банди кенг изохланади.

Ўқитувчи мазкур дарс жараёнида талабалар (тингловчилар)га аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоясига доир тэтчеризм концепцияси борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини бобомиз Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларининг умуман дунё динларидаги таркидунёликка (дарвешлик, монахлик) қарши тариқатлари – меҳнат қилишга қодир бўлган ҳар бир инсон учун «Даст ба кору, дил ба Ёр» яъни «имкони бор ҳар бир инсоннинг қўли меҳнатда бўлсину қалби Оллоҳда бўлсин!» деган ҳикматларини шархлаш билан якунлайди.

Эндиги навбатда ўқитувчи талаба (тингловчи)лар диққат-эътиборларини дарснинг баён этиш режасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (IX-X боблар) аҳолини кучли ижтимоий ҳимояланишини қонун билан мустаҳкамланганлигини ифодаловчи моддаларининг кадоскоп орқали экранда кўрсатиш ва ҳар бир моддани шархлашга ўтади. Жумладан, қуйидаги моддалар:

39-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилгандек тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

41- модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

45-модда. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга доир юқоридаги моддаларини экран воситасида кўрсатиб, шарҳлаб берилгач, эндиги навбатда талаба (тингловчи)ларга миллий мустақилликка эришганимиздан кейин ўрганилаётган масалалар хусусида соҳалар бўйича қўлга киритилган ютуқларимиз яна кадоскоп орқали экранда намойиш этилиб, талабаларнинг конспект ёзишларига имкон яратиб беради, факт ва рақамлар атрофлича шарҳлаб берилади.

Энди талабалар диққат эътибори дарс режасининг Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги йилларида қўлга киритган ютуқлар ва уларнинг шарҳига қаратилади.

Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, шунингдек Жаҳон ҳамжамиятлигига қўлга киритган беназир ютуқларини сарҳисоб этиб кўрсатар эканмиз, Ёбу жараёнда юртбошимизнинг келажагимиз пойдевори бўлмиш ёшларимиз тўғрисидаги ғамхўрликларини ифодаловчи қуйидаги ҳаракат дастурлари мазмун моҳияти билан ўқувчиларга муфассал таништиришимиз ва умумлаштиришимиз талабга мувофиқдир.

«Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайрат шажоатли шахсларни ўз мамлакатимизнинг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятларини улкан маънавий мерослар билан бойита оладиган жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкин».

Президент Ислон Каримов

Мазкур ўринда ўқитувчи талабаларга илгаридан тайёрлаб қўйилган тарқатадиган дидактик материаллар асосида қуйидаги муаммоли саволларни ўртага ташлади:

1. Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш деганда нимани тушунаси?
2. 1994 йил 24 августда Президентнинг «Кам таъмин этилган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармоннинг мазмуни нимадан иборат?
3. Жамиятни демократиялаш ва кенг қўламдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳатида Ўзбекистон моделининг моҳияти нимадан иборат?
4. 1996 йил 10 декабрида «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармонининг мазмуни нимадан иборат?

Синфга берилган муаммоли саволнинг биринчисига талабалар томонидан берилган жавоб ўқитувчи томонидан тахминан қуйидаги формада умумлаштирилган ҳолда баён этилади.

«Ижтимоий таъминот» деганда давлат томонидан яратиб бериладиган ҳаётий фаолият учун зарур бўлган эҳтиёжни моддий томондан қондириш мақсадида моддий ва бошқа ижтимоий ҳимоя қилиш тушунилади. Бунга пенсия нафақа ва ижтимоий ночор фуқароларни пул ва шунга ўхшаш шакллардаги моддий таъминотлар билан таъминлаш киради.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта тамойилларидан бири давлат фаолиятини иқтисодий ва ижтимоий ислоҳ қилишга асосланган кучли ижтимоий сиёсат ҳисобланади. Давлат органлари жумладан, Президент, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, ҳокимиятлар, маҳаллий вакиллик органлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўз ваколатхоналари доирасидан фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни амалга оширадилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда айнан шундай вазифаларни амалга оширишга қаратилган махсус давлат органлари бу ижтимоий таъминот вазирлиги ва унинг жойлардаги тегишли органларидир. Шунингдек республикамызда Пенсия фонди, Болалар фонди «Маҳалла фонди» ва бошқа фондлар ташкил этилиб улар самарали фаолият олиб бормоқда. Республика Президенти фармонида кўра фуқароларнинг ижтимоий таъминоти билан шуғулланиш вазифаси билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилган.

Табиийки, ўқитувчи Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилашда аҳолини кучли ижтимоий ҳимояси хусусидаги фикри – «Ишончли ижтимоий кафолатларни ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чораларини таъминлаш бозор ўзгаришларининг ҳамма босқичлари орқали ўтади ва жамиятимизни янгилашдан иборат ғоят кенг жараённинг бошқа йўналишларини ҳам камраб олади» деган кўрсатмаларини баён этиб шархлашдан сўнг талабаларга берилган тарқатма материаллар мазмунидан келиб чиқиб иккинчи муаммоли саволнинг шарҳига ўтади.

2006 йилни юртбошимиз томонидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш кўплаб янги ишчи жойларини бунёд этиш, мамлакатимизда ишсизлар сонини камайтириш, уй шароитида айниқса хотин-қизларнинг касб фаолиятлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг ёшлари нафақа олиш даврига етқунига қадар иш стажлари қайд этиладиган меҳнат дафтарчаларининг жорий этилиши, чорвачилик билан шуғулланиб келаётган юртдошларимизга пенсия ёшига етқунига қадар взнослар тўлаб боришларини қонунийлаштириш каби ижтимоий тадбирлар амалга оширилди.

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши катта тарихий аҳамиятга молик. Президент Ислон Каримов бу соҳа бўйича бир қатор вазифаларни белгилар экан:

«Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожини учун мустаҳкам ва барқарор пойдевор яратилганини ҳамда шаклланиб бораётган тенденцияларни

инобатга олган ҳолда, биз ўз олдимизга 2007 йилда ўртача иш ҳақини камида учдан бир миқдорда, 2010 йилга бориб эса, яъни уч йил давомида уни 2,5 баробар ошириш вазифасини қўймоқдамиз» деди.

Мазкур ўринда ўқитувчи талабаларга илгаридан тайёрлаб қўйилган тарқатиладиган дидактик материаллар асосида қуйидаги муаммоли саволларни ўртага ташлайди:

1. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиз» деганларида қандай вазифалар ҳақида гап боради ва уларнинг ечими нималардан иборат?

2. Президент Ислом Каримов томонидан 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши ўзбек халқининг қадим замонлардан буён саҳоватпеша эканликларини яна бир бора тасдиғи бўлаётганлигини реал ҳаётимиздаги исботини нималарда кўрдингиз?

3. Нима учун 2007 йилни юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди?

4. Нима учун 2007 йил таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти – Айсеско (Isesco) томонидан Тошкент шаҳри «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон ыилинди?

Ўқитувчи дарсни яқунлар экан талаба (тингловчи) лар томонидан дарс (баҳс) давомида берилган саволларга жавоб бериб, машғулот давомида ўртага ташланган муаммоли саволлар жавобини шарҳлаб яқунлайди. Уларнинг олган баҳоларини изоҳлаб эълон қилади, шундан сўнг мазкур мавзуда ўқувчилар (тингловчилар)нинг уй вазифаси сифатида тайёрлайдиган мустақил ишлари (рефератлари) учун фойдаланишлари лозим бўлган ва илгаридан кўчма доскага ёзиб қўйилган адабиётлар рўйхатини яна бир бора эслатиб ўтади.

**7 - §. «Миллий истиқлол ғояси» фанини ўқитиш жараёнида
дарсдан ташқари машғулотлар тизимини такомиллаштириш
методикаси**

*“Демократик жамиятнинг шаклланиши
бир лаҳзада рўй берадиган жараён бўлмасдан,
авваламбор одамлар онги ва тафаккурида
янгиланиш ва демократик қадриятларни
мустаҳкамлаш билан боғлиқ, узоқ ва давомли
жараёндир. Ҳаёт юриши ва тараққиёти билан
демократик ўзгаришлар, жамият демократик
қадриятларининг тобора юксалиши давом
этаверади”.*

Ислом Каримов.

Миллий мустақиликка эришганимиз муносабати билан нафақат академик лицейлар, касб-хунар коллежларида, балки умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида дарсдан ташқари машғулотларни кадрлар тайёрлаш жараёнида тинмай такомиллаштириб бориш мамлакатимизда Давлат сиёсати даражасида олиб борилмоқда. Жумладан, бу борада “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да масала шундай қўйилади:

“Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилмаси ва мазмун даражасини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун куйидагиларни амалга ошириш керак:

- таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш;

- миллий педагогик кадриятларга асосланган ва жаҳондаги илғор тажрибани инобатга олувчи дастурлар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;

- ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан халқ хунармандчилигининг мавжуд турлари ва шакллари тиклаш ҳамда, амалиётга жойи этиш” лозимлиги алоҳида қайд этиб ўтилган.

Ҳукуматимиз томонидан ёш авлодни таълим-тарбия бобида дарсдан ташқари вақтларини, уларнинг замонавий комил инсонлар этиб тарбиялашда республикаимиз илғор педагоглар аҳли олдида қўйган бундай мураккаб вазифаларини амалга ошириш, ушбу камтарона тадқиқотнинг асл мотивацияси ҳисобланади.

Хўш, таълим-тарбия жараёнида муҳим рол ўйнайдиган бу муаммо бугунги кунда республикаимиз таълими тизимида қай даражада ривожланиб бормоқда?

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2005 йил 5 июлдаги «Мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили якунлари ва ривожлантириш истиқболлари тўғрисида»ги буйруғида қайд этилишича ўқувчиларни мактабдан ташқари таълим муассасаларига фаол жалб этишда муайян ишлар қилинганлиги қайд этилган. Шунингдек, мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳуқуқ тарғибот органлари билан ҳамкорликда “Диний экстремизм, терроризм ва гиёҳвандлик – ҳаёт кушандаси”, “Терроризм ва гиёҳвандлик – XXI аср вабоси”, “Ўз ҳуқуқингни ўзинг биласанми?”, “Терроризмнинг мудҳиш оқибатлари” мавзуларида учрашувлар, маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирокида давра суҳбатлар ўтказилган.

Мактабдан ташқари муассасаларда ўз йўналишлари бўйича 121 та музей ташкил этилган.

Мазкур буйруқда мактабдан ташқари таълим бобида катта назарий ва амалий ишлар олиб борилаётганлигига қарамасдан камчиликлар ҳам алоҳида қайд этилган. Жумладан, Республика бўйича мактабдан ташқари таълим муассасаларига ўқувчиларни жалб этиш 8,7 % ни ташкил этган ҳолда, бу

кўрсаткич Тошкент вилоятида 6,3 % ни ташкил этганлиги, мактабдан ташқари таълим муассасаларида тўғарак машғулотларида болалар давоматининг пастлиги, сунъий равишда ўқувчилар давоматини ошириб кўрсатиш ҳолатлари, Республика мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўз йўналишлари бўйича илғор иш тажрибаларини оммалаштириш ҳамда жойларда илмий-методик ёрдам кўрсатишда сусткашликларга йўл кўйганлиги қайд этилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, «Мактабдан ташқари таълим» тушунчаси билан бирга, «дарсдан ташқари ишлар» тушунчаси мавжуд. Умумтаълим мактаблари системасида мавжуд бўлган «Мактабдан ташқари таълим муассасалари» ўзида қатор мустақил таълим-тарбияга бевосита алоқадор бўлган муассасаларни ўз ичига олади. Чунончи, Республика ўқувчилар саройи, Республика ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази, Республика ўқувчилар техник-ижодиёт маркази, Республика таълим маркази ва унинг қошидаги Илмий-методик кенгаши, Республика «Био экосан» ўқув-услубий мажмуи муассасаларида Республика миқёсида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тасарруфида фаолият олиб боради.

Мазкур таълим муассасаларининг талабалар билимини такомиллашуви ва айниқса онгли касб-ҳунар эгаллашларидаги ўрни ва ролини нақадар улкан эканлигига гап йўқ. Бироқ, шунга қарамасдан ўқувчиларимиз кўп ҳолларда умумтаълим мактабининг 9-синфини тамомлаб, ЎМКХ таълими тизимига ўқишга кирганларидан кейин уларнинг мактабдан ташқари муассасалар билан алоқалари деярли узилади. Бу деган сўз 9-синфни тамомлаб, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежига ўқишга кирган талаба бир томондан гўё таълимнинг узлуксизлигини шараф билан бажо келтирди. Хўш, дарсдан кейинги машғулотлардаги узлуксизлик қаерда қолди? Ҳолбуки, юқорида кўрсатганимиздек, Республика ўқувчилар саройи, Республика ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази, Республика “Био экосан” ўқув-услубий мажмуаси, Республика ўқувчилар техник-ижодиёт маркази, ЎМКХТ академик лицейлар онгли касб танлашлари ва унинг давр талаби даражасида яна такомиллаштириб – эгаллаб боришларида бениҳоят катта аҳамият касб этарди. Фикримизча, бу борада Республикаимизнинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Халқ таълими вазирликларининг соҳа мутахассислари орасида интеграцион ҳамкорлик янада такомиллаштирилса комил инсонни тарбиялаб, вояга етказиш йўлидаги умуммиллий мақсадимизни амалга оширишда беназир имкониятлар чратган бўлур эдилар.

Шундай экан, биз педагоглар биринчи галда таълим-тарбия жараёнини том маънода демократлаштириб бориб, Президент И.Каримов ибораси билан айтадиган бўлсак, Давлат ва жамиятни бошқаришни эркинлаштириб бориб, мазкур ўринда алоҳида олинган муаммо – миллий истиқлол ғояси фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда биргина маълум бир доирадаги муаллифлар жамоасига мақбул бўлган «Дастур» ва «Ўқув қўлланма» ларга догматик муносабатда бўлиб, уларгагина ёпишиб қолмасдан, аксинча уларга ижодий ёндашиб, вариатив муносабатда ёндашишимиз бугунги давр талаби

эканлигини шунингдек, ўқув жараёнини демоекратлаштириш билан унинг ижодий ривожлантириб бориш узлуксиз жараён эканлиги таълим-тарбиянинг бизни ўраб турган жўшқин жараён эканлигини асло унутмаслигимиз керак.

Мазкур ўринда ёшларимизда миллий истиклол ғоясини самарали шакллантириб боришда, таълимнинг ёшларимизни ўраб турган ижтимоий ҳаёт билан бевосита боғлаб бориш, узок ўтмишимиздан буён ота-боболаримиздан бизга ўтган мерос бўлиб келаётган беназир тарихий ёдгорликларимизни кузатилган мақсадимизга мувофиқ мукаммал ўрганиб боришимиз Президент И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган концепция – «Тарихий хотирасиз – келажак йўқ» лигига оғишмай амал қилиш айна муддаодир.

Шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, ўзбек халқи томонидан асрлар давомида яратилган ва миллий бойлигимиз бўлган ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш маънавий дастуримизнинг ажралмас қисми бўлиб қолган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маданий ёдгорликларни қўриқлаш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугунги кунда республикада 7000 дан ортиқ тарихий ёдгорликлар, шу жумладан 2500 та архитектура ёдгорликлари, 2700 дан зиёд археология ва 1000 дан ортиқ маҳобатли санъат ёдгорликлари давлат ҳимоясига олинган. Энг кўп тарихий ёдгорликлар тўпланган Ўзбекистоннинг 10 та шаҳри тарихий шаҳарлар рўйхатига киритилган. Улар орасида Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Қўқон ва бошқалар бор. Хива, Бухоро, Самарқанднинг тарихан шаклланган шаҳар марказлари тарихий архитектура қўриқхоналари деб эълон қилинди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Хивадаги «Ичан қалъа» қўриқхонасида (1991), Бухоро тарихий марказида жойлашган ёдгорликлар (1993), Шаҳрисабз шаҳридаги Темур ва Темурийлар даври меъморий ёдгорликлари (2001), Самарқанд шаҳри марказидаги тарихий ёдгорликлар (2002) Халқаро Жаҳон Маданий Мероси рўйхатига киритилган.

Сўнгги 10 йилликда Маданий ва Тарихий ёдгорликларни қайта рўйхатга олиш ишлари натижасида XX асрнинг 90 йиллари охирида уларнинг 7612 таси ҳисобга олинган бўлса, шулардан 1595 тасини Меъморий ёдгорликлар, 3106 тасини маҳобатли санъат асарлари, 2115 тасини археология ёдгорликлари ташкил этади. Улардан 1831 таси Республика миқёсида давлат муҳофазасига олинган бўлиб, 513 таси меъморий обидалар, 98 таси маҳобатли санъат асарлари, 1213 таси археологик ва 27 таси тарихий ёдгорликлардир.

Бу маълумотлар мамлакатимизнинг бутун ҳудуди қадимий маданият ва цивилизация ўчоғи бўлганлигидан далолат беради. Бундай ёдгорликлар айниқса Самарқанд (997), Бухоро (804), Қашқадарё (592), Тошкент (562), Фарғона (512) вилоятларида кўп.

Эндиги вазифамиз ёш авлодга «Миллий истиклол ғояси» фани асосларидан таълим-тарбия бериш жараёнида, айниқса синфдан ташқари

машғулотларни ташкил этиш ва бошқаришда ота-боболаримизнинг қолдирган тарихий меросларидан уларда миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва ўқувчиларнинг бу фандан олган назарий билимларини уларнинг кундалик амалий фаолиятларида қўллай билишларига, қолаверса уларда “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслик” ғояларини мустаҳкам шакллантириб боришда айна муддаодир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ҳар ойнинг охириги жума куни «Маънавият куни» деб эълон қилинганлиги, «Миллий истиқлол ғояси» фанидан дарс берадиган ўқитувчиларни ҳам ўзларининг педагогик фаолиятларида мазкур қарорни турмушга тадбиқ этишда ўз ҳиссаларини қўшишлари шарт эканлигини тақозо этади. Жумладан, ўқитувчилар ўз педагогик фаолиятида «Миллий истиқлол ғояси»ни ўқитишга тааллуқли илмий-методик ва дидактик тадбирларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириб боришда «Дарсдан ташқари» машғулотлар масаласига келганда ойда бир марта жума кунлари ўтказиладиган «Маънавият куни»да ўқувчиларни республикамызда мавжуд бўлган, айниқса мустақиллик йилларида бунёд этилган кўпгина тарихий ёдгорликлар билан таништириб бориб, уларда миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш руҳини камолга етказишда катта аҳамият касб этадиган, Ватан манфаатини ўз манфаати деб англайдиган ёшлар этиб тарбиялаш учун уларнинг дарс жараёнида олган назарий билимларини амалиётда тарихий экскурсиялардавомида аниқ тарихий манбалар ва ашёлар воситаларида амалиётда исбот-далиллар билан бойитишга ҳаракат қиладилар. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилдаги “Музейлар фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида алоҳида қайд этилганидек, музейлар халқимизнинг маънавий-ахлоқий ғурур ва ифтихорини, миллий истиқлол ғоялари ва мафкураларига садоқат, шунингдек она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиш ва камол топтиришда зарур восита эканлиги биз педагогларни, айниқса миллий истиқлол ғояси фанидан дарсдан ташқари машғулотлар олиб бориш жараёнида Республикамызда мавжуд бўлган турли музейлар, экспонатлардан мақсадга мувофиқ фойдаланишга даъват этади.

Энди қуйида “Миллий истиқлол ғояси” фанидан ўқувчиларга Ватанамизнинг бой маданий мероси, обидалари, айниқса миллий мустақиллигимиз йилларида бунёд этилган айрим тарихий ёдгорликлар мажмуи билан танишиш мақсадида олиб борилган амалий ишлардан намуналар келтирилади.

Биринчи галда ўқув йили бошида “Миллий истиқлол ғояси” фанидан дарс соатлари тақсимотини ишлаб чиқиш жараёнида, мазкур фанни ўқитиш, самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш, ёшларда миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантиришни давр талаби даражасига кўтариш мақсадида “Таълимдан ташқари ишларни тизимли равишда амалга оширишни такомиллаштириш”нинг қуйидаги режаси тузиб чиқилади.

1. “Миллий истиқлол ғояси” фанининг асосчиси Президент Ислом Каримовнинг асарлари, нутқлари. Оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюларини атрофлича ўрганиш, уларда илгари сурилган илмий-назарий тамойилларни ҳар бир ўқувчи онгига оператив равишда етказиш мақсадида “Ёш сиёсий шарҳловчилар” тўғарагини тузиш самарали натижалар беради. Мазкур тўғаракда, шунингдек оммавий ахборот воситаларида кўтарилган айрим муҳим масалалар ҳам атрофлича таҳлил этилиб, ўқувчиларнинг кенг оммаси муҳокамасига тавсия этилди. Лозим топилса Халқаро майдонда содир бўлган масалаларга бағишлаб ўтказилган тадбирларда мавзуга бағишланган рефератлар ҳам тайёрланади ва ҳимоя қилинади.

2. Ҳар бир ўқувчига “Ўзбек модели”нинг асосий тамойилларидан бири бўлмиш “Қонун устуворлиги”, мустақил Ўзбекистонимизда “Қонуний демократик жамият қуриш” асослари системали равишда сингдириб бориш мақсадида “Ёш ҳуқуқшунослар” тўғарагини ташкил этиш. Тўғарак фаолиятига масъуллик ижтимоий фанлар кафедрасида ҳуқуқшунослик фанларидан дарс берадиган педагогга юкланади.

3. Дарсдан ташқари вақтда ўқувчиларни мамлакатимиздаги тарихий ёдгорликлар, маърифий-маданий масканлар, санъат қошоналари, айниқса мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар билан атрофлича таништириш мақсадида тарихий экскурсиялар уюштиради.

4. “Ёш ўлкашунослар”, “Ёш ватанпарварлар” тўғаракларини ташкил этиш.

5. Ўқувчиларга ўз маҳаллалари, қишлоқлари, туманлари тарихи мавзусида реферат ёзишни топширади.

6. Маҳалла фаоллари, оқсоқоллари иштирокида “Маҳалламиз тарихидан” мавзусида давра суҳбати ўтказилади.

7. “Диний экстремизм нима?” мавзусида Ўзбекистон Республикаси, вилоят, туман ИИБ раҳбар-вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ўтказиб боради.

8. Ўқув юрти кутубхонасида тарихий саналарни нишонлашга бағишланган китобхонлар конференциясини ўтказилади.

9. “Огоҳми биз?” мавзусида суҳбат. Бу тадбир ижтимоий фанлар кафедраси мудир ва аъзолари томонидан олиб борилиши талабга мувофиқ бўлади.

10. Тарихчи-археолог олимлар билан “Ватанимизнинг ўтмиши ва бугунги истиқболлари” мавзусида суҳбат ўтказиш.

11. Республикамиз қуролли кучлари, ИИБ, Давлат хавфсизлиги кўмитаси ходимлари, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида “Ватанни севмоқ иймондандир!” мавзусида давра суҳбати ўтказиш.

12. “2005 йил нима учун Сihat-саломатлик йили деб эълон қилинди?” мавзусида туман, “Камолот”, ЁИХ ташкилотлари раҳбарияти иштирокида давра суҳбатини ўтказиш.

13. 2006 йилнинг “Шифокорлар ва ҳомийлар йили”, 2007 йилнинг “Ижтимоий ҳимоя йили” деб белгиланиши муносабати билан суҳбатлар, учрашувлар, кечалар уюштириш.

Инсон шахсининг камол топиши жуда мураккаб ва узлуксиз жараён давомида шаклланади. Унинг тарбиясига ота-онаси, мактаб, маҳалла, дўстлари, жамоат ташкилотлари, атроф-муҳит, оммавий ахборот воситалари, санъат, адабиёт, табиат ва ҳоказолар бевосита таъсир кўрсатади.

Ўқувчи-талабаларга миллий истиқлол ғоясини таълимдан ташқари ишлар орқали сингдиришнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

- ёшларни эркин фикрлашга ўргатиш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишига кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишини шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

- ўқувчиларни миллий, умуминсоний қадриятлар, Ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, ўстириб-бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларини шакллантириш;

- ҳар бир ўсмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш, инсон фаолиятини турли соҳаларда жорий қилиб кўриш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада кўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш;

- инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш (бир-бирини тушуниш, меҳрибонлик, шафқатлилиқ, ирқий ва миллий камситишларга қарши кураша олиш), муомала одоби каби тарбия воситаларини кенг қўллаш;

- одамлар билан ўзаро муносабат – мулоқотни ўрганиш, ўз халқига, давлатига, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, ёш авлодни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Байроғига, Гербига, Мадҳиясига, Президентиға садоқатли қилиб тарбиялаш;

- қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи. Инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш учун фидойиликни, экологик таълим-тарбияни амалга ошириш;

- мустақил давлатимиз – Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига қизиқишни ошириш. Унинг тинчликсеварлик, демократия ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ошкора-очик ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушунтириш;

- турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий ёндашиш фазилатларини шакллантириш;

- соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;

- ёшларимизни эркин ва мустақил фикрлашга ўргатиш.

Таълимдан ташқари тарбиявий ишлар ўқувчи-талабаларнинг қизиқиши, истаклари, хоҳиш ва эҳтиёжларига суянган ҳолда, уларнинг дарсдан бўш вақтларида ўқув-тарбия жараёнини тўлдиради. У ўқувчи-талабаларнинг ижодий қобилиятларини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Таълимдан ташқари ишларнинг ўзига хослиги шундаки, тўғарак, клуб дастурларининг ранг-баранглиги, улар мазмунидаги янгиликлар йиғит-қизларнинг ижтимоий шахс сифатида шаклланишлари учун қатор имкониятлар яратади.

Таълимдан ташқари ишларни амалга ошириш орқали ўқувчи-талабалар ўртасида миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилиш, шакллантириш имкониятлари мавжуд бўлиб, уларни такомиллаштириш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин.

Ўқувчи-талабаларнинг бир кунлик вақт бюджети: ўқув ва дарсдан ташқари вақт социологиясини аниқлаш ва шу асосда таълимдан ташқари ишларни самарали ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Дарсдан ташқари маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда: танловлар, клублар, бадий ҳаваскорлик, учрашувлар, баҳслар, спорт мусобақалари, давра суҳбатлари, тренинглар ва ҳ.к., усуллари: ишонтириш, намуна кўрсатиш, ўрганиш, машқ қилдириш, рағбатлантириш, иллатларга салбий муносабат билдириш, мунозаралар, кузатиш, тренинг, жамоавий ижодий фаолият, “мафкуравий вазият”, ҳаракатли, тақлидли, ролли ўйинлар ва ҳ.к.лардан самарали фойдаланиш лозим.

Ўзбек оилаларидаги китобга муҳаббат, китобни асраб-авайлаб сақлаш ва китобхонлик ҳалқимиз маънавий камолотида муҳим аҳамият касб этган фазилатга айланган.

Чунки кишининг ўзини-ўзи тарбиялашида китоб ҳам билим манбаи, ҳам ўзингизни кўриш, таққослаш, тақлид қилиш, мунозара юритиш, баҳслашишда маълум даражада кўзгу вазифасини ўтайди. Китобхонлик мушоҳада ва мулоҳаза юритиш иқтидорини шакллантиради, фикрни чархлайди, теранлаштиради. Таълимдан ташқари ишларда ёшларни китоб мутола қилишга даъват этиш, уларнинг китоблардан фойдаланиб ўз устида ишлаш имкониятларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий жойлар, осори атиқалар, ёдгорликлар, зиёратгоҳлар билан танишиб, уларни ўрганишга ўқувчи-талабалар жалб этиш зарур. Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Музейларга ўқувчи-талабаларнинг ташрифини уюштириб бориш анъанага айланиши керак.

“Менинг давлатим”, “Менинг халқим”, “Менинг Ватаним”, “Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам бўлмаймиз ҳам” ва шу каби мавзуларда турли

маърифий тадбирлар ташкил этиб, уларда талаба-ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш лозим.

Туман, шаҳар, вилоят ва республика маънавият-маърифат марказлари, олийгоҳлар, илмий текшириш институтлари, музейлар, саёҳат муассасалари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйиши зарур.

Музейлар, тарихий жойлар, завод-фабрикалар, санъат даргоҳлари, концерт заллари, театр, телевидение ва ҳоказоларга саёҳат дарсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Тарихий жойларга саёҳат ўзига хос маънавий-маърифий иш услуги бўлиб, ўқувчиларга ўрганилаётган объектни бевосита кўриш, кузатиш ва улар тўғрисида мукамал, тўлиқ маълумотлар олиш имконини беради. Бу дарс афзаллигининг яна бир томони бўлиб, ўрганилаётган объект тўғрисида илгариги мавжуд билимларини тўлдириш учун қиёслаш, таҳлил қилиш шароитини яратади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудий бирликларида саналар, номлар, тарихий воқеалар, даврлар билан боғлиқ жойлар мавжуд. Улар кўча, тепалик, бино, сой, ариқ, қишлоқ, овул, маҳалла бўлиши мумкин. Саёҳатларни ўқув муассасасига яқин, ўқувчиларнинг яшаш жойларида уюштириш қатор қулайликларга эга.

Учрашувлар, танишувлар, кўргазмалар, кўрик-танловлар ташкил қилиш миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришда муҳим аҳамиятга эга. Миллий истиқлол ғоясини ўқувчиларга сингдиришда жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар алоҳида аҳамиятга эга. Улар халқ севган адиблар, санъат усталари, ҳуқуқ органларининг вакиллари, Ватан қаҳрамонлари, ҳарбийлар, солиқ, меҳнат бўлимларининг ходимлари, сиёсий партияларнинг вакиллари, олимлар, сиёсатчилар ва спортчилар бўлиши мумкин. Бундай жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ҳаёт тажрибалари хусусида жонли мулоқот юритишга имкон беради. Улар билан мулоқот орқали ўқувчи-талабалар ўзларини қийнаётган, қизиқтирадиган саволларга бевосита жавоб оладилар. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти Ватан учун хизмат қилиш ғоясига яққол мисол бўлиб, ўқувчиларни ана шу йўсинда яшашга ундайди.

Фан бўйича тўғараклар ташкил этиш ва уларнинг муттасил ишлашини таъминлаш миллий истиқлол ғоясини ўқувчилар онгига сингдиришда муҳим таълим-тарбия жараёни ҳасобланади.

Тўғараклар ва ёшлар клубларида кўрик-танловлари ёки конференциялар, фотосуратлар, альбомлар, расм чизиш, кашта, сўзана ва бошқа миллий ҳунармандчилик ишларини намойиш қилиш билан ҳам миллий истиқлол ғояси тушунчалари сингдирилиши мумкин.

Ёшларнинг тўй-маъракаларда, оммавий сайиллар, байрамларда иштироки асосида маҳаллада ўзини тутишни, каттага ҳурмат, кичикка иззатни, яхши-ёмон кунларда елкадошликни ҳис қилишни ўргатиш орқали миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларидан бўлган миллий ва

умуминсоний кадриятларга муносабатни шакллантиришга эътибор қаратиш лозим.

8 - §. «Мустақиллик ва Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият» мавзуси бўйича услубий ишланма

Машғулот мақсади:

1. Таълимий:

1. Ўқитиш:

1. Марказий Осиёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида тушунча.
2. Мустақиллик ва унга эришишда босиб ўтилган машаққатли йўл.
3. Жамият ва унинг ривожини ҳақида тушунча.

2. Тарбияловчи:

1. Таълим билан бир вақтда тарбиявий ишларни олиб бориш.
2. Ўқувчи ёшларни миллий ва маънавий онгини ошириш.
3. Ватанпарвар, комил инсон қилиб тарбиялаш.

3. Ривожлантирувчи:

1. Ўқувчиларни ўрганиш фаолиятини ривожлантириш.
2. Ўқувчиларда фаол фикрлаш жараёнини мустаҳкамлаш.
3. Кўргазмалар ва ўқув қуроллари ёрдамида янги мавзунини ўрганиш.

4. Фан ҳайъатининг мақсади:

1. Ўқув жараёнига УМК ларни киритиш.
2. Кўргазмалар қуролларини кўпайтириш.
3. Стенд, микротаблиц, хариталардан фойдаланиш.
4. Замонавий техник воситалардан ва компьютерлардан фойдаланиш.

Дарс жиҳози.

1. Стенд: жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.
2. Микротаблицалар.
3. Тарқатма материаллар.
4. Кроссвордлар.
5. Тестлар.
6. Маъруза матни.
7. Муаммоли масала.

Дарс дидактикаси

1. Дарснинг мавзулараро боғланиши
Мавзу: - 1. Миллий истиқлол ғояси фанининг мақсад ва вазифалари.
Мавзу: - 11. Миллий истиқлол мафқурасининг бош ғояси.

2. Дарснинг фанлараро боғланиши:

Фан: Ўзбекистон тарихи. Мавзу: - 20 Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришуви.

3. Фан: И.А.Каримов рисоалари махсус курс Мавзу:-1 Ватан мустақиллиги учун кураш тарихи ва Ватан мустақиллигини қўлга киритилиши.

3. Дарсни ҳаёт билан боғлаш

- Ватанимизда ва жаҳонда юз бераётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий янгиликлар.
- Давлатимиз томонидан қабул қилинган қарорлар.
- Фан ва мавзуга доир адабиётлар билан таништириш.

Дарсликлар

1. Ўқувчилар учун адабиётлар:

А) Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.

Б) Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар.

В) И.А.Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.

Дарс вақтини режалаштириш

1. Ташкилий қисм – 5 д
2. Ўқитувчининг кириш сўзи – 5 д
3. Ўтилган мавзунини умумлаштириш – 10 д
4. Янги мавзунини тушунтириш – 40 д
5. Янги мавзунини мустаҳкамлаш – 10
6. Дарс якуни ва уйга вазифа – 5 д

Машғулотни бориши

1. Ташкилий қисм.

Навбатчи ўқувчи дарс бошланишидан 10 д олдин келиб хонани машғулотга тайёрлайди. Ўқитувчи хона тозаллигини текшириб ўқувчиларни ташқи кўринишга аҳамият беради. Давоматни аниқлайди.

2. Ўқитувчини кириш сўзи:

Ўқитувчининг кириш сўзида дарснинг режаси ва мақсадини ўқувчиларга билдирилади, ўтилган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига қисқача маълумотлар берилади, ўқувчиларни диққатини дарсни ўзлаштиришига қаратилади.

3. Ўтилган мавзунини умумлаштириш.

Ўқитувчи ўқувчиларни ўтилган мавзунини эслаши учун қисман сўроқлайди. Ўқувчиларни жавобини тўлдириб мавзунини умумлаштиради.

1. Оммавий сўроқлаш

1. Дунёнинг мафкуравий манзараси деб нимага айтилади?
2. Бугунги кунда нима учун инсонлар қалби ва онгини эгаллаш учун кураш бормоқда?
3. Иммунитет деганда нимани тушунасиш?

2. Шахсий сўроқлаш

1. Миллий диний асосдаги мафкуралардан қайсиларини биласиз?
2. Ғоявий заифлик ва мафкуравий беқарорлик қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
3. Идеализм ва материализм ҳақида гапириб беринг?

4. Кроссворд саволлари

- Энига: 1. Ўзбекистонимизнинг эришган ютуқлари.
2. И.Каримов китобларини чиқарадиган нашриёт.
3. Ўзбекистон Президенти.

- Бўйига: 1. Ўзбекистон Мустақил бўлиб қандай рамзларга эришди?
2. Ўзбекистон Мадҳияси бастакори.
3. Инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи китоб.
4. Хумо қуши қандай белгини англатади?

Ж а в о б л а р :

- Энига: 1. Мустақиллик
2. Ўзбекистон
3. И.Каримов

- Бўйига: 1. Гербига
2. Мутал Бурхонов
3. Конституция
4. Бахт

Кроссворд саволлари

1. Мамлакатимиздаги маданият маркази.
2. Сиёсий деократик партиянинг номи.
3. Фахрийлар кенгаши жамғармаси номи.
4. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил.
5. (Туркистон) – умумий уйимиз.
6. Шанхай ташкилоти.
7. Ўзбекистон мустақиллигини тан олган давлат.
8. Олий Мажлис раиси.
9. Ўзбекистондаги пул бирлиги.
10. Ўзбекистон хайит байрами.

5. Янги мавзуни тушунтириш.

Мавзу: «Мустақиллик ва Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият».

Ўқитувчи янги мавзуни тушунтиришда стенд, микротаблицалар, кроссвордлар, тарқатмалардан фойдаланилади. Янги мавзу режаси билан ўқувчиларни таништиради ва ўқувчилар конспект дафтарларига ёзиб оладилар.

Янги мавзу режаси:

1. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг асосий тамойиллари.
2. Янги жамиятни барпо этиш вазифалари.
3. Мустақиликни мустаҳкамлаш ва соғлом авлод тарбияси.

Янги мавзунинг матни

*«Биз адолатпарвар демократик давлат
қуришга интилаямиз»*

И.А.Каримов

Миллий истиқлол ғояси тараққиётимизнинг бошқа кўпгина масалалари каби «Биз қандай давлат, қандай жамият барпо этмоқдамиз, унинг ижтимоий-

иқтисодий, сиёсий-маънавий асослари нималардан иборат?, » деган саволларга ҳам жавоб бера олади.

Дунёдаги ҳар бир давлатнинг жамият ва стратегик мақсади бўлади. Стратегик мақсад – узоққа мўлжалланган умумий аниқ режа деганидир. Бизнинг бош стратегик мақсадимиз – Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу мақсадга бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этиш орқали борамиз.

Бунинг учун энг аввало, ҳокимият тармоқларининг конституциявий асосда тўлиқ мустақил фаолият юритишга эришиш, бозор иқтисодиётини қарор топтириш, янги технологиялар билан ишлаш механизмини шакллантириш зарур. Бу механизм эса иқтисодиётнинг барча соҳаларида турли мулк шакллариининг тенг асосда ҳаракат қилиши ва улар ўртасида соғлом рақобат бўлишини таъминлайди.

Шу билан бирга, миллий истиқлол мафкуриси Ўзбекистонда озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт яратишга қаратилган умуммиллий ходиса сифатида қуйидаги бир қатор ўзига хос амал қилиш тамойилларига ҳам эга.

- мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиш;
- давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашда ёрдам бериш.
- қонун устуворлигини таъминлаш.
- демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллашига асосланиш.
- миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш.
- халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиши.
- иқтисодий прюризм ва хилма-хил мулкчиликнинг эркин шаклланишини таъминлаш.
- давлатнинг бош ислохотчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг таъминланганлигига таяниш.
- виждон эркинлиги в фикрлар ранг-баранглиги муҳитини шакллантириш.
- ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги, жамият ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви, ислохотларнинг тадрижийлиги жараёнларига хизмат қилиши.
- мазкур тамойилларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас алоқада ва боғлиқликда намоён бўлади.

Ўзбекистон ўз мустақил давлатчилигини қўлга киритганидан сўнг, жаҳон цивилизациясининг тарихий тажрибаларига асосланган ва республикаимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, одил, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни стратегик вазифа қилиб белгилади.

Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг Президентимиз И.А.Каримов томонидан асослаб берилган ушбу концепсия бунга мисолдир. «Кучли давлатдан кучли жамият сари». У давлатчилик борасидаги тараққиёт йўлимизни ҳам акс эттиради.

Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш жараёнида жамиятни бошқариш борасидаги вазифаларикки йўналишда қайта тақсимлаб берилади. Биринчиси – давлат марказий идораларининг айрим ҳуқуқ ва вазифаларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига ўтказилади. Иккинчиси – жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва масъулиятини ошириш, давлат ваколатларининг бир қисmini улар зиммасига ўтказиш.

Мамлакатимизда бошқарув жамоатчилик билан алоқадор вазифаларни ўз зиммасига оладиган бир қатор нодавлат – нотижорат ташкилотлар, турли жамғармалар вужудга келди ҳамда улар жамият ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда.

Айниқса, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалланинг фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдаги аҳамияти бекиёсдир. Республикамизда жамоат ташкилотларининг кўпайиши, уларнинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамияти ортаётгани фуқаролик жамияти асослари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Бу шундан иборатки – Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг сиёсий тузилиши – демократик, ҳуқуқий давлат шаклида бўлса, унинг ижтимоий тузилиши қонун устувор бўлган фуқаролик жамиятидир. Ушбу жамият мамлакатимизда истеъдодли, изланувчан, чуқур билимли ва юксак малакали, Ватанга, она заминимизга садоқатли ёш кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш янгилашга имкон берадиган тизимни такомиллаштиришни назарда тутди. Бу тизим кадрларни танлашда аввало, унинг касб малакаси, ғоявий соғломлиги, ватанпарварлик, фидойилик, қатъиятлик каби юксак фазилатларни эътиборга олади.

Юртимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни асраб-авайлаш ҳамда янги жамият барпо этиш жараёнида марказий вазифадир. Чунки бу кўп миллатли мамлакат фуқаролик ўртасида, уларнинг миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, ҳамжиҳатлик ва биродарлик туйғуларини кучайтириш «Шу азиз Ватан - барчамизники» ғоясини амалга оширишга хизмат қилади.

Истиқлол ғоясининг амал қилиш жараёнида миллий турмуш тарзимизга хос бўлган «шахс – оила - маҳалла» учлиги муҳим аҳамият касб этади. Оилада шаклланган иймон-эътиқод, одоб, ақл-идрок ҳамда тафаккур маҳаллада янада юксалиб, ўзаро тотувлик ва ҳамкорлик муносабатларидан озиқланиб, инсон камолотига хизмат қилади. Бу – Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ва ўз тақдирини шу муқаддас замин билан боғлаган ҳар бир кишининг «Ватан менга нима берди» деб эмас, балки «Мен Ватаним равнақи учун нима қилаяпман» деган масъулият туйғуси билан яшаши демакдир.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: «Жамиятнинг ҳақиқий бойлиги, бу инсон авлодидир».

5. Янги мавзуни билимларини мустаҳкамлаш

Ўқитувчи янги ўтилган мавзуни турли усуллар билан мустаҳкамлайди.

Оммавий сўроқлаш

1. Наркобизнес, жиноятчилик, терроризм, экологик танглик ҳақида нималар биласиз?
2. Геосиёсат ва мафкуравий полигон тушунчаларини изоҳлаб беринг?
3. Мафкуравий вазият, мафкуравий иммунитет нима?

2. Кроссворд

- Энига: 1. Ўзбекистон Республикасидаги қонун чиқарувчи орган номи?
2. 1992 йил 2 мартда мамлакатимиз қабул қилинган ташкилот номи?
3. Давлат мустақиллиги рамзи.
- Бўйига: 1. Ватанимизда фаолият юритаётган партия номи.
2. Мадҳиямиз шеҳрини ёзган шоиримиз номи.
3. Ватанимизда фаолият юритаётган Тўртинчи ҳокимият номи.

3. Шахсий сўроқлаш

1. Биз барпо этаётган жамиятнинг назарий асослари қайси асарларда ёритиб берилган?
2. Стратегик мақсад дегани нима?
3. Янги жамият барпо этишнинг маънавий соҳадаги вазифалари нималардан иборат?

4. Муаммоли масала

1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси деб нимага айтилади?
2. Вайронкон ғояларнинг энг кўп тарқалган шакллари қайси?
3. Ғоянинг фикрдан фарқи нима?
4. Мафкуранинг таърифини тушунтиринг?

5. Асосий таянч тушунчалар

Миллий ғоя, стратегия, озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, мафкура, қонун устуворлиги, бозор иқтисоди, виждон эркинлиги, фуқаролик жамияти, сиёсий ҳаётни эркинлаштириш.

6. Тест саволлари берилади.

7. Дарс якуни ва уйга вазифа.

1. И.А.Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Ўқув кўлланма.
3. Мустақиллик ва миллий тикланиш.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, атамалар (қисқача изоҳли тажрибавий луғат).
5. Ўзбекистон тарихи (коллеж ва академик лицейлар учун).

**III – Боб. Миллий ғоя ва мафкурани ўқитишда дарсларга
қўйиладиган талаблар, янги педагогик технологияларни
қўллаш ва дарсдан ташқари маънавий-маърифий ишлар**

**9 - §. «Миллий ғоя ва мафкура» фанини ўрганишга
интеграцион ёндашув**

«Сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда
дидактик материалларнинг камлиги таълим
тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро
ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг
йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги
жиддий камчиликлар сирасига киради»¹

Президент Ислом Каримов

Таълим-тарбия жараёнида ижтимоий-сиёсий, маънавий ва мафкуравий
жиҳатдан етук шахсни камол топтириш муаммосини самарали ҳал этиш кўп
қиррали жараён бўлиб, унда биринчи галда таълимни верлаштириш,
демократлаштириш ва интеграциялашга йўналтириш асосий омил
ҳисобланади.

Таълим жараёнини интеграциялаштириш ғоясини изчиллик билан
амалга ошириб бориш эса ўз навбатида ҳар бир ўқитилаётган фанларнинг
айниқса. «Миллий ғоя ва мафкура», «Шахс ва жамият» фанларининг ёшлар
дунёқарашларини фаол шакллантиришга хос масалаларини маълум мақсадга
йўналтириш мазкур фанларнинг ўқитиш методикасига тарихийлик ва
замонавийлик, ҳаётийлик элементларини киритишни, таълимнинг тарбиявий
ва кундалик амалий фаолиятдаги ўрни ва ролини амалиётдаги тасдиғини
кўрсатиш, билишнинг диалектик жараёнини узлуксиз мантикий
алоқадорликда олиб бориш йўли билан амалга ошириб боришни тақозо
этади.

Жаҳон илғор педагогика тажрибаси шуни кўрсатадики, таълим
жараёнига интеграцион ёндошиш педагогдан биринчи галда ҳар бир шахс –
индивидда мантикий тафаккур кабиларни узлуксиз ривожлантиришга
эришмоғи керак. Илм-фан, техника беқиёс ўсиб бораётган бугунги
кунимизда ҳар бир ўқувчи ўз мулоҳазаларини назарий тамойиллар ва уни
ўраб турган кундалик реал амалий, ҳаётий мисоллар асосида, аниқ фактлар
воситаларида ифодалаб беришни тақозо этмоқда. Шу жоиз мазкур
муаммонинг долзарблигини ҳисобга олиб ҳукуматимизнинг «Кадрлар
тайёрлаш миллий дастури» да «ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг
каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги уларнинг билим ва касб

¹ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент-1998 йил, 36-бет.

савияси пастлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, малакали педагог кадрлар етишмаслиги сезилмоқда... ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қоляпти, оқилона ҳаётий ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик йўқ. 9-11 синфларни тамомлаган ёшлар мустақил ҳаётда ўз ўрнини аниқлай олмайди. Уларда ўзларига ишонч шаклланган эмас... ўқув дастурларида маънавият ва ахлоқ асосларини ўзгарувчи, иқтисодий ҳуқуқий, эстетик билимларни берувчи фанларга етарлича ўрин берилмаяпти»¹.

Худди мана шу ўринда давлатимиз ҳужжатида кадрлар тайёрлаш жараёнида инсоннинг мантикий тафаккурида инсонпарварлик, демократия ва айниқса интеграция тушунчалари қанчалик ўрин олиши унинг келажақдаги фаолиятини: ўқиш, ишлаш, яшаш, вайронкор ғояларга қарши курашиш, одамлар билан ўзаро муносабатда бўлиш, теварак атрофдаги ижтимоий, табиий, иқтисодий, сиёсий муҳит, воқеа ва ҳодисаларга ўз муносабатини билдиришда, Ватан тараққиёти йўлида ўз орзу-умидлари ва режаларини амалга ошириш ва ҳоказоларни белгилашда сўзсиз катта аҳамият касб этади.

Табиийки, таълим системасида бу муаммони ижобий ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва таълим тизимига жорий этиш тўғрисидаги Фармойиши ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда янги, бой имкониятларни очиб берди.

Ушбу фан ғоя тушунчаси, мазмуни, хусусиятлари, унинг шаклланиш жараёнлари, ривожланиш тамойиллари, ҳозирги даврда мафкуравий курашнинг хусусиятлари, инсон онги ва қалби учун ғоявий курашнинг кучайиш сабаблари, миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши, унинг миллатимиз бирлигини мустаҳкамлаш, мустақиллик учун олиб борилган кураш ва демократик жамият қуриш жараёни, мамлакатимизда озод ва обод Ватан қуриш вазифалари каби мавзуларни ўз ичига қамраб олган.

«Миллий дастур» талабларини ҳаётга тадбиқ этишнинг дастлабки маҳсулотларидан бири бўлган «Миллий ғоя ва мафкура» фанининг республика таълим системасига жорий этилиши ва давр талаби асосида янги педагогик технологиялар воситасида ўқитилиши, мазкур фаннинг ўқитишга интеракцион ёндашув муаммоларини маълум даражада илмий-методик ва дидактик жиҳатдан бирмунча ижобий ҳал этишда аризулик тажрибаларни қўлга киритиш, умумлаштириш ва таълим-тарбия жараёнида ҳаётга тадбиқ этишда муайян ижодий тажрибаларни шаклланишига олиб келди.

Хўш, «Миллий ғоя ва мафкура» фанини ўқитишга интеграцион ёндашув деганда нимани тушунамиз? Интеграция латинча *integratio* – тиклаш, тўлдириш сўзидан олинган бўлиб, бир бутун этиш маъносини

¹ Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент-1998 йил. 37-бет

англашни, таълим-тарбия системасига жорий этадиган бўлса мулоҳаза юритаётган масала, муаммо, таълим хусусида батафсил, тўла тушунча бериш жараёнида мулоҳаза юритилаётган масалани батафсил ёритиш учун унга алоқадор бўлган масала, ҳодиса ва воқеаларга мурожаат этиб, масалани ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўла ёритиш йўлида қўлланиладиган методга айтилади.

«Миллий ғоя ва мафкура» фанини ўқитиш жараёнида дарс самарадорлигини кўтариш мақсадида қўлланиладиган интеграцион метод **биринчи галда** ҳар томонлама гармоник ривожланган комил инсонни тарбиялаш хусусида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилган моддалар давлат томонидан ишлаб чиқилган қонунлар, турли қарорлар, фармойишлар, **иккинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидан, нутқлари ва оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларидан, **учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази томонидан тавсия этилган услубий таклифлардан фойдаланиш, **тўртинчидан**, «Миллий ғоя ва мафкура» дарсларида ўрганилаётган мавзулар, таълим системасида ўрганиладиган қайси фанлар билан алоқадорлигини аниқлаб, талабаларни бошқа фанлардан олган билимларига асосланган ҳолда уларнинг билим даражаларини ривожлантириб, чуқурлатиб боришга ва олган билимларини шахсий эътиқодларига ўсиб ўтиб, у билимлардан ўзларининг кундалик амалий фаолиятларида самарали фойдаланишларини тақозо этади! Бу метод илгари совет даври педагогика фани назарияси ва ижтимоий фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш методикасида «предметлар аро алоқа боғлаш методикаси» деб ҳам юритилиб келган.

Бугунги кунда кўпгина адабиётларда, ҳатто илмий-оммабоп луғатларда «интеграция» ибораси фақат иқтисодиёт нуқтаи назаридан қаралиб, «интеграция – миллий иқтисодиётларнинг сифат жиҳатидан янги шароитларга эга бўлиш ва мамлакатлар тараққиёти имкониятларини кенгайтириш мақсадида, ихтиёрий равишда бирлашиши, бир-бирларига ўзаро таъсир этиш жараёни» деб изоҳланмоқда. Бундай таъриф албатта интеграция масаласига комплекс эмас бир ёқлама, фақат иқтисодий алоқани ифодалайди холос.

«Миллий истиклол ғояси» фанидан ўқув дастурида мазкур фанни ўқитишдан кузатилган мақсад хусусида гап борар экан, унда ёшлар қалбида ва тафаккурида «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт» руҳини камолга етказиш муҳим масала ва долзарб вазифа эканлиги алоҳида кўрсатилган. Фанни ўрганиш жараёнида талаба ёшларда бу бу тушунчаларни атрофлича шакллантириш фақатгина дарслик рамкасида чегараланиб қолмасдан, ўқитувчилардан масалани ёритишга интеграцион ёндашув учун бир вақтда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва нутқларига, ҳам бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устав моддаларини атрофлича шарҳлаб беришни тақозо этади. Масалан, Президент Ислом

Каримовнинг 2001 йил 4 январ фармойишига асосан 2001 йил 1 сентябридан эътиборан республикада узлуксиз таълим тизимида боғчадан то олий таълимнинг юқори босқичи магистратурагача ҳуқуқий билимларни ўрганиш авваламбор Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишдан бошланади. Демак, талаба ёшларда ҳуқуқий билим, тушунчалар асослари бор. Педагогнинг вазифаси керак жойда, мавзунинг ажралмас қисми сифатида ўртага ташланадиган муаммоли саволлар ёрдамида талабалардаги ҳуқуқий билим асосларини ривожлантириб боришда экан. Бу хулосамиз албатта шахсий таклиф эмас, аксинча ҳеч бир педагогнинг кундалик дарсига тайёргарлик кўраётган вақтида дарснинг а) таълимий; б) тарбиявий мақсадларини аниқ белгилаш билан бир қаторда шу дарсда ривожлантириб бориладиган таълим системасини шакллантиришдаги муқаддас бурчидир! Бу бурчни бажариш баркамол инсонни шакллантиришнинг гаровидир. Шу жоиз Президент Ислом Каримов «Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин»¹.

«Миллий ғоя ва мафкура» дастуридаги «XXI аср бошида инсон онги ва қалби учун кураш» бобидаги «Тараққиёт ва ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси», «Мафкуравий курашнинг умумбашарий ва минтақавий кўринишлари» мавзуларини ўрганишга киришишдан олдин ўқитувчи дастурда мажбурий адабиётлар рўйхатида алоҳида қайд этилган Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид. Барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (Тошкент. «Ўзбекистон» 1998 йил) асаридан кенг фойдаланиш керак. Аслида Президент Ислом Каримовнинг ушбу асари асосида махсус курс ҳам ўрганилади. Тажрибада шу нарса аниқландики, кўп ҳолларда ушбу асарга асосланган «Махсус курс»ни ўқитадиган ўқитувчилар юқламасида «Миллий ғоя ва мафкура» фани бўлмади. Шу жоиз ўтган ўқув йилларининг мантиқи бизни «Миллий ғоя ва мафкура» фанини ўрганишимиз жараёнида ҳозирги кунда учта асосий аҳволга мурожаат қилишга ундаётганлигидир:

а) хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим?

б) барқарорликни қандай сақлаб қолиш даркор?

в) тараққиёт йўлидан собит қадам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин? Деган долзарб саволларга тўғри жавоб топиш мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажагини таъминлайдиган ҳаракат бўлиши лозимлигини онгли равишда идрок этиш ва ўрганиш жараёнида ўқувчиларни юқорида қайд этилган ҳар бир муаммо юзасидан атрофлича назарий ва амалий билимлар билан қуроллантиришга имкон беради.

Ўқувчиларга мазкур асарнинг моҳиятини самарали тушунтириб бериб, ундан келиб чиқадиган қонун-қоидаларини уларнинг шахсий эътиқодларига ўсиб ўтишини таъмин этиш учун биринчи галда «Миллий ғоя ва мафкура»

¹ И.Каримов. Конституциянинг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи.

фанидан дарс бераётган ўқитувчиларнинг ўзини асарда қўйилган муаммолар ва уларнинг ечими хусусидаги илмий-назарий концепцияларни атрофлича комплекс идрок этишларини тақозо этади. Мазкур ўринда асарда айниқса тарих таълимига бевосита хос бўлган қатор концепсион фикрлар мавжуд. Жумладан, муаллиф минтақавий можаролар хусусида фикр юритганларида: «Тарих ўз ҳукмини чиқарар экан, ҳамма вақт шилини курмакдан ажратади ва ғаразли, худбин мақсадларни кўзлаб, халқ манфаатларини ниқоб қилиб олувчи шахсларнинг ўзларини оқлаш учун келтирадиган кибр-ҳаводан иборат далилларини қабул қилмайди. Миллионлаб кишиларнинг тақдири хавф остида қолар экан, буни ҳеч қандай мақсад билан оқлаб бўлмайди», деган хулосалари масаланинг қўйилишини ҳар томонлама тарихий аспектда тафаккур этишини тақозо этади. Худди шунингдек, муаллифнинг «Диний экстремизм ва фундаментализм» хусусида фикр юритиб қилган қуйидаги назарий хулосалари ҳам Марказий Осий ва айниқса Ватанимиз тарихининг турли даврларда дин билан алоқадорликда содир бўлган нохуш воқеалар тафсилотларини атрофлича ўргангандан кейингина қилинган, тарихий асосга эга бўлган таҳлилий хулосалари эканлигининг яққол илмий-назарий ифодасидир. «Биз, - деб ёзади Президент Ислон Каримов, - дин бундай буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий кадриятлардан, тарихий ва маданий мерослардан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз».

Асарнинг «этник ва миллатлараро зиддиятлар» бўлимини самарали ўрганиш ва бу бўлимдаги назарий хулосалар ҳам халқимиз тарихининг кўп машаққатли даврларининг чуқур таҳлилий тафаккуридан келиб чиққанидир. Мазкур ўринда тарих ўқитувчиси авваламбор ўзига бугунги Ўзбекистон Республикасининг полиэтник (кўп элатли) давлат эканлигини асарда кўрсатилган қуйидаги аниқ тарихий фактлардан билиб олади ва асарни самарали ўрганиш жараёнида дидактиканинг жаҳон амалиётида синалган шакли – предметлараро алоқа боғлашга, аниқроғи Ўзбекистон тарихи ва жаҳон халқлари тарихи билан узвий боғлаб ўрганишга алоҳида эътибор беради. Шу мақсадда асардан қуйидаги фикрлар назарий хулосалари билан тўла ўзлаштирилиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасида асосий миллат ўзбеклар билан бир қаторда ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилишади. Уларнинг мамлакат аҳолиси умумий таркибдаги улуши 20% дан ошиб кетади (72 бет).

б) «Чор Россияси, сўнгра эса Совет давлатининг аниқ мақсадга қаратилган миграция сиёсати Марказий Осий минтақаси аҳолисининг полиэтник таркиби янада хилма-хил бўлишига олиб келди.

Ҳозирги кунда совет тузумидан кейинги Марказий Осиё давлатлари худудида 100 дан ортиқ миллат ва элат яшамокда. Қарийиб 20 миллат вакиллари минтақага Сталик катагонлари натижасида сурган қилиб кўчирилганлар сифатида келиб қолганлар.

Минтақадаги этник-нуфус вазияти ҳам таҳлил омилидир. Турли даврларда унга мустамлакага айлантириш, 20-30 саноатлаштириш, халқларни депортация қилиш ва мажбурий кўчириш, урбанизация жараёнларининг фаоллашуви ва бошқа омиллар таъсир кўрсатган. Буларнинг ҳаммаси янги мустақил давлатларига мерос бўлиб қолди. Шу туфайли миллатлараро ва элатлар ичидаги ўзаро алоқалар муаммолари стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормокда ва минтақада давлатлараро муносабатларни йўлга қўйишда алоҳида эътибор беришни талаб қилмокда».(76-77 бетлар)

В) «Оғир синов цилларида, урушлар ва Сталин катагонлари йилларида Ўзбекистон худудига келиб қолган айрим кишилар, оилалар, хатто бутун-бутун халқларни ҳам қуршаб олган илиқ муносабат, самимият ва ғамхўрлик, ўзбек халқига хос бўлган бағрикенглик, инсоний меҳрибонлик ва ўзгалар қайғусига шерик бўлиш, очикқўнгиллик ва меҳмондўстликнинг ёрқин намоиши бўлди.

Ўзбеклар қийинчилик йилларида ўзлари емай, болаларига едириб-ичирмай, мутлақо бегона, аммо ёрдамга муҳтож одамлар билан топганларини баҳам кўрдилар. Ўша оғир йилларда турли миллатларга муносиб бир эмас ўнлаб етим болалар шундоқ ҳам кўп болали ўзбек оилаларида янги ота-она меҳрига қондилар. Бутун бир халқ ана шундай юксак олижаноблик ва маънавий фазилатларни намоиш этганлиги ҳақидаги мисоллар тарихда кам топилади. Ўзбекистон ўз тарихида ана шундай саҳифалар бўлганлиги ва ҳозир ҳам борлиги билан фахрланади. Халқимиз ва давлатимизнинг тарихий хотирасида антисемитизм, ирқчилик ва ўзга миллатга, ўзга халққа менсимасдан, ҳурматсизларча муносабатнинг бошқача шакллари намоён бўлган шармандали саҳифалар йўқлиги билан фахрланади» (80-81 бетлар)

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида келтирилган бу илмий-назарий концепсион фикрлар «Миллий ғоя ва мафкура» фани ўқитувчисининг илмий-методик маҳорати билан предметлараро алоқа боғлаш жараёнида, жумладан Ўзбекистон халқлари тарихидан келтирган қуйидаги конкрет тарихий фактлар билан диалектик равишда мантиқан бойитилади ва мустаҳкамланади.

Чор Россиясининг «Низом» и ва рус аҳолисини Туркистонга кўчириб келтириш йўли билан ўлкани руслаштириш ҳаракатини қонуний мустаҳкамлаб, унга сиёсий тус берди. Кўчиб келувчиларга 10 десятинадан кам бўлмаган ер ажратиш белгиланди. Туркистонга келиб ўрнашиш ва ер-мулкка эга бўлиш фақат насроний динининг Православ маҳзабига берилди. 1886 йил «Низом» ига кўра Туркистонга кўчиб келувчиларни танлаш ва жойлантириш тартиблари белгиланди.

Рус мужиклари Россиянинг қора тупроқли марказий ҳудудларида ер тақчиллигидан оч-яланғоч кун кечирар эдилар. Ана шу иқтисодий азоб-укубатдан қутулиш ва рус мустамлакаси бўлган Туркистон темир йўлининг қурилиб ишга туширилганлиги эса, бу жараёни янада тезлаштирмоқда эди. Натижада 15 йил давомида, яъни 1875-1990 йиллар орасида Туркистонга Россиядан 1300 оила кўчиб келиб, улар ўлканинг энг унумдор ва серсув ерларида 19 қишлоғини ташкил этдилар.

Худди мана шу вақтда рус мустамлакачилари «рус деҳқонларининг экин майдонларини ёввойи ҳайвонларнинг пайҳон қилишидан ҳимоя қилиш учун» баҳонаси билан рус қишлоқлари мужиклари ёппасига қуроллантириш лозим деб шошилдилар ва бу режани зудлик билан амалга оширдилар. Аслида бундай тадбирдан кузатилган мақсад ҳар эҳтимолга қарши маҳаллий халқ ғалаёнини қурол кучи билан бостиришдан бошқа нарса эмас эди.

Архив ҳужжатларида қайд этилишича, 1891-1892 йилларда Россияда авж олган очарчилик натижасида туркистон ўлкасига кўчиб келувчи русларнинг сони бир неча баробар ўсиб кетган. Натижада, биргина 1891-1892 йилларда Россиядан кўчиб келган руслар ўлкада яна 25 рус қишлоғини ташкил этдилар. Бундай ҳол маҳаллий деҳқонларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига ўта салбий таъсир кўрсатди. Она тупроғида яшаб туриб, серҳосил ер майдони ва сувдан фойдаланишдаги дискриминация маҳаллий халқ билан келгинди мужиклар орасида қатор ижтимоий конфликтларни келтириб чиқарар эди. Мана шу шароитда Туркистон ҳарбий округи штаби томонидан «Туркистанская ведомость» газетасида буюк рус миллатчилиги руҳида тайёрланган кўрсатмалар узлуксиз чоп этилиб турар эди. Жумладан, 1882 йилда ана шундай хабарлардан бирида шундай деб ёзилган эди: «Барибир, ўлкада содир бўлаётган воқеаларни қачондир очикчасига тан олиб айтадиган пайт келди. Бизнинг асосий вазифамиз биринчи галда ўлкани руслаштиришдир. Шу кунга қадар қирғизлар яшаб келган жойлар эндиликда рус давлатиникидир. Шундай экан, эндиликдаги вазифамиз кўчиб келайтган руслар саъй-ҳаракати билан маҳаллий халқни ўлкадан сиқиб чиқариш ёки батамом қириб ташлашдан иборат бўлмоғи керак».

«Миллий ғоя ва мафкура» дарсларида таълим-тарбияга интеграцион ёндошиш методикасини ошириш, яъни миллий ғоя ва мафкура таълимининг ўқувчилар онгига ягона бир бутун жараён тарзида шакллантириб бориб, бир йўналишда комплекс равишда бошқариш Президент Ислом Каримовнинг истиқлолимиз муваффақиятларини абадиятга мустаҳкамлаш ва унинг истиқболларини белгилаб берган асари – «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ни ўрганишда ҳам ажойиб ижодий, бир вақтда миллий ғоя ва мафкура таълимини истиқлолимиз ютуқларини мустаҳкамлаш учун таъсирчан хизмат қилишга йўналтиришда янги тарихий даврни бошлаб берди.

Гап шундаки, Президент Ислом Каримов ўз истиқлолига эришган Ўзбекистонининг ўз тараққиёт йўлини белгилашда ҳам масалага том маъносида тўла интеграцион ёндашади. Ёш давлатимизнинг тараққиёт

йўлини белгилашда бугунги кунда тараққий этган жаҳон мамлакатларининг давлатчилик тажрибаси ҳар томонлама таҳлил этилиб, ўрганиб чиқилди. Булар ривожланган мамлакатлар – АҚШ, ФРАНЦИЯ, АНГЛИЯ, ГЕРМАНИЯ, ЯПОНИЯ ва бошқа давлатлардир. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида шундай ёзади: «Туркиянинг тажрибаси, унинг иқтисодиётини ислоҳат қилиш йўли, бизга ўхшаш этник-маданий шароитларда давлат билан дин ўртасида уйғун муносабатларга эришишдаги ютуқлар ўзимизнинг ижтимоий- иқтисодий ва давлат-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни белгилаш чоғида зўр қизиқишга моликдир» (шу асар 34 бет)

«Ғарб олами билан ҳамкорлик қилиш, - деб ёзади Президент ислом Каримов, - замонавий технологиялар, инвестицияларни саноатнинг етакчи тармоқларига жалб қилиш, ... банк ва бошқарув соҳасида мутахассислар тайёрлашда хорижий қонунчилик тажрибасини ўрганишда кўмаклашиш муҳимдир» (шу асар 36-37 бетлар)

Нихоят, Президент Ислом Каримов Республикамиз тараққиёти истиқболини белгилаб, Ўзбекистонимизга хос беш тамойилни илгари сурди:

Биринчидан, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ва бунда иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши лозимлиги;

Иккинчидан, давлат бош ислоҳатчи эканлиги;

Учинчидан, қонун ҳамма нарсадан устун туриши керак;

Тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат;

«Биз ўзимизнинг шароитимизда кўп болали оилаларга, қарияларга, бечораларга мадад бермасак, ҳамма нарса портлаб кетади, ҳеч қандай бозор ва ишбилармонлик бўлмайди», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» (5-6 бетлар)

Бешинчидан, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш.

Табиийки, миллий ғоя ва мафкура фани ўқитувчиси бу беш тамойилнинг ҳар бир бандига батафсил тўхтаб ўтади ва уларнинг моҳиятини ўқувчилар томонидан атрофлича ўзлаштириб олишларига, уларнинг миллий ғоя ва мафкура соҳасидаги билим кўламларини янада кенгайтиришига эришади. Мазкур ўринда ўқитувчи давримиз талабларидан келиб қилиб, мазкур ўринда ўқитувчи давримиз талабларидан келиб чиқиб, «Миллий ғоя ва мафкура» фани таълими мазмунига интеграцион ёндошишда турли тарихий даврларга тааллуқли концепсион назариялардан фойдаланиши мумкин.

Масалан, Ўзбекистон халқлари тарихидан ўқувчиларга маълум бўлган мавзу – «Ўзбекистонда ислом динининг ёйилиши» ўрганилади. Маълумки, мазкур мавзуни ўрганиш жараёнида ўқувчилар диққат-эътиборлари исломнинг беш фарзидан бири – кам таъмин этилган мўмин-мусулмонларга Оллоҳ йўлида эҳсон қилиш фарзи алоҳида уқтирилади.

Мазкур ўринда ўқитувчи масалага интеграцион ёндошиб, Ўзбекистон тараққиётининг «ўз йўли»да қайд этилган бешта тамойилидан тўртинчиси –

кучли ижтимоий сиёсат юргизиш бўлиб, исломдаги фарзлардан бирини ўзида тўла ифода этганлигини кўрсатиб ўтади.

Ўқувчиларга Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг моҳиятини интеграцион усул билан атрофлича тушунтириб боришда дарс давомида ўқитувчи томонидан Куръони каримнинг «ал-бақара» сураси (261-оят) дан қуйидаги оятни ўқиб бериш, унинг мазмунини ўқитиш дидактик жиҳатдан айтиш мумкин ва катта таълимий самара касб этади. Оятда қуйидагилар баён этилган:

«Ўз молларидан Оллоҳ йўлида садақа қилувчилар учун бериладиган савоблар гўё бир буғдой донаси экилганда етти сунбула бошоқ чиқарса-ю, ҳар бир сунбулада юзтадан буғдой ҳосил бўлганидек, битта қилинган садақа учун ҳам 700 баробар кўп савоб ато қилинур. Оллоҳ баъзи соҳиби эҳсонларга бундан ҳам кўпроқ савоблар ато қилиши мумкин, чунки у кенг ва доно зотдур».

Ислом фикри зақотни кимларга берилиши лозим деган сўроққа ҳам аниқ жавоб беради. Унда айтилишича зақот олишга қуйидаги тоифадаги кишилар ҳақли ҳисобланадилар:

- оддий ҳаёт кечириш учун маблағи йўқ фақир-мискинлар;
- қарзини тўлай олмай, қийналиб юрган қарздорлар;
- мусофирликда камбағаллашиб қолганлар;

Зақотни биринчи навбатда қариндошлик алоқалари бор кишиларга, кўни-қўшни, маҳалла-қўйна бериш тавсия этилади. Президент Ислом Каримов ўзларининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида» асарида аҳолини қайси категорияларига биринчи галда ижтимоий ёрдам кўрсатиш лозим? деган масалага бу борадаги илгари мавжуд бўлган текисчилик усули, яъни боқимандаликни танқид қилганлар. Мазкур асарда алоҳида қайд этиб ўтилганидек, «Энг кам иш ҳақи ва пенсиялардан солиқ олинмайдиган бўлди; бошланғич синқлар ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушталар, 2 ёшгача бўлган болалар учун бепул овқат, барча мактаб ўқувчилари ва талабалар учун овқатни арзонлаштириш каби имтиёзлар берилди».

Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси 1997 йилда иқтисодий ислохатларни амалга ошириш якунлари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини 1998 йилда ислох қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида алоҳида қайд этилганидек «Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат барпо этилган аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза тизими, ижтимоий таъминот ва серфарзанд оилаларга ёрдам тизимининг ислох қилингани жамиятимизда фуқароларнинг даромадлар бўйича кутбларга ва гуруҳларга ортиқча бўлинишининг олдини олди, аҳолининг қашшоқлашувига йўл қўймади. Илк бор биринчи синф ўқувчилари ўқув қуроллари билан камҳарж оилаларнинг биринчи синфларида (бошланғич синфларида) ўқийдиган фарзандлари қишки кийим бош билан таъминланди. Мактаб ва олий ўқув

юрти ўқитувчиларининг турмуш шароитини ва мавқеига ҳақ тўлашни яхшилаш борасида муайян тадбирлар амалга оширилди».

Мазкур ўринда Президент Ислон Каримовнинг 1999 йил 2 феввалида «Туркистон» газетаси мухбирига берган интервьюсидаги умуминсоний қадриятларимизга хос миллий сифатларимизни яна бир бор эслатиб ўтган фикрларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш айна муддаодир. «Эркин фуқаролик жамиятига, - деб кўрсатди И.Каримов, - дунёдаги кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб келган. Бундай жамиятни куриш учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ўз заминимизга тадбиқ этиш лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётӣй тамойиларимизни сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур».

Президент Ислон Каримов мазкур интервьюсида миллий қадриятларимиз хусусидаги фикрини баён этар экан эркин фуқаролик маънавиятининг асоси бўлмиш миллий маърифатъимизнинг доимо диққат эътиборимизда бўлиши лозимлигида тўхтаб, «одамларда маърифатпарварлик ғояларини тарбиялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳомийлик, саҳоватпешалик, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни кўпайтириш зарур»лигини алоҳида қайд этиб ўтди ва бу борада ўзбек зиёлиларининг умуминсоний-маънавий анъанавий тажрибаларидан кенг фойдаланишим зарурлигини кўрсатди.

«Асримиз бошларида , - деб қайд этди Президент Ислон Каримов, - жадидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, кироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликларини, уларни Туркистон болаларига бепул ттарқатганликларини бир эслайлик. Наҳотки, бугун юртимизда ана шундай саҳоват булоқлари куриб қолган бўлса! Ишончим комилки, бундай фидойи, саҳий инсонлар диёримизда кўплаб топилади ».

Ўқитувчи «Миллий ғоя ва мафкура »таълимида интеграцион ёндошмоқни давом эттириб бориб, ўқувчиларга Мустақил Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат тушунчаси ва унинг мазмунини баён этар экан, тарихда қайд этилган ҳозирги замон тараққий этган мамлакатлардан бири – Буюк Британиянинг энг янги тарихи билан, аниқроғи асримизнинг 80-йилларидаги тарихи ва унда «Темир хотин», «Тетчер эраси» каби номлар билан машҳур бўлган даврда консерваторлар йўлбошчиси Маргарет Тетчер ҳокимият тепасида турган даври – «Тетчеризм» билан айникса унинг қуйидаги беш принципи билан атрофлича таништириш, Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ўзига хос беш принципининг ишлаб чиқишда жаҳон етакчи мамлакатларининг ХХІ аср бўсағасидаги давлатчилик фаолиятини механик равишда кўр-кўрона эмас, балки уларга ўзбекистонимизнинг ўзига хос миллий хусусиятларидан келиб чиқиб ижодий, зарур бўлган ҳолда эса танқидий муносабатда ёндошиб, ўқувчиларга чет давлатчилиги назариясига таҳлилий тафаккур

муносабатларида бўлиш кўникмаларини фаол ва системали равишда шакллантириб боришга эришмоғи керак. Мазкур ўринда «Тетчеризм»нинг қуйидаги беш принципини дарс жараёнида талабаларга мустақил таҳлил этиш ва «Тетчеризм»нинг Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлининг беш принципи билан қиёсий таққослаштириш йўлида қилинган методик усулини келтирамиз:

1. Гуллаб-яшнаётган ҳар қандай иқтисодийнинг ҳаракатлантирувчи кучи хусусия тадбиркорлик бўлиши керак.

2. Давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашуви минимум даражага тушиши лозим; у асло хусусий ташаббусларни бузмаслиги керак;

3. Барча меҳнатга қобилиятли фуқаролар ўзини ўзи таъминламоғи керак. Давлат ва ҳайрия ташкилотлари ўз айбисиз ишлаш имкониятидан маърум бўлиб қолган меҳнатга қобилиятсизларга ёрдам кўрсатади. Шунга кўра давлат ижтимоий дастурларидан воз кечиш ёки уни энг паст даражага тушириш лозим.

4. Давлат баланслаштирилган танқисликсиз бюджетга биноан тўлайдиган солиқлар ташкил этади. Иқтисодий тартибига қатъий риоя қилиб, ҳаражатларни камайитириш зарур.

5. Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатини қонуний воситалар билан ҳимоя қилишга ҳақли, бунда бошқа одамларнинг манфаатларига зарар етказмаслиги керак. Шунинг учун ҳам жамиятга зарар етказадиган иш ташлашлар ўтказиш ҳуқуқи чекланиши лозим.

Ўзбекистоннинг истиқлол даври ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ёки бошқача қилиб айтганда Ўзбекистонимизнинг давлатчилиги тарихини жаҳонда илмий-техник инқилоб ватани бўлган Буюк Британиядек мамлакатнинг энг янги тарихи билан таққослаб ўрганиш ва ўқувчилар олдида бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатдаги принципларини интеграцион метод билан таҳлилий тафаккур этишга йўналитириш ўз навбатида ёшларимизда ҳар қандай тарихий воқеа ва ҳодисани атрофлича идрок этиш қобилиятларини шаклланиб боришига катта имконият яратиб беради.

Миллий ғоя ва мафкура фанида «Мустақиллик ва Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият» мавзуси бўйича интеграцион ёндошувда «Жаҳон тарихи» фанидан бир қатор материаллар олинади.

Чунки ҳар қандай жамиятда янги типдаги давлат қуришда гарчи биринчи галда шу алоҳида олинган ҳудуддаги халқни, миллатнинг хоҳиш-иродасини ўзида акс эттирадиган давлатни қуриш жараёнида мазкур халқ маънавияти, маърифати, маданияти, мафкураси ва тарихига кўп соҳадан мос бўлган бошқа давлатнинг босиб ўтган давлатчилик тарихи билан атрофлича танишиб чиқиш, табиийки ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан фойдадан ҳоли бўлмас.

Шу нуқтаи-назардан қараганда Ўзбекистон Республикаси мустақил Туркия Республикасининг асосчиси Мустафо Камол отатуркнинг 1921 йил 20 ноябрида сўзлаган нутқида Шўролар Иттифоқида «дини бир, эътиқоди бир қардошларимиз бордир. Миллатларимиз ўртасидаги маънавий

кўприкларни мустаҳкамлаш зарур. Тил бир кўприкдир. Эътиқод бир кўприкдир... Тарих бир кўприкдир »деган хулосаларни ҳисобга олиш ҳам фикримизча мустақил Ўзбекистонимизда фойдадан холи бўлмас.

Туркия Республикасининг асосчиси Ғози Мустафо Камол Отатурк (1881-10.11.1938) нинг Туркияни мустақил давлат ҳолига келишида ҳаракат дастури бўлган унинг тамойиллари умуман XX аср давлатчилик назариясида ўзига хос янги даврни бошлаб берди.

Отатуркнинг турк жамиятини миллий асосда қайта қуриши учун икки асосий мажбурияти бор эди.

Биринчиси – Туркиянинг парчаланишидан ва ажнабийлашувидан сақлаб воладиган миллий истиқлол ҳаракатини оғишмай амалга ошириш, миллий давлат қуришга эришиш;

Иккинчиси – Туркиянинг ривожланган ғарб халқларига кўра йўқотган юз йиллик тараққиётга қайтадан эришиш учун керак бўлган сифат ва жадаллик билан замонавийлашиш, бошқача қилиб айтганда ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ғарб цивилизациясига эришиш.

Отатурк тамойилининг биринчи бўлимида миллий ҳокимият тўғрисида гап борар экан, биринчи галда Туркия Буюк Миллат мажлисига асос солди. «Ҳокимият халқникидир!», «Куч ва илҳом манбаи миллатдир!» деган шиорни илгари сурди.

Отатурк миллий ҳокимият тўғрисида гапирар экан, «Миллий ҳокимият шундай бир нурдирки, унинг қаршисида занжирлар эрийди, тожу-тахтлар ёниб кул бўлади. Миллатларнинг асоратга солинишига асосланган тизимлар ҳар томондан қулашга маҳкумдирлар» деб ёзган эди.

Отатурк жуда катта аҳамият берган, шахсан ўзи шуғулланган турк тили ва турк тарихининг энг қадимий манбааларини топиб, уларни ўрганиш, турк тилини, турк тарихини асил манбааларига мувофиқлаштириш ҳаракатларини Туркия Республикаси амалиётида ўз маҳсулотларини берди.

Отатурк турк жамиятининг янги маънодаги ўзгартиришлар хусусидаги натижаларини олиб қарайдиган бўлсак, булар Отатурк замонида эълон қилинган қатор қонунларда ўз ифодасини топган. Масалан, Туркия Буюк Миллат мажлиси томонидан 1924 йил 3 мартда таълим бирлиги хусусидаги «Тавхидий тедрисот» қонуни; 1925 йил 25 ноябрида «Бош кийим кийиш ҳақида» қонун; 1925 йил 30 ноябрдаги «Такия ва ҳужраларда мақбараларнинг ёпилиши ва мақбара (қабристон) шайхларига бир қатор унвонларнинг таъқиқланиши ва бекор қилиниши ҳақида» қонун; 1926 йил 17 февралда фуқаролик ҳақида қонун; 1928 йил 5 майида «Байналмилал рақамларини қабул қилиш ҳақида» қонун; 1928 йил 1 ноябрида «Турк алифбосини қабул қилиш ва тадбиқ этилиши ҳақида»ги қонун ва бошқалар шулар жумласидандир.

Кейинча Отатуркнинг ҳаракат дастури – «Отатуркчиликнинг «Олти ўқи» номи билан ҳам юритилган – булар асосан:

1. Республикачилик. 2. Миллатпарварлик. 3. Халқпарварлик. 4. Давлатчилик. 5. Виждон эркинлиги. 6. Инқилобчиликдир.

Мазкур «Олти ўқ» кейинча яна Отатуркнинг ўзи томонидан ишлаб чиқилиб, турк халқининг кундалик амалий ҳаётига тадбиқ этилган ҳаётий тамойил – «Ҳаётда энг ҳақиқий муршид илмдир» деган тушунча билан бойитилди.

Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда Мустафо Камол «1923 йилнинг 29 октябрида Туркия Давлат бошқарувининг янги тизимини – Туркия Республикасини жорий қилди. Мамлакат тараққиётини устувор йўналишларини белгилаб берувчи олтита тамойилни ишлаб чиқди. Шу тамойиллар асосида Давлат бошқаруви тубдан ўзгартирилди, сиёсат, иқтисод ва маданиятнинг барча жабҳаларида чуқур ислохотлар ўтказилди.

Отатурк ислоҳатининг моияти ва пировард мақсади миллий анъаналарга путур етказмаган ҳолда мамлакатни жаҳоннинг тараққий этган давлатлари даражасига олиб чиқишга қаратилган эди.

Нихоят, ўз истиқлолига эришган буюк ўзбек халқи ҳам миллий давлатчилигимизнинг ўзига хос ва мос йўли билан буюк келажак сари дадил қадамлар билан бораётганликларини аниқ амалий фактлар мисолида кўришга муваффақ бўлдилар.

Ўз миллий мустақиллигига эришган Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида «миллий ғоя ва мафкура» фанини ўрганишга интеграцион ёндошув том маъносида ёшларимизда миллий ғоя ва мафкурани фаол шакллантириб боришда улкан назарий ва амалий аҳамият касб этадиган том маъносида ижодий жараёндир.

Бу муаммони ижобий ҳал этишнинг моҳияти яна шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасининг бугунги давлатчилигини вужудга келиши ва ҳар томонлама шаклланишида баъзи бир оммавий ахборот воситаларида талқин этиб келинаётганидек, Ўзбекистон на Туркия ва на Англия, Хитой ёки Жанубия Корея ва яна қайсидир бошқа давлатлар қурилиши структурасидан нусха олмасдан, у ўзининг дастлабки шаклланиш кунлариданок «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деб аталмиш миллий дастурига эга бўлган. Бу борадаги интеграция масаласига келсак, Ўзбекистон ўзининг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини кашф этиши билан жаҳон давлатчилиги қурилишида ўзининг бетакрор ўрнини эгаллагани билан абадийликка қолган.

Аввал қайд этганимиздек, «Миллий ғоя ва мафкура» фанини ўқитишга интеграцион ёндошувда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Республика маданият ва маърифат Маркази томонидан «Ўқувчи – талабалар онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда таълим-тарбиявий ишларни ўзаро уйғун ҳолда ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар» дан самарали фойдаланиш ҳам алоҳида аҳамият касб этиши билан ажралиб туради. Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, «Миллий ғоя ва мафкура фанини ўқитиш жараёнида даврий матбуот ва оммавий ахборот» материалларидан оператив ҳолда фойдаланиш, юқори халқ таълими органларидан махсус кўрсатмаларни кутиб вақтни ўтказмасдан улардаги

долзарб масалаларга бағишланган муаммоларни ўқувчи-талабалар онгига етказишга эришмоқ лозим. Яна бир методик муаммо, бу махсус фанни ўрганиш ёки ундан синфдан ташқари машғулотларни олиб боришда мустақиллик йилларида ҳар бир жабҳада қўлга киритган ютуқларимизни шўролар даври ёки ундан ҳам олдинги чоризм мустамлакачилик даври фактлари билан таққосласак, албатта яна масалага интеграцион ёндошганимизда мустақилликни халқимизга нима берганлиги, биз ўтмишда ким эдик, бугун нималарга эришдик деган муаммоли саволларга ишооллоҳ ижобий жавобимиз бўлади.

Мазкур ўринда Президент Ислом Каримовнинг «Кеча ким эдик, нима масалада бизлар азоб-уқубат чекканимиз ва бугунги ҳаётимизнинг эртанги режаларимизнинг шундан қандай фарқи бор?

Бизлар қандай кадам қўйяпмиз, тўғри йўлданми, йўқми? деган саволга жавоб бераётганда фақат қиёслаш керак. Қуруқ ташвиқот керак эмас » деган кўрсатмаларига амал қилиш ҳар бир педагог учун фарздур.

Масалан, Ўрта Осиё чоризм мустамлакаси бўлган фожеали даврда маҳаллий аҳолининг жон бошига халқ таълими учун сарфланган маблағ бир йилда бир тангани ташкил этган! Масалага интеграцион ёндошиб бир танганинг қийматини билмоқчи бўлган бунга жавобни ўзбек адабиёти тарихи фанидан Муқимий ижодидан ажойиб жавоб оламиз. Эшитинг, бу борада Муқимий ўзининг «Саёҳатнома» шеърида шундай ёзади:

«Бордим шаҳардан Яккатут
Баққоли дузду бадбурут.
Бир танга сотгай бир курут
Инсофи йўқ турар экан».

Демак, чор босқинчиларининг ўлкамизда «халқ маорифини ривожлантириш учун » қилган эҳсонининг бир йиллик қиммати бир дона курутга тенг бўлган экан! Мустақиллик йиллари статистикасига мурожаат қиладиган бўлсак, Президент Ислом Каримовнинг алоҳида қайд этганидек, биргина 2005 йилни ўзида халқ таълими учун 445 минг миллиард сўм маблағ ажратилган. Ҳомийлар томонидан ҳам шунча маблағ халқ таълими учун сарфланган.

Агарда чор истилоси ва шўролар даврида маҳаллий масжид-мадрасаларимиз қамоқхона, босқинчи армия учун отхона, ётоқхона, курол-аслаҳ омборхонаси, ҳарбий касалхона ва ҳатто ислохотхоналарга айлантирилган бўлиб бутун ижтимоий-сиёсий ҳаёт даҳрийликка асосланган бўлса, мусулмонлигимиз туфайли 2007 йил бутун жаҳон таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти АЙСЕКСКО (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши ва бунинг умумбашарий аҳамияти ҳам масалага интеграцион ёндошиб унинг асл моҳиятини ўқувчи-талабаларга етказишни тақозо этади.

Шундай қилиб, «Миллий ғоя ва мафкура» фанини ўқитишга интеграцион ёндошиш – ўқувчи-талабалар билим савиялари ва таҳлилий тафаккур қобилиятларини ривожлантириб боришида «Миллий ғоя ва

мафкура» фанини ўқитиш методикасининг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни ва ролини тўғри белгилаш ва баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

10 - §. «Миллий ғоя ва мафкуранинг фалсафий, тарихий манбалари» мавзусини ўқиш методикаси.

Дарснинг мақсади: халқимизнинг мозий синовларидан ўтиб келаётган бой маданий ва маънавий мероси, ота-боболаримизнинг мустақиллик йшлида кўрсатган жасорати, аجدодларимизнинг фалсафий тафаккур тарзи, амалий фаолияти, бунёдкорлик ишлари, жаҳон халқлари урф-одатлари, қадриятлари, ҳозирги замондаги фалсафий қараш ва таълимотларини тушуниришдан иборат.

Дарснинг тарбиявий мақсади: дарс жараёнида талабалар тарбиясига комплекс ёндашиб, машғулот давомида бериладиган жавоблар асосида тарбиявий муаммоларни ҳамкорликда ечиш ва бартараф этишга эришишдан иборат.

Синф тахтасига шу сўзлар осилади.

«Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлибдики, - деб ёзади Ислом Каримов, - биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қуришига тадбиқ этмоғимиз керак ».

И.А.Каримов

- 1. Ташкилий дақиқа**
- 2. Гўруҳда ишлаш**
- 3. Баҳс-мунозара**

Дарс тури: амалий.

Дарс жиҳози: Мавзуга доир китоблар, савол-карточкалар, кадоскоп.

Восита: тарқатма материаллар, матнлар.

Дарс усули: Тайёр ёзма материаллар ва чизмалар асосида.

Назорат: Оғзаки назорат савол-жавоблар, кузатиш, ўз-ўзини назорат қилиш.

Дастури: Муаммоли таълим элементини ўз ичига олган ноанъанавий дарс.

Дарс методи: баҳс-мунозара.

Дарс ноанъанавий: «Ақлий ҳужум» билан бошланади.

Изоҳ: чунки ўқувчиларда етарли билим ва кўникмалар мавжуд. Ўқитувчи буни «Ақлий ҳужум» орқали тасдиқлайди ва шундан сўнг синфни гуруҳларга бўлиб, уларга вазифаларни бажаришга рухсат беради.

- «Ақлий ҳужум». Доскага бош плакат илинади. Ўқитувчи савол билан мурожат қилади.

- Миллий истиқлол ғоясининг фалсафий-тарихий илдизларига нималар киради.

Ўқувчилар жавоб бера бошлайди, ўқитувчи эса бош плакатга маркерлар билан жавобларни ёзади.

Халқ оғзаки ижоди (достонлар, эртаклар, мақоллар, ривоятлар).

Маданий мерос ва санъат асарлари, бадиий ижод дурдоналари (музыка, расмлар, бинолар, буюмлар).

Тарихий асарлар (Беруний, Ибн Сино, Улугбек, Яссавий, Навоий, Бобур каби алломаларнинг маънавий мероси).

Умуминсоний фалсафий ғоялари: Сукрот, Афлотун, Арасту ва бошқаларнинг ғояси.

Ўқитувчи ақлий ҳужумни тўхтатгач, бу фикрлар тўғри эканлигини ўқувчиларга айтиб, бугунги амалий машғулотда юқорида айтилган фикрлар юзасидан баҳс-мунозара тарзида барчанинг мустақил фикр билдиришини сўрайди.

Шу мақсадда синф ўқувчилари 4 ёки 5 гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ столига баҳс мавзуси ёзилган карточкалар қўйилади.

Булар қуйидагилар бўлиши мумкин:

1. «Авесто» қандай манба? Эрк ва ҳурлик йўлида жасорат кўрсатган қаҳрамонларимиз, халқ оғзаки ижоди намуналари миллий ғоямизни шакллантириш учун манба, тарихий асос бўладими?

2. **Аждодларимизнинг** маънавий-маданий меросида адолатли жамият қуриш масалалари қандай акс этади. Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Навоийларнинг эзгу ғоялари, комил инсон ҳақидаги қарашлари тўғрисида сўзлаб беринг.

3. **Қадимги Шарқ, Юнон, Рим фалсафаси, Сукрот, Платон, Аристотел, Гегелларнинг** қарашлари миллий истиқлол ғоясининг умуминсоний асоси бўла оладими? Сизни фикрингиз.

4. **Жадидларнинг** маънавиятимизга, мустақиллик ғоялари шаклланишига қўшган ҳиссалари нимадан иборат? Сизни фикрингиз.

2-гуруҳга бадиий саҳна кўринишини кўрсатиш топширилади.

Бу гуруҳ ўқувчилари секин музыка овози остида Спитамен, Тўмарис, Мангуберди, Темур, Навоий, Фаробий, Сукрот, Аристотел каби буюк инсонларнинг эзгу ғоялари ифодаланган ғазаллар, асарлардан парчаларни жонли бадиий образда ижро этадилар. Жадидчилардан Фитрат, Чўлпон шеърларини жозибали ўқиб берадилар.

1-гуруҳ ўқувчиларининг жавоблари:

1-ўқувчи: Марказий Осиёда яшаган авлодларимизнинг ғоялари ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлишда «Авесто» алоҳида аҳамиятга эга тарихий асардир. Зардуштга қадар аждодларимиз ҳар хил диний аждодларга эътиқод қилиб яшаганлар. Диний эътиқодларнинг турли-туман қадимги қабилаларнинг ягона мафкура асосида уюштирилишига тўғанок бўлиб қолган. Ўлканинг турли қабилаларини бирлаштириб, уларни илк миллий давлатчилик ғояси атрофида уюштириш зарурияти туғилган эди.

Ана шундай заруриятни тушуниб етган илғор кишилардан бири сифатида Зардушт тарихда пайдо бўлган.

2-ўқувчи: «Авесто»да ўлкамиз иқлими, суви, ҳайвонот дунёси, диний тасаввурлари тўғрисидаги қимматли маълумотлар берилган. Бундан ташқари одамларни доимо покиза юришга, ёмон ният ва ахлоқсиз сўзлардан тийилишга даъват этади. Бу ғоялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

3-ўқувчи: Асарда ғаразғўйлик, ҳасад, манманлик, фитна-фасод қораланган. Ваъдага вафо, ахдга садоқат, самимият, одамлар ўртасидаги ахлоқий ғоялар улуғланган. Авестода «эзгу фикр», «эзгу сўз» ва «эзгу амал» чамбарчас боғлиқлиги таъкидланган.

4-ўқувчи: «Авесто»да қайд этилган энг муҳим фикрлардан бири – инсонларни меҳнат қилишга, ўз қўллари билан моддий бойликлар яратиб, фаровон ҳаёт кечиришга даъватдир.

5-ўқувчи: Шундай қилиб «Авесто» дунёда энг қадимги динлардан бири бўлган зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлиши билан бирга, аجدодларимизни узоқ ўтмиши, тафаккури тараққиётининг қомусий йиғиндиси, мафкурамизнинг тарихий илдизи, манбаи ҳамдир.

6-ўқувчи: Халқ оғзаки ижоди намуналари, азалий санъат дурдоналари истиқлол ғоясининг манбаи бўла олади. Авлод-аждодларимизнинг ҳаёти, урф-одатлари, анъаналари, маданияти, халқ оғзаки ижодида ниҳоятда бой ва хилма-хил акс эттирилган. «Тўмарис», «Широқ» сингари афсона ва «Алпомиш» каби дostonларда ҳам миллий ҳам умуминсоний ғоялар илгари сурилган.

Минг-минг йиллар давомида тараққий этиб келаётган адабиёт ва санъатнинг асосий ғояси инсонпарварликдир.

2-гуруҳ ўқувчиларининг жавоблари:

1-ўқувчи: Адолатли жамият қуриш ғояси ҳам доимо ҳамма жамиятда долзарб бўлиб келган. Улар таълимотига кўра, доимо одамлар бир-бири билан дўст, тенг, озод бўлишлари керак эди. Бу каби ривожда Ўзбекистон ҳудудида яшаган буюк алломаларимизнинг хизматлари катта.

2-ўқувчи: Бизнинг гуруҳимиз ўқувчилари баҳс мунозара учун Хоразмий, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Темур, Навоий каби боболаримизнинг айрим фикрларини ёд олдик. Фаробий бутун дунёнинг буюк мутафаккири, қомусий олим, машҳур файласуфдир. Унинг «Фозил одамлар шаҳри», «Жамиятни ўрганиш ҳақида китоб», «Давлат арбоблари ҳақидаги ҳикматлар» каби жамият, давлат, ҳуқуқ, адолат, сиёсат каби масалаларга бағишланган.

3-ўқувчи: Фаробий инсоннинг жамиятдаги ҳаракатларини 2 га бўлган: 1 – адолатли, ҳақиқий ақлга мувофиқ ҳаракатлар; 2 – адолатсиз, мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳаракатлар бўлиб, улар бахтсизлик келтиради. Мен Фаробий мана шу фикрларни бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган деб ҳисоблайман, улар бунёдкор ғоялар ва бузғунчи ғояларга ўхшаб кетади, деб ўйлайман.


4-ўқувчи: Мен Фаробийнинг яна бир фикрини мисол келтирмоқчиман. «Барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли, етук бўлади». Бундан минг йил илгари айтилган бу фикрларнинг бугунги кунимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва умуминсоний кадриятлар талабларига жавоб берадиган эзгу ғояларга уйғунлиги эмасми?

5-ўқувчи: Берунийнинг фикрича эса, «Кишилар ўзларининг зарурий эҳтиёжларини қондиришлари учун уюшган ҳолда яшашга мажбурдирлар». Ибн Синонинг фикрича, жамиятни давлатсиз, қонун қоидаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ғоя инсонларни ҳамжихатликка, бир-бирларига ёрдам кўрсатиш қоидаларига асосан яшашга даъват этади. Мусо Хоразмийнинг жамият ва унинг истиқболи ҳақида фикр мулоҳазалари бугунги кунда алоҳида аҳамият эгаллайди.

6-ўқувчи: Мен эса улуғ бобомиз Соҳибқирон Темурнинг давлат бошлиғи бўлиши билан бирга давлат ишларини бошқариш, ҳарбий ишлар ташкил этиш, халқпарвар, адолатли бўлиш. Унинг бу ғоялари «Темур тузуклари» асарида жамланган. Бобомиз салтанат ишида 4 нарсага амал қилган:

1. *Кенгаш*
2. *Машварат-маслаҳат*
3. *Қатъий қарор, тадбиркорлик, ҳушёрлик*
4. *Эҳтиёткорлик*

7-ўқувчи: Мен миллий истиқлол ғоясининг фалсафий асосларини тушунтираман.



3-гурӯх ўқувчиларининг жавоблари:

1-ўқувчи: Тарихдан бизга маълумки, қадимги Шарқ, Юнон, Римдаги қарашлар халқлар тараққиётига катта ҳисса қўшган. Дастлабки ғоялар Ўарқнинг энг қадимги давлати Бобилда (милоддан аввал IV минг йил) пайдо бўла бошлади. Миср, Ҳиндистонда «Изида ва Осирис», «Гилгамеш ҳақида дoston», «Рамаёна», «Махобхорат» каби бебаҳо ёдгорликларни ҳар бирида ақл-идрок, инсоф-диёнат каби ғоялар ҳикматлар ва мақоллар орқали ҳамда умуминсоний аҳамиятга мойиллик ғояларини ифодалайди.

2-ўқувчи: Қадимги Юнонистон олимлари ҳам жаҳон халқлари маданиятига ўз ҳиссаларини қўшган. Сократ, Демокрит, Платон, Аристотел ва бошқаларни биламиз. Платон фикрича «Ғоялар дунёси бирламчи, моддий дунё эса иккиламчи». Устоз ва шогирд бўлган буюк файласуфларнинг қарашларидаги бу кескин фарқ ўша даврда ҳам турли ғоялар бўлганини кўрсатади.

3-ўқувчи: Мен эса Гегел «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласидаги у ҳақда қуйидаги бир фикрни ёд оламиз. Ҳақиқий миллий хусусиятга эга бўлган Гегел таълимоти Австрия-Венгрия империясининг озод бўлиб, мустақиллик йўлида тутган Прусс монархиясининг давлат мафкурасига этган.

4-ўқувчи: Миллий истиқлолғоясининг тарихий илдизларини шарҳлайман.

*Ҳаққонинг ёзилган
таърихи*

*Халқнинг тарихий
хлтипаси*

Халқ оғзаки ижоди

*Санъат қв адабиёт
дундоналати*

Ёзма манбалари

*Миллий корхоналар
ҳаёти, фаолияти ва
мероси*

*Қадимий обидалар,
осоти атикалар*

*Миллий давлатчилик
анъаналари*

*Буюк мутафаккирлар
мероси*

Улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг «Менинг салтанатимнинг у четидан бу четига бошида олтин тўлдирилган лаганни ёш бола кўтариб ўтса ҳам, унинг мулкига ҳеч кимса даҳл эта олмайди» деган буюк сўзлари миллий ғоянинг тарихий илдизи нақадар теран эканлигини кўрсатади.

5-ўқувчи: Мен истиқлол мафкурасининг миллий хусусиятларини шарҳлайман.

<i>Халқимиз ҳаётида жамоа бўлиб яшаи руҳининг устуворлиги</i>	<i>Оила, маҳалла, эл- юрт муқаддаслиги</i>
<i>Ота-она, маҳалла жамоаларига, раҳбарларга юксак ҳурмат-эътибор</i>	<i>Миллатнинг ўлмас руҳи – она тилига муҳаббат</i>
<i>Каттага - ҳурмат, кичikka - иззат</i>	<i>Аёл зотиға эҳтиром</i>
<i>Сабр-қаноат, меҳнатсеварлик</i>	<i>Ҳалоллик ва меҳр- окибат</i>

6-ўқувчи: Мен миллий истиқлол ғояси умумбашарий тамойилларини тушунтириб бераман.

<i>Қонун устуворлиги</i>	<i>Диний бағрикенглик</i>
<i>Инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳуқуқсизлик</i>	<i>Дунёвий билимларға интилиш, маърифатпарварлик</i>
<i>Барча миллат вакиллари- ға ҳурмат ва улар билан баҳамжиҳат яшаи</i>	<i>Ўзға халқларни илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш</i>

7-ўқувчи: Биз юқорида айтилган таълимотлар, маърифий қарашлар инсоният маданияти хазинасига катта ҳисса қўшилган. Бугун 2 жадидачи Фитрат ва Чўлпон мисолида кўрамит.

8-ўқувчи: Ватан озод ва обод, халқни эркин, ҳар қандай истибдод кишиларида ҳоли кўриш Фитратнинг азалий орзуси бўлган.

*Олдимизни тўсган булут парчаси
Кучли бир эл кўргач, йиртилар.
Умид куни биз учун ҳам тугар,
Қайғурмагил сира эй, «Ҳақ» туйғуси.*

Фитрат «Юрт қайғуси» номли асарида «ўлим сенинг ўлимингни истаганларга, нафрат сени кўргани келганларга» - деб мардона ҳитоб этган.

Ўқитувчи дарсга якун ясайди, ўқувчиларни баҳолайди, уйга вазифа беради.

11 - §. Ўзбекистонда миллий – маънавий мерос, қадриятларнинг тикланиб, ривожланишининг умумбашарий аҳамиятини ўрганиш методикаси

«Маънавий, илмий ва эстетик қадриятлар халқимизнинг турмуш тарзида анъанавий маданиятида муҳим ўрин олган. Биз ўзимизнинг тарихимизни ва жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо хисса қўшган буюк аждодларимиз – Шарқнинг мутафаккирлари Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва бошқаларни эъзозлаймиз ҳамда улар билан фахрланамиз.

Мустақилликни эълон қилиб, Ўзбекистон ўзининг маънавий қадриятларини ва ақлий салоҳиятини қайта тиклаш даврида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб

Ўзгартиришлар даврига қадам қўйди»¹

Президент Ислон Каримов

Дарснинг мотивацияси

Ўзбек халқи ўзининг азалий орзуси – миллий мустақиллигига эришгандан кейин ўз-ўзини англаш имкониятига эга бўлганлиги ва шўролар истибдоди даврида том маъносида тўла оёқ ости қилинган маънавий мерослари ва қадриятларини қайтадан тиклашга муваффақ бўлганлигини умумбашарий аҳамият касб этган қатор бобокалонларимиз – имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, ал – Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Соҳибқирон Амир Темур, Дукчи Эшон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Беҳбудий ва бошқаларнинг ҳаётлари ва ижодий фаолиятлари мисолида талабаларга атрофлича тушунтириб бериш билан уларга миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини такомиллаштиришга йўналтириш;

Дарснинг тури:

Мазкур мавзу бўйича талабаларда 6-7-8-9 синф тарих курсларидан маълум тушунчалар мавжудлигини ҳисобга олиб, уларнинг олдинги синфларда бошқа фанлардан ва синфдан ташқари машғулотлардан (кино, театр ва телефильм, бадиий адабиётлардан олган билимларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг билимларини яна бир бор мустақил такрорлаб, мустаҳкамлаш мақсадида) олган билимларини ҳисобга олган ҳолда дарснинг «Давра – суҳбати» методи қўлланилади.

Дарснинг таълимий мақсади:

Дарснинг мотивациясида қайд этилган боболаримизнинг илмий-назарий-маънавий, маърифий мерослари, «Авесто», «Қуръони Карим» ва Ҳадису шарифларда баён этилган қадриятларимиз тўғрисида талабаларимизга ўтмишимиз тарихидан, классик адабиётимиз вакиллариининг бадиий-адабий мерослари ва архитектура ёдгорликлари хусусида янада мукамал ахборот беришга эришиш;

¹ И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент – «Ўзбекистон».1994 йил, 140 бет.

Дарсинг тарбиявий мақсади:

Талабаларга «Бугунги кунни тушунмоқ ва келажагимиз тўғрисида ишорага эга бўлиш учун ўтмишимизни сўроқлаб, суриштира олишимиз лозим» (В.Г.Белинский) лиги, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (Президент Ислон Каримов) эканлиги, «Тарих – бу замоннинг гувоҳи, ҳақиқат ёғдуси, хотиралар ҳаёти, ўткан кунлар шоҳиди» (Цицерон) деган, шунингдек «Тарих бу қудратли ва абадий куч бўлиб, у фуқарони кашф этади, маслакдош жамоаларни тарбиялайди» (А.В.Сўхомлинский) деган тамойиллар асосида тарбиялашга эришмоқни тақозо этади.

Дарсда ривожлантириб бориладиган таълим:

Дарс давомида талабаларимизга маънавий меросларимиз ва қадриятларимиз хусусидаги ахборотларни янада мустаҳкамлашга қаратилган муаммоли саволларга тўла жавоб олишга эришиш;

Дарсинг жиҳози:

«Маънавият ва маърифат» сериясидаги плакатлар; «Мовароуннаҳр хонликларининг архитектура ёдгорликлари», «Ўзбек классик адабиёти намоёндалари» плакатлари сериясидан фойдаланиш.

Дарс режасини тузишдан олдин шуни ҳисобга олиш лозимки, мазкур курс дастурида ижтимоий фанларни ўқитиш самарадорлигини таъмин этишнинг бош омили – фанлараро алоқа боғлаш, агарда бугунги кунимизда кенг қўлланилаётган атама билан ифодаладиган бўлсак – ўрганилаётган мавзуга интеграцион ёндошиш ва унга бўлган илмий методик ва дидактик талаблар, айниқса ёш авлодни миллий истиқлол ғояси талаблари асосида тарбиялашимизнинг илмий – назарий дастурил амали бўлмиш Президент Ислон Каримов асарларидан ҳар бир мавзуда талаба ёшларимизда қайси концепсион тушунчани шакллантиришга қайси тамойилларидан, қандай фойдаланишнинг на илмий методик ва на дидактик йўл-йўриқлари асосида умуман лом-мим дейилмаган. Шундай экан, ижтимоий фанлардан дарс берадиган ҳар бир педагог ўзининг кундалик амалий фаолиятида ҳурматли Президентимиз Ислон Каримов ибораси билан айтганда ҳатто давлат ва жамиятни бошқаришда кенг фуқаролар иштирокларини фаол жалб этиб, уни эркинлаштириш керак. Зеро, биз демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида камарбасталик қилар эканмиз, ҳар бир масалага ҳурматли Президентимиз кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда ёндошиш, айниқса ижтимоий фанлардан дарс бераётган педагогларимиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор. Мазкур ўринда ҳурматли педагогларимизга шуни алоҳида эслатиб ўтмоқчимизки, 2004 йил шароитига келганимизда ўзбек халқи ўз миллий мустақиллигига том маъносида тўла мазмунда эга бўлган бир даврда миллий ва маънавий меросларимиз ва қадриятларимизнинг тўла идрок этмоғимиз

учун, миллий онг ва миллий ғуруримиз камолоти учун барча объектив имкониятлар ва субъектив шарт-шароитларга эгамиз. Агарда яқин ўтмишимизга қисқа бўлсада тарихий экскурс уюштирадик бу борада қанчалик шовинистик ва буюк давлатчилик принципларига асосланган ғайриинсоний сиёёсат олиб борилганлигини шохиди бўламиз жумладан, собиқ шўролар жамиятида мустақил тафаккурга эга бўлиш ва ижод эркинлиги қувғинга учраб, миллий ва маънавий ташаббус бўғиб ташланган эди. Мамлакатнинг маданий ҳаёти фақат даҳрийликка асосланган коммунистик ғояга бўйсундирилган эди. Шу жоиз ўтмиш маданият ва маънавиятимиз тарихини, маданий меросларимизни ўрганишда ҳам асосий мезон – коммунистик дунёқараш билан ўлчаб бўлиб қолган эди. Шу жоиз Тошкентдек шаҳри азимдаги Ўрта осий Давлат Университетининг шарқ факултетида беш йил таҳсил олиб, Ҳадис илмининг асосчиси, муҳаддислар султони Имом ал-Бухорий хусусида бирон оғиз сўз эшитмасдик, имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний каби боболаримиз илмий мероси хусусида бирон оғиз ахборотга эга бўлмаганлигимиз ажабланарли бир ҳол эмас эди. Шунинг учун ҳам талаба ёшларимизга мазкур мавзу хусусида атрофлича мустақкам билим беришда ҳар бир педагог ўз дарс услубида тарихий даврларни бир-бирларига қийсий таққослаб, ҳар бир факт мисолида мустақиллигимизни айниқса талаба ёшларимизга бераётган реал маҳсулот ва имкониятларини тўғри ва атрофлича тушунтириб бериб, уларда миллий истиқлол ғояларини фаол шакллантириб боришига ўз улушларини системали равишда қўшиб боришлари керак.

Дарс режаси

Талабаларга мазкур суҳбат даврабини ташкил этишимиздан мақсад-муддаомиз нималардан иборат эканлигини атрофлича тушунтириб, улар измларига қуйидаги саволларга батафсил жавоб тайёрлашлари буюрилади:

1. «Маънавият» ва «маънавий мерос» тушунчаларини шаклланишида «Буюк ипак йўли», «Ўйғониш даври маданияти»;
2. Қадимги Шарқ маданиятининг Ғарбга маънавий таъсири. Бу борада Президент И.Каримовнинг 2004 йил 7 ва 8 апрел кунлари Латвия республикасида қилган давлат сафарларидаги фикрлари;
3. Мовароуннаҳр кўҳна тарих ҳамда бой маънавий меросга, миллатимиз шон-шухратига муносиб қадриятларга эга эканлиги, «Авесто»;
4. Мовароуннаҳрда фан ва санъатнинг тараққий этиши, жаҳонни ҳайратга солган буюк ватандошларимизнинг илмий-назарий, маънавий-маърифий мерослари. Бу борада Президент Ислам Каримов фикрлари;
5. Чор Россия босқини ва шўролар даврида миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизнинг том маъносида оёқ ости қилиниши;
6. Миллий мустақилликка эришганлигимиз муносабати билан миллий ва маънавий мерос, қадриятларимизнинг қайта тикланиши, «Наврўз», Ҳайит

байрамлари, Имом Исмоил ал-Бухорий, Муҳаммад ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мирзо Бобур каби мутафаккирларимиз номлари ва маънавий меросларимизнинг халқимизга қайтарилиши; ...

Бу саволлар «Маънавият асослари» фанидан ўтказилган 1-машғулотдан кейинроқ талабаларга тарқатилиб, уларга тавсия этилаётган ҳар бир саволга атрофлича мукаммал жавоб тайёрлаш, хоҳлаганлар айрим масалалар юзасидан батафсил реферат ёзишлари, видео кассета, турли кўргазмали куруллар, тарқатиладиган дидактик материаллар тайёрлашлари айтиб муддао бўлиши уқтирилади.

Қуйида «Маънавий мерос, кадриятлар, уларнинг шакллари ва ўзаро муносабатлари» мавзусида ўтказилган машғулотнинг «Давра суҳбати» турида мавзунинг назарий ва амалий жиҳатдан меъёрига етказиб ўтказишда Президент ислом Каримов асарларидан мавзу талабларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиб тайёрланган, талабаларга баҳс-мунозаралари учун айнан зарур бўлган назарий тамойиллардан бир нечасини тарқатувчи дидактик материал сифатида тавсия этамиз.

Улар қуйидагилардир:

1. Президент Ислам Каримовнинг 1998 йил 23 апрелида Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқидан лавҳалар келтирилган дидактик материаллардан намуналар келтирамиз:

«Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр ифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоннинг жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир.

Олти буюк муҳаддиснинг иккинчиси ҳисобланган Имом Муслимнинг ал-Бухорийга қарата: «Эй устозларнинг устози, муҳаддисларнинг султони, ҳадисларнинг табиби!

Пойингизни ўпишга ижозат беринг!» дея қилган ҳитоби аҳли исломнинг улуғ бобомизга ҳурмат ва эҳтироми нақадар юксаклигини кўрсатади» ...

«Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи – энг ишончли ҳадислар тўплами - «Ал жомеъ ас - Саҳих» ислом динида Қуръони Каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбаадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғидир »

«Биз эски тузум, эски мафкура зуғумидан ҳалос бўлгач, ўзлигимизни қандай улуғ инсонларнинг авлоди эканимизни, қандай бой ва бетакрор маънавий мерос ворислари эканимизни англаш, миллий кадриятларимизни тиклаш йўлида тарихда из қолдирадиган кўпгина хайрли ишларни амалга оширдик.

Жумладан Имом ал-Бухорий мақбарасини Ул зотнинг шаън-шавкатига

муносиб, ён-атрофи мунаввар гўшага, зиёратга келган мўмин-мусулмонларга руҳий – маънавий куч ато этадиган қадамжога айлантиришни ният қилган эдик. Аллоҳнинг инояти билан эзгу ниятимиз ижобат бўлди».

2) Президент Ислом Каримовнинг 1998 йил 24 октябрида Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқидан лавҳалар:

«Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги миллатимиз учун катта сиёсий ва маърифий аҳамиятга эга. Биз бу санани давлатчилигимиз ва илму маданиятимиз тарихини, мустабид тузум йилларида ноҳақ унутилган буюк аجدодларимизнинг муборак номларини қайта тиклашдек олижаноб ишнинг узвий бир қисми деб биламиз.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг оламшумул мероси дунё маданияти ва маърифати хазиналаридан бири бўлиб, миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккуримиз кўлами ва қудратининг исботидир»

«Аҳмад ал-Фарғоний кишилик тарихида илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва ёрқин намояндаларидан бири, ўз замонаси фундаментал фан асосчиларидан бири эди.

Унинг мероси инсониятнинг янги илм чўққиларига кўтарилишига сабабчи бўлди, бутун маърифий дунё олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Фврғоналик бу фозил зотнинг “Астрономия асослари” номли шоҳ асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилган эди.

Европада китоб нашр этиш бошланган XV асрда эса бу асар Италияда, кейинчалик Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби мамлакатларда қайта – қайта чоп қилингани унинг нақадар юксак аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Инсон тафаккурининг бебаҳо маҳсули бўлган бу китоб асрлар давомида астрономия фани бўйича ўзига хос қомус вазифасини ўтаган. Дунёни энг нуфузли дорилфунунларида ундан асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинган»

«Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия фани ривожигаги нуфузи шу қадар эдики, аллома бобомизнинг номи Ер қурулгандагина эмас, самода ҳам абадий шуҳрат топди. Шн олтинчи асрдаёқ Ойдаги кратерлардан бирига унинг ном берилган эди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили иашр қилинган «Селенография» китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз – Аҳмад ал-Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан аталади»

3) Президент ислом Каримовнинг 1999 йил 9 майида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан лавҳалар:

«Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган афдодаларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилятдир.

Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аجدодларининг кадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Бу ҳақиқатни кишилик тарихи исботлаб турибди.

Қадрлаш дегани – бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир»

«Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади»

Мазкур машғулотнинг биринчи қисми масаланинг назарий жиҳатдан ёритиб беришда алоҳида келтирилган аниқ маълумотлар талабалар томонидан атрофлича ўзлаштирилиб, мазмунлари идрок этилиб борилаётган экан, энди ўқитувчи ва талабаларга илгаридан берилган мустақил ишлар – уларнинг кишилик ҷамияти тарихида миллий ва умуминсоний қадриятлар ва инсоннинг маънавий юксалишларида катта из қолдирган алломаларимиз, шоиру-фузало, саркарда-ю тарихий архитектураларимиз хусусида баён этиладиган ахборотларига жалб этамиз.

Ниҳоят, талабалардан Бегматова Нилуфар томонидан “Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783 Хоразм – 850 Боғдод)”; Бегалиев ИмомҲасан томонидан “Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (825 – Термиз яқинидаги Буг қишлоғи – 892 Термиз) ”; Мусоева Умида томонидан “Қул Хўжа Аҳмад Яссавий (1103 – 1166 Ясси)” лар ҳаёти ва ижодий фаолиятларига бағишланган рефератлари асосидаги ахборотлари тингланиб, талабалар иштирокларида умумлаштирилди ва дарсга яқун ясалди.

12- §. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанида янги педагогик технологияларни қўллаш

Дарснинг жиҳози: 1. Ўзбекистон Республикаси харитаси.

2. Луғат (тушунчаларнинг изоҳлари)

3. Кўргазмалар материаллари

4. Ўқитишнинг техник воситалари

5. Керакли адабиётлар

Амалий машғулот усули: Баҳс-мунозара, Тренинг «Мулоқот»

Тренинг ҳақида тушунча

Ушбу тренинг ўқувчи-талабаларда дарс жараёнида мустақил фикрлашга, ўз фикрларини эркин ҳолда баён эта олишга ҳамда уларда баҳслашиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда бундай машғулот тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлган ҳолда ўтказилади.

Мақсад. Танланган мавзу, муаммо асосида тингловчиларнинг фикрларини ҳамда ушбу мавзуга бўлган муносабатларни аниқлаш, мустақил ҳолда умумий бир фикрга келишларига ва тўғри хулоса чиқаришларига ёрдам бериш, эркин ҳолда баҳслашишларига шароит яратади.

Ўтказилиш тартиби. Тренер машғулотни бошлашдан аввал тингловчиларни мулоқот, баҳс мунозарани ўтказишга қўйилган талаблар, қоидалар билан таништиради, сўнгра ушбу тренинг босқичма-босқич ўтказилишини тушунтиради.

Режа.

1. Инсон ва жамият феъл-атворида таъсир қилувчи омиллар.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва ғоявий тарбия
3. Адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари, фан ва илмий муассасаларнинг комил инсон тарбиясидаги аҳамияти
4. Оила, маҳалла ва жамоатчиликнинг ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти
5. Миллий ғурур ва миллий ифтихорни шакллантириш усуллари

Истиқлол ва ғоявий тарбия.

Дарснинг жиҳозланиши. Мазкур дарсда ўрганиладиган мавзунинг мазмунидан келиб чиқиб, ундаги бош ғоялар ва таян тушунчаларини ифодаладиган асосий фикрлар баён этилган кўргазмали ва тарқатувчи дидактик материаллардан фойдланилади.

Синф тахтасига қуйидагилар ёзиб қўйилади:

1. «Инсон» тушунчасининг мазмун-моҳияти нима? «Комил инсон Ким? », «мафкуравий тарбия воситаларига нималар киради?», «Таълим ва тарбия бирлиги нима?»

2. «Давримизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бу – маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий ғоя асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан Янги авлодни вояга етказишдир» (И.Каримов)

3. «Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-окибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириш лозим» (И.Каримов)

Дарснинг мақсади:

А) Дарснинг таълимий мақсади: мазкур дарс «Миллий истиқлол ғояси» фанининг якунловчи мавзуси мафкуравий тарбиянинг услуб ва воситаларига

бағишланганлиги боис, табиийки, унда аввало курсни ўқиш жараёнида ўрганилган қатор ғоялар ва тушунчалар хусусида такрорий фикр юритилади.

В) Дарснинг тарбиявий мақсади: дарс жараёнида талабалар тарбиясида комплекс ёндошиб, машғулот давомида бериладиган муаммоли саволларга олинадиган жавоблар асосида тарбиявий муамоларни ҳамкорликда кўриб чиқиш ва бартараф этишга етишишдан иборат.

Д) Дарсда ривожлантириб бориладиган таълим: юқорида алоҳида қайд этилганидек, мазкур мавзу курснинг якунловчи мавзуси бўлганлиги боис дарс давомида ушбу фаннинг дастур талабларига ижодий муносабатда бўлиб, курснинг бош ғоялари ва таянч тушунчаларини имконият борича кўпроқ такрорлаш, улар тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш тамойилига амал қилинади.

Мавзуни баён этиш режаси:

1. Инсон ва жамият феъл-атвориға таъсир қилувчи омиллар.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва ғоявий тарбия.
3. Адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари, фан ва илмий муассасаларнинг комил инсон тарбиясидаги аҳамияти.
4. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси.
5. Оила, маҳалла ва жамоатчиликнинг ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти.
6. Миллий ғурур ва миллий ифтихорни шакллантириш усуллари.
7. Хулоса.

Дарснинг тури: Муаммоли таълим элементларини ўз ичига олган ноанъанавий дарс.

Дарснинг блок чизмалари.

А) Машғулотнинг дастлабки 2-3 дақиқаси дарснинг ташкилий масалаларига бағишланиб, унда ўқитувчи мавзуга оид кўргазмали куруллар, тарқатилувчи дидактик материалларни фойдаланиш ҳолатига келтириб, янги мавзу ва унинг режаси ёзилган «Кўчма чизмани» гуруҳ тахтаси ёнига илиб қўйилади.

В) Ўтган дарсда ўрганиладиган мавзудан уйга берилган вазифадан бир неча савол назорат сифатида ўртага ташланиб, жавоблар тингланади ва ўқитувчи томонидан изоҳлангач, янги мавзунинг баёнига ўтилади.

1. Ўқитувчи янги мавзуни баён этишга киришар экан, аввало, унинг режасидаги биринчи масала, инсон ва жамият феъл-атвориға таъсир қилувчи омиллар хусусида фикр юритишдан олдин, талабаларнинг «Инсон ва жамият» курсидан олган айрим назарий билимларни яна бир бор эслатиш мақсадида бу курсга тегишли бирон-бир саволни ўртага ташлайди. Жавоб ўқитувчи томонидан изоҳланади.

2. Инсон, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни, унинг Ватан равнақидаги иштироки хусусида гап борар экан, биз асрлар давомида бу муаммони меъёрига етказиб ҳал этиб келаётган буюк алломаларимизнинг илмий меросларидан фойдаланмоғимиз лозим. Масалан, Абу Райхон Беруний (973-1051) нинг илмий меросида инсон муаммоси марказий ўринни эгаллаган.

Беруний инсоннинг кадр-қимматини улуғлаган, инсонларнинг ишонч ва маъмуриликлари фарқли эканлигига диққатни тортган, дунё маданияти такомилли шу ранг-баранглик натижасида бунёд этилганлигини тасдиқлаган. Беруний, инсонлар уч сабабга кўра бахтсизлик келтирадилар дейди:

а) Инсон ер юзидаги яратилган жонзотлар орасида энг мумтоздир. Аммо инсонлар ўзларининг қизғанчиқликлари сабабли бир-бирларининг кўлларида бўлган нарсаларга кўз тикадилар. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий зиддиятга сабаб бўлади;

б) Ўз эътиқоди, маҳзабини ва қабиласини, ўз манфаатини бошқалардан устун кўрмоқ инсонлар орасида нифокларга йўл очади.

в) Хурофотлар ва асоссиз эътиқодлар инсонликнинг такомиллашуви ва унинг камолотини орқага суради, жамиятда тушунмоқчиликларни келтириб чиқаради.

Алломамиз инсоннинг ички поклиги калити иймон ва яхши ният эканлиги, ахлоқан гўзал бўлмоқ эса ҳар бир инсоннинг ўзига, унинг дидига боғлиқ эканлигини алоҳида қайд этган.

3. Ўқитувчи мавзуни баён этиш режаси асосида талабаларга «инсон» тушунчаси хусусида атрофлича билим беришда давом этар экан, энди унинг ҳатти- ҳаракати ва феъл-атворини шаклланишида инсон омили миллий истиқлол ғоясининг бугунги талаби асосида айтадиган бўлсак, бу борада кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастуримизнинг ўрни ва роли хусусида батафсил маълумот бериши лозим бўлади. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1997-йилнинг 29-августидида эълон қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонун ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши борасидаги тарихий ҳужжат бўлиб волганини алоҳида таъкидлайди. Академик лицей ёки коллеж шароитида ҳар бир гуруҳда истиқлол ғояси фанини ўқитишни бошлашдан олдин ўзига хос кичик социологик тадқиқот характеридаги анкета саволларини тузиб ўқувчи талабалар орасида тарқатиш ва уларнинг ҳар бири тарқатилган саволга ўз исми шарифларини ёзмасдан, аноним тарзда жавоб ёзишларини ўқитиш орқали ҳам натижага эришиш мумкин.

Тарқатиладиган саволлар:

- Миллий ғоя нима?
- Ўзбекистон шароитида миллий истиқлол мафкураси нима учун зарур?
- Мафкуравий тазйиқ нима?
- «Мафкуравий бўшлиқ» деганда нимани тушунаси?
- Мафкуравий курашнинг қандай умумбашарий ва минтақавий муаммоларини биласиз?
- Мафкуравий таҳдидни қандай бартараф этиш мумкин?


Аноним холда тўлдирилган анкета саволларига олинган жавоблар даражаси ва савияларнинг турли-туманлиги бу борадаги назарий ва амалий педагогик фаолиятнинг йўналишларини аниқлаш ва самарадорлигини оширишда катта амалий аҳамият касб этади. Анкета саволларининг сўнгги

вақтда қандай бадиий асарлар ва санъат асарлари билан танишганликларини қайд этган жавобларига алоҳида эътибор бериш зарур.


Гап шундаки, кўпгина талабалар академик лицей ёки коллежларда тахсил олиш даврида дастурдаги фанларни ўрганишга кўп вақт ажратиб, бадиий адабиёт асарларини, ўз ўқиганлари ёки театр спектакллари ва тасвирий санъат музейлари, кўргазмаларида кам бўлганликларини қайд этганлар.

«Миллий истиқлол ғояси» фанидан ўтказиладиган ушбу мавзунинг илмий назарий ва методик жиҳатдан ўзига хос хусусияти шундан иборатки, машғулот давомида ўқитувчи томонидан муаммоли савол тариқасида бериладиган вазифаларга тингловчиларнинг жавоблари қанчалик ҳаётий мисоллар ёки баҳсда иштирок этаётган шахснинг ҳатти-ҳаракатлари билан уйғунлашган бўлса, шунчалик самара олиш мумкин. Ана шу сабабдан ҳам мазкур дарсни ижодий тарзда олиб бориш, ғоявий тарбиянинг барча усуллари ва имкониятларидан омилкор фойдаланиш лозим.

Дарсда қуйидаги жадваллар (1,2) талаба-ўқувчиларга тушунтирилади.



2-жадвал



13 - §. Миллий ғоя ва мафкурани ўқувчилар онгига сингдиришда маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш

Ўқувчи-талабалар қалби ва онгига миллий истиқлол ғояси тушунча ва тамойилларини сингдириш ва маънавий-маърифий ишларни шу асосда ташкил этиш бугунги долзарб вазифадир. Чунки четдан бўлаётган ёт мафкуравий тажовузлар натижасида баъзи ёшлар онги ва тафаккурида чекланишлар, зарарли таъсирлар сезилмоқда, боқибегамлик, лоқайдлик аломатлари пайдо бўлиб, уларнинг бошқа оқимларга оғиб кетиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Буларнинг барчаси айрим ёшлар қалбида мустаҳкам эътиқод, онгида юксак дунёқараш шаклланмаганлиги сабабли содир бўлмоқда. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, ёшларни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ишига сафарбар этиш учун уларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойилларини сингдиришда маънавий-маърифий иш усулларида кенг фойдаланишни талаб этмоқда.

Бугун Президентимиз Ислом Каримов асарлари, маъруза ва нутқлари, чиқишларидаги маънавий-маърифий мавзуда илгари сурилган фикрлар асосида тузилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи асосий манба бўлиб хизмат қилади. Ана шу рисоланинг маъно-мазмунини тарбия дастурларига сингдириш орқали таълим-тарбия мазмунини мустақил фикрли, юксак фазилатли, иймон-эътиқодли, баркамол инсонларни тарбиялашга қаратиш лозим.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида илгари сурилган ғояларни, маънавият асосларини халқ таълимига жорий этиш ўқувчиларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, уларда янгича дунёқарашни шакллантириш мезонларини белгилаб беради.

Маънавий-маърифий ишлар миллий истиқлол ғоясининг тушунча ва тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, ёш авлод қалби ва онгида қуйидаги маънавий-руҳий кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади:

- миллий истиқлол ғоясига ишонтириш;
- маънавий-руҳий рағбатлантириш;
- ғоявий иммунитетни шакллантириш;
- юксак эътиқодни шакллантириш;
- ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ислохотларнинг моҳиятини чуқур англаб етиш ва фаол иштирок этишларига кўмаклашиш.

Бой тарихий ва маданий меросимиз, миллий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, кенг фикрли, соғлом, жисмоний, ақлий ва маънавий жихатдан баркамол, иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини тушунадиган ҳамда уларни ҳаётга татбиқ эта оладиган, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси мустаҳкам бўлган шахсларни шакллантиришда таълим

тизимида маънавий-маърифий ишлар амалга оширилишининг аҳамияти каттадир.

Бунда «Миллий истиқлол ғоясини ўқувчилар онгига сингдиришда маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш» мазмуни қуйидагилардан иборат бўлади:

- миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг бой тарихий, маданий ва маънавий мероси асосида ўқувчи-талабаларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, иймон-эътиқод, меҳр-шафқатлилик каби инсоний фазилатларни шакллантириш;

- ўқувчи-талабаларни Ватанга муҳаббат, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конституцияси ва Давлат рамзларига амалий садоқат руҳида тарбиялаш;

- маънавий, ақлий, жисмоний баркамоллик, иқтисодий, ҳуқуқий саводхонлик, меҳнатсеварлик, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва тарбиялаш. «Оила, маҳалла, мактаб» концепциясини ҳаётга татбиқ этиш;

- ёшларимиз онгида она-Ватанга, буюк аجدодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириб бориш;

- тарихий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган маърифат масканлари, музейлар, кўргазмаларга экскурсия ва саёҳатлар ташкил этиш;

- ота-оналарни таълим муассасаларига таклиф этиш, ҳокимият қошидаги вояга етмаганлар билан ишловчи комиссиялар ишида, корхоналардаги мактаб ҳамкорлик кенгашларида, бола таълим-тарбияси билан боғлиқ бўлган йиғилишларда, тарбиявий тадбирларда қатнашиш;

- халқаро терроризм, диний экстремизмнинг реакцион моҳиятини кенг тушунтириш, уларнинг ёшларга таъсирининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этиш;

- республикамызда яшовчи турли халқ ва миллатлар вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувликни тарғиб қилиш ва ҳар томонлама тушунтириш ишларини олиб бориш;

- таълим – тарбия жараёнини ташкил этишда ватан ва ўз халқи билан фахрланиш, унинг буюк тарихига ҳурмат билан қараш, уларнинг улуг келажагини таъминлаш учун дахлдорлик ва жавобгарлик туйғуларини тарбияловчи тадбирларни амалга ошириш;

- мамлакатимизда нишонланадиган умумхалқ байрамлари : «Мустақиллик», «Конституция», «Хотира ва қадрлаш», «Ўқитувчилар ва мураббийлар», «Халқаро хотин-қизлар», «Ватан ҳимоячилари» кунлари ва бошқа байрамларнинг тарбиявий жиҳатдан юқори савияда ўтишини таъминлаш;

- маънавий-маърифий тадбирлар орқали ўқувчилар онгига мустақиллик мафқураси ва миллий ғояни сингдириш;

- педагог, психолог, тиббиёт ходимлари, ички ишлар назоратчиси, «Маҳалла» фаоллари, ота-оналар билан ҳамкорликда тадбирлар ташкил этиш;

- ўқувчи-талабаларни ҳар томонлама камол топтириш, спорт, бадий, эстетик, техник, экологик, сайёҳлик ва ўлкашунослик, бозор иқтисодиётига асосланган ёш иқтисодчи, нотиқлар, бизнесмен, менежерлар тўғрақларига, ҳуқуқий саводхонликка йўналтирувчи клубларга, уларнинг қизиқиш, имконият ва қобилиятларига қараб жалб қилиш;

- спортнинг турли йўналишлари бўйича ўринлар, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақалари ва бошқа спорт тадбирларини ўтказиш;

- истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўқувчи-талабаларнинг қобилият ва маҳоратини очишга кенг имкониятлар яратиш, турли хил кўрик-танловлар, мусобақалар, анжуманлар ўтказиш, таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўқувчиларнинг ўз йўналиши бўйича олган касб маҳоратини очиб беришга шароит яратиш, ёшларда эркин фикрлаш қобилиятини кенгайтириш.

Республика оммавий тадбирларини юқори даражада ташкил этиш, асосан, миллий истиқлол ғоясини талабалар онгига сингдириш ва маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш мақсадида умумтаълим мактабларида қуйидаги тадбирларни ўтказиш мумкин:

- «Сув – ҳаёт манбаи» кўрик-танлови;
- «Китобсеварлар» кўрик-танлови;
- «Ижодкор ўқувчи (талаба)лар» анжумани;
- «Ўзбекистон кўшиқ байрами »;
- «Нафосат» ёш қаламкашлар анжумани;
- «Истиқлол чечаклари» кўрик-танлови;
- Темир йўллар орқали «Ватанимиз тарихини ўрганамиз» саёҳати;
- Буюк ипак йўли маршрути бўйича халқаро ёш велосайёҳлар мусобақаси;
- «Ёшлар бадий ижодиёт фестивали» ва ҳоказолар.

Узлуксиз таълим-тарбия тизимида тарғибот-ташвиқотда расмийликка, тадбирбозликка чек қўйишимиз керак. Шунинг учун доим ёдимизда тутишимиз керакки, баландпарвоз, чиройли сўзлар, қуруқ маърузалар ҳар қандай ғояни обрўсизлантиради. Ёшлар билан тенг мулоқотга киришиш, уларнинг қалбларига халқчиллик, самимият билан кириш, қанотлантириш, мафкуравий курашлар даврида миллий истиқлол ғояси ташвиқотини жанговар даражага кўтариш керак.

Дунёда бўлаётган ўзгаришлар миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш орқали уларни ҳаётга тайёрлашда янгича инновацион услубларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиб боришни тақозо этмоқда.

Илмий хулосаларга кўра, одамнинг хотирасида 90 % ҳолларда – ўзи бажарган иш, 50 % ҳолларда – кўргани ва 10 % ҳолларда – эшитгани сақланиб қолади. Демак, ғоявий тарбияда ёшларни кўпроқ ўзлари бевосита

иштирок этадиган амалий мафкуравий ишларга жалб қилишимиз керак. Бунинг учун тарғибот-ташвиқот ишларининг ранг-баранг, таъсирчан усулларини жорий қилиш лозим.

Ёшлар тарбияси таълим муассасаларининг устувор вазифасидир. Шу ўринда «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам» тамойилининг ёшлар тарбиясида тутган ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда ўқувчи-талабалар тарбиясининг асосий йўналишларини тўғри белгилаш зарур. Тарбиянинг ижтимоийлиги, тарихийлиги, умуминсоний ва миллий хусусиятлари ҳисобга олиниши керак.

Шу билан бир қаторда тарбия услубларини такомиллаштириб, замонавийлаштириб бориш зарур.

Маънавий-маърифий ишларда онгли интизом, масъулиятлилик, маданий хулқ, инсонпарварлик ҳисларини ҳамда фидойилик, қатъиятлилик фазилатларини тарбиялаш зарур.

Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳадаги давлат сиёсати жамиятда юксак маънавий муҳитни қарор топтиришга қаратилган. Жамиятни маънавий-ахлоқий янгилаш миллий тараққиёт учун замин яратибгина қолмай, унга куч бахшида этади. Шунинг эътиборга олиб, талаба-ўқувчиларга янгиланаётган Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий негизлари ҳақида тушунчалар бериб бориш лозим.

Давлат ва жамоатчилик ташкилотлари билан маънавий-маърифий ишлардаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва ишлаш тизимини яхши йўлга қўйиш лозим. Бу тизимнинг самарали ишлаши учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлар руҳиятининг ривожланиши ва камол топишида балоғат даври муҳим босқич ҳисобланади. Худди мана шу даврда оламга ҳам, муҳитга ҳам қизиқишлар кескин ортади. Барқарорлик белгилари намоён бўла бошлайди. Аксарият болаларга атрофдагилар уларни тушунмаётгандек ёки тушунганини истамаётгандек туюлади. Юриш-туришларида кескин ўзгаришлар юз беради. Ёшларни дуч келиши мумкин бўлган турли кўнгилсизликлардан асраш, маънавий камол топтириш учун улар руҳиятига вафо, бурч, виждон, ташаббускорлик, садоқат, фаоллик, масъулият каби ҳислатларни турли маърифий усуллардан фойдаланган ҳолда сингдириб бориш лозим.

Бу борада ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий ишларнинг интерактив методларидан фойдаланиш яхши самара беради. Бунинг учун маънавий-маърифий ишларда интерактив методларни қўллаш шарт-шароитларини билим муҳим. Бунда фаол, ҳаётий позицияни шакллантирувчи методларни қўллаш самара беради. Ёшларда лидер (сардорлик) сифатларини ҳамда жамоада ўз ўрнини топа олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш зарур.

Маънавий-маърифий ишларда ўзгалар фикрини ҳурмат қилган ҳолда далиллаш, ишонтириш, асослаш, мунозара олиб бориш маҳорати юксак

бўлиши зарур. Жамоавий ижодий фаолият ҳам кучайтирилиши талаб этилади. Маънавий-маърифий ишлар тақдимоти, натижаларини сарҳисоб ва эълон қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, келажакда маънавий-маърифий ишлар истиқболини белгилашда муҳим рол ўйнайди.

Глобаллашув жараёнида миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришда миллий анъаналардан фойдаланиш зарур. Информацион хуружлар кучайди. Шунинг учун информацион хуружларга қарши курашнинг шакли, мазмуни ва турларини ёшлар онгига маънавий-маърифий тадбирларда сингдириб бориш керак.

Тадбирларни амалга оширишда ёшларнинг маънавий эҳтиёжлари ва уларни шакллантирувчи омиллар ҳисобга олиниши керак. Шунда ёшларнинг ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларга қизиқиши ортади ва унинг фаол иштирокчисига айланади.

Ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги имкониятларидан фойдаланиш зарур. Ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни олиб боришда тарбия таъсирчанлигини ошириш йўллари ва воситаларини қўллаш самара беради.

Мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафкуравий тарбия изчиллигини таъминлаш зарур. Мафкуравий тарбия ёшлар тарбиясида улуғвор мақсад ва вазифаларни ўз олдига қўяди. Шунинг учун бу соҳадаги масъул ходимлар ўқувчи-талабаларни мафкуравий тарбиялаш мазмуни ва ўзига хос жиҳатлари, мафкуравий тарбиянинг услуб ва воситалари, мафкуравий тарбиянинг миллий ва хорижий тажрибалари ҳақида тушунчаларга эга бўлишлари лозим.

Профессор-ўқитувчилар маънавий-маърифий ишларни кучайтириш йўллари, талаба-ўқувчиларнинг ёшига мос равишда миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ҳақида чуқур билимга эга бўлиши талаб этилади.

Миллий ғоянинг ёшлар онгига сингдиришда, уларнинг ишонч ва эътиқодига айлантиришга янгича услуб, ёндашув ва технологияларни қўллаш муҳим.

Миллий ғоянинг ёшлар онгига сингдиришида эркин мавзулар танлаш ва тақдимотини ўтказишга эътибор қаратиш лозим. Миллий ғояни тарғиб этишда роликлар, видеоклиплар, ижтимоий рекламалар, «Виртуал саёҳатлар», «мультимедия» дастурларидан фойдаланиш лозим.

Мамлакатимизнинг бой тарихий-маънавий меросидан, тарихий обидалари, музейлардан фойдаланишга ҳам эътибор қаратиш керак. Фидойи инсонлар ҳаёти, дунёнинг ахборот майдонида бўлаётган ўзгаришлар, ОАВ, интернет маълумотлари ҳақида тўғри тушунчалар шакллантирилиши талабларда тўғри хулосалар чиқара олиш кўникмаларини шакллантиришга замин яратиб беради.

Маънавий-маърифий ишларда ўқувчи-талабаларда мустақил фикрлай олиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган баҳс, мунозараларга

алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Мавзуларни иложи борица ҳаёт билан боғлаб ташкил қилиш яхши самара беради.

Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларда Конституция ва қонунлар тарғиботини амалга ошириш усулларида кенг фойдаланиш зарур.

Республикада бевосита фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар қабул қилинган. Аммо мазкур қонунларни ёшлар томонидан англаш ва ҳаётда қўллаш олиш кўникмалари ҳозирча кўнгилдагидек эмас. Бу эса, ёшларнинг қонунлар тўғрисида билим ва кўникмаларини изчил ривожлантиришни талаб этади.

Фуқаролик жамияти асосларининг пировард мақсади – инсон ҳаётини муайян маънавий маромларда мувофиқлаштириш, ҳар бир шахснинг инсоний потенциалини юзага чиқазишдан иборатдир. Зеро, инсон омилини фаоллаштиришда кишиларнинг ҳуқуқий билимлилиги роли каттадир. Яъни, ҳуқуқий маданияти юксак бўлган жамият мустаҳкам бўлади ва миллат бирлиги кучаяди.

Ҳар қандай жаҳолатдан инсонни маърифат қутқаради. Шунини ҳисобга олиб, ёшларга «Жаҳолатга қарши маърифат» тамойили моҳиятини тушунтира бориш лозим.

Ёшларга маънавий-маърифий ишларда диний экстремизм, терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий-ҳуқуқий асослари тўғрисида тушунчалар бериб бориш зарур. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асосларини тушунтириш ва диний-маърифий тарғибот ишларига усто-мураббийларни кенг жалб этиш лозим.

Бунда ёшлар тарбисига таъсир этаётган ижобий (олий таълим мазмуни, маънавий-маърифий ишлар, ОАВ, оила, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари, санъат, маданият ва ҳ.к.) ва айрим салбий (диний экстремизм, терроризм мафкураси, миссионерлик, прозелетизм, лоқайдлик, бефарқлик, тарбиявий ишларда учраётган камчиликлар ва ҳ.к.) омиллар очиқ берилиши, улардан огоҳлантириш зарур.

Ижобий омиллар самарадорлигини ошириш, фаолиятини мувофиқлаштириш, салбий омиллар таъсирини бартараф этишнинг йўналишлари, метод ва воситаларидан маънавий-маърифий ишларда самарали фойдаланиш лозим.

Ёшларни огоҳлик ва ҳушёрлик руҳида тарбиялаш, ахлоқсизлик ғоясини ёйиб, халқни маънавий жихатдан бузишга интилаётган қора кучларга қарши курашда ёшлар фаоллигини ошириш бўйича ўтказиладиган диний-маърифий курашда ёшлар фаоллигини ошириш бўйича ўтказиладиган диний-маърифий тадбирларга диний идоралар вакиллари жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Чунки, ёшларни бегона мафкура: диний экстремизм ва терроризм мафкураси тазйиқларидан ҳимоя қилишда диншунос олимлар ва дин уламолари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш самарали усул ҳисобланади.

Диний экстремизм таҳдидидан ёшларни ҳимоя қилишда профессор-ўқитувчи, тарбиячи-педагогларнинг асосий вазифалари борки, улар бевосита ёшларни бу ёвуз кучларнинг ғояларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга эътибор қаратиб боришлари талаб этилади. Чунки бугунги кунда дин ниқоби остидаги ҳар қандай экстремистик кўринишларга қарши курашмоғимиз долзарб масаладир. Масалан, умумлашган тушунчада «террор» дегани у ёки бу кўринишда сиёсий мақсадларга эришиш учун кураш воситаси бўлиб, унда ҳеч бир гуноҳсиз кишилар террорнинг нишони бўлишади. Демак, террор бегуноҳ одамларга қарши зўравонликни англатади, уни маънавий жиҳатдан ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Бунга 2005 йил Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар яққол мисолдир.

Маънавий-маърифий ишлар натижаларини сарҳисоб қилиш, эришилган ютуқларни ва камчиликларни аниқлаб, таҳлил қилиб бориш лозим. Маънавий-маърифий ишлар тизимли режалаштирилиб амалга оширилса ва баҳоланса, истиқболдаги вазифаларни аниқ белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Талаба-ўқувчилар қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда педагогик ҳамкорлик технологияларини яратиш зарур. Бунда биргаликдаги ҳаракат, тарқатма материал, мустақил иш, тренинг, ўйинлар, сценарий, ишонтириш ва ҳ.к.ларни амалга ошириш тавсия этилади.

Мамлакатимизда инсон саломатлигини асраш ва соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш устувор вазифага айланган. Соғлом турмуш тарзи ғояларини ёшлар ўртасида тарғиб этиш шакллари ва воситаларидан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга эътибор қаратиш лозим.

Жисмонан ва маънан баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган маънавий, маданий ва жисмоний тарбия ишларини ташкил этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Маънавий-маърифий ишлар тизимида жисмоний тарбия ва спортнинг ролини оширишдаги долзарб вазифаларни рўёбга чиқаришда мавжуд имкониятлар ишга солинишини таъминлаш зарур.

Шуни айтиш керакки, миллий ғоя таълим-тарбия, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат, дин, маънавий-маърифий, спорт соҳаларида ҳам акс этади. Шунинг учун таълим муассасаларида шу соҳалардан миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда кенг фойдаланиш лозим.

Устоз ва шогирдлик – миллий тарбия анъанаси. Шундай экан, бу тизим ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда муҳим омил вазифасини ўтайди. Таълим муассасаларида мавжуд ругуҳ мураббийлиги ва устоз-шогирдлик тизимларининг ўзига хос хусусиятларини ва уларнинг аниқ вазифаларини белгилаб олиш лозим. Унда, профессор-ўқитувчиларнинг устоз сифатидаги маънавий бурч ва ҳуқуқлари ҳамда ўқувчи-талабанинг шогирд сифатидаги маънавий бурчлари ёритилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг дин масалаларига оид қонунлари қабул қилинган. Бу соҳада халқаро ҳужжатлар мавжуд. Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлиги қонун билан кафолатланган. Диний экстремизмга йўл

қўймаслик чораларини кўриш юзасидан тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада ёшларда қонунчилик асослари бўйича тушунчаларни шакллантириш долзарб вазифа сифатида тадбирлар мазмунига киритилиши зарур. Бунда асосий эътибор Ўзбекистонда диний бағрикенгликнинг тарихий илдизлари ва ҳозирги даражаси ҳақида маълумотлар беришга қаратилиши мақсадга мувофиқ. Шу билан бир қаторда талаба-ўқувчиларга маънавиятнинг қарор топиб боришида маданият ва диннинг ўрни, диний дунёқарашнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ва исломий қадриятлар, дунёқараш эркинлигини таъминлаш жараёнида ҳар бир инсонда шахсий фикр, мустақил мавқенинг шаклланиши ҳақида ҳам тушунчалар сингдирилиши лозим.

Талабалар онгида мафкуравий иммунитетни (маънавий нуқтаи назардан) ҳосил қилиш жуда муҳимдир. «Токи улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга таъсирини ўтказа олмайди».

Байрамлар маънавий соҳанинг таркибий қисми сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилди, давлатнинг асосий эътиборидаги омилга айланди. Байрамлар ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда муҳим ўрин туртади. Байрамларга (жумладан, тадбир сценарийси ва режиссурасига) оид кўрик-танловлар ўтказиб туриш яхши натижа беради. Таълим муассасаларида байрам-маросимларни ўтказиш алоҳида эътиборни талаб қилмоқда. Бунинг учун ёшлар ташаббускорлиги ва фаоллигини ошириш жуда муҳим. Таълим муассасаларида байрамларни ташкил этишда айнан ёшлар фаолиятидан кенг фойдаланишимиз маънавий ишларнинг самарасини оширади.